

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги  
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат  
маданият институти**

**Эркин Охувжонов**

## **БАТАН КУТУБХОНАЧИЛИГИ ТАРИХИ**

**1-қисм**

**Қадимият, илк ўрта ва ўрта асрлар**

**Ўқув қўлланма**

**Тошкент – 2004**

*Китобимни Абдулла Қодирий но—  
мидаги Тошкент Давлат маданият  
институтини ташкил топганининг  
30 йиллигига бағишлайман*

Мазкур ўқув кўланма маданият институти «Кутубхона — шунослик ва информацион тизимлар» таълим йўналишида илм олаётган талабалар ва коллеж ўқувчилари ҳамда «Китобшунос — лик ва китоблар маркетинги» мутахассислиги бўйича ўқидган магистрларга мўлжалланган.

**Охунжонов Эркин Огилевич** – китобат маданияти тарих – чиси. Москва полиграфия институти (ҳозирги кунда Москва Давлат матбуот университети) ноширлик факультетининг китобшунослик бўлимини ва ушбу олий ўқув юртининг кундузги аспирантурасини тамомлаган. Тарих фанлари доктори, А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти кутубхонашунослик кафедрасининг профессори, Ўзбекистонда наشريётчилик, китоб савдоси, кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва ахборот иши муаммоларига доир саккиз китоб ва эликдан ортиқ илмий ва илмий – оммабоп мақолаларнинг муаллифи.

**Масъул муҳаррир:**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг  
академиги Азиз Қаюмов

**Нашр учун масъул:**

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият  
институти ректори Азиз Тўраев

**Тақризчилар:**

тарих фанлари доктори, профессор  
Абдухалил Маврулов,  
социология фанлари доктори, профессор  
Мансур Бекмуродов,  
проф. Шавкат Акрамов

## Мундарижа

I боб. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихининг методологик асослари	5
1 – §. Кутубхоначилик иши тарихининг объекти, предмети ва вазифалари	5
2 – §. Кутубхоначилик иши тарихини тадқиқ этиш методлари	7
3 – §. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихини даврайлаштириш	10
4 – §. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихининг манбалари	14
5 – §. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихига оид тадқиқотлар	17
II боб. Қадимият ва илк ўрта асрлар кутубхоналари (милоддан аввалги IV – милодий VII асрлар)	23
1 – §. Туронзамин китоб ва ёзма ёдгорликлар маҳзанлари	23
2 – §. Қадимиятдан ўрта асрларга ўтиш жараёнида Туронзамин китобати ва кутубхоначилиги	32
Хулоса	39
III боб. Ўрта асрлар кутубхоначилиги (VIII аср – XIX асрнинг биринчи ярми)	43
1 – §. Кутубхоналарнинг турлари	44
2 – §. Давлат кутубхоналари ёхуд миллий сулолавий кутубхоналар	46
3 – §. Вақф кутубхоналари	61
4 – §. Китоб мухлислари ва шахсий кутубхоналар	73
5 – §. Кутубхоналарнинг тузилиши ва уларнинг ишيني ташкил этиш	83
6 – §. Кутубхоналар китоб фондининг ядроси	85
7 – §. Кутубхонада адабиётларни таснифлаш ва жойлаштириш	96
Хулоса	101

# I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КУТУБХОНАЧИЛИК ИШИ ТАРИХИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

## 1-§. Кутубхоначилик иши тарихининг объекти, предмети ва вазифалари

Китоб ва уни жамиятда тарқатиш йўлларида бири бўлмиш кутубхона ва кутубхоначилик иши инсоният маданиятининг ажралмас бўлагидир. Маданий тарихий давомийлик ва вори – сийлик жараёнларида одамлар ўртасидаги, уларнинг ҳозирги кун билан ўтмиши ҳамда келажаги ўртасидаги алоқадорликни таъминлашда китоб ва кутубхона беназир восита, авлодлар ва аждодлар маънавий алоқасининг узвий бўғинидир. Ижтимоий мулоқот усули сифатида китоб, уни сақлаш ва мутолаа қилиш жараёнларини таъминловчи кутубхона шахсни тарбиялаш, унинг тафаккурини ўстириш, шахсининг фикрлаш тарзини шакллантириш ва унинг эркин шахс бўлиб вояга етишида фаол роль ўйнайди.

Китоб ва кутубхона, маданий, илмий ва ишлаб чиқариш – техникавий билимларни тўплаш усули сифатида, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жамият тараққиётида улкан аҳамиятга эгадир. Китоблар ва кутубхоналар ёзувга асосланган алоқаларнинг турли соҳаларида инсонга жуда катта қулайликлар яратади. Бундан келиб чиқиб, шунингдек ҳозирги замон маданиятининг кўп сонли вазифаларини ҳал қилиш – атроф муҳит ҳодисаларига нисбатан таҳлилий ёндашувларни ўзлаштириш, билимлар орттириш, дунёқарашни ўстириш ва хотирани ўткирлаштириш нуқтаи назаридан, бутунги кунда китоб ва кутубхона беназирдир, деб айтиш мумкин. Шу билан бирга, замонавий кутубхонани ва кутубхона жараёнларини компьютер ва ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Мазкур жараёнларда китоб ўзининг электрон шаклида мавжуд бўлади.

«Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи» ўқув курси асосий махсус курслардан бири бўлиб, унинг вазифаси талабаларни мамлакатимизда кутубхоналар ва кутубхоначилик ишининг узоқ ўтмишидан то ҳозирги кунгача бўлган аҳволи билан таништиришдан, кутубхоначилик иши тараққиёти ҳодисаларини ижтимоий ҳаёт ҳодисалари билан ички алоқадорликда, тарихийлик принциpidан келиб чиққан ҳолда тушунтириб беришдан иборатдир. Кутубхоналарнинг ташкил топиши ва тараққиётининг тарихини ўрганмай, ана шу илму маърифат масканларининг мамлакат маданий ҳаётида тутган ўрнига жамиятнинг муносабатини идрок этмай туриб, маданият ҳамда кутубхоначилик иши

соҳасида инсоният тўплаган билимларни танқидий ўзлаштирмай ва улардан фойдаланмай туриб, тўлақонли мутахассис бўлиш мумкин эмас.

Кутубхоналарнинг ривожланиш жараёнини тушунмасдан, жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг кутубхонага нисбатан муносабатини англаб олмасдан, маданий ривожланиш ва кутубхоначилик қурилиши соҳасида тўпланган тажрибани танқидий ўзлаштириб олмасдан, ҳозирги кутубхоначиликни тараққий эттириб бўлмайди. Кутубхоначилик иши тарихини билиш унинг энг яхши ютуқларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳамда умумлаштиришга, ҳозирги кундаги хато ва камчиликларини таҳлил қилишга, мамлакатимизда кутубхоначилик қурилишини ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Кутубхонанинг ўзи ва умуман кутубхоначилик иши кутубхоначилик иши тарихининг объектини, кутубхоначилик иши билан боғлиқ барча жараёнлар ўз тарихий ўзгаришлари ва ривожланишида, дунёнинг турли мамлакатлари, маданиятлари ва цивилизацияларида, турли тарихий даврларда кутубхоначилик ишининг эволюцияси ва ҳолати эса — кутубхоначилик иши тарихининг предметини ташкил этади. Китобат тарихига оид билимлар мажмуини ифода этишнинг қуйидаги ўзаро алоқадор шакллари кутубхоначилик иши тарихининг объекти ва предмети соҳаларини ташкил қилади:

— жамиятда китоб тақсимлаш шакли ва кутубхона фондиди сақлаш усули — кутубхоначилик иши шакллари ва вужудга келиши, ривожланиши ва ўзгаришини тарихий ўрганиш;

— кутубхона фонди шакллари ва вужудга келиши, ривожланиши ва ўзгаришини тарихий тадқиқ қилиш;

— кутубхоначилик иши ва кутубхона фонди шакллари ва вужудга келиши, ривожланиши ва ўзгаришининг тарихий қонуниятларини аниқлаш ва асослаш;

— кутубхоначилик ишининг минтақавий, миллий ва маданий — тарихий хусусиятлари;

— тарихий тараққиёт жараёнида кутубхона турлари ва типларининг ўзгариши.

Кутубхоначилик иши тарихи дастлабки кутубхоналарнинг вужудга келиши билан боғлиқ тарихий жараёнларни, уларнинг турли тарихий босқичлардаги эволюцияси ва ривожланишини, кутубхонанинг ички тузилишида содир бўлган ўзгаришларни, кутубхона фондлари ва каталогларини тузиш, кутубхоналарни бошқаришни ташкил этиш ва уларни комплекташ масалаларини, атоқли кутубхоначилар, кутубхоначилик ишининг салафлари ва ташкилотчилари фаолиятини ўрганади.

Шу билан бирга, «Кутубхоначилик иши тарихи» фанининг предмети кутубхоналарнинг ва кутубхона системаларининг ташкил топиши, ривожланиши ва тараққиёти, жамият турли гуруҳларининг китобдан ўтмишда ва ҳозирги кунда ижтимоий фойдаланишини ташкил этиш масаласига оид назарий қарашлари тараққиётини ўрганишдан иборатдир. Кутубхоначилик иши тарихининг вазибаларига кутубхоналарнинг ижтимоий функцияси ва ролини ҳар тарафлама очиб бериш, фан, маданият, техника тараққиётда ҳамда оммавий ахборот воситалари орасида тутган ўрнини кўрсатиш, тарихий кутубхоначилик жараёнининг қонуниятларини белгилаш ва ўрганиш, мазкур жараённинг сиёсий, иқтисодий шарт-шароитлари, жамиятнинг маданий савияси билан боғлиқлигини тушунтириш, матбуот маҳсулотларидан ижтимоий фойдаланишнинг вужудга келиши, шаклланиш йўлларини ўрганиш, кутубхоначилик ишида прогрессив ва демократик йўналишларни ўрганиш, аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишнинг замонавий шакллари кенг намойиш қилиш, кутубхоначилик ишидаги илмий тафаккур тараққиётини, айрим кутубхонашунослар фаолиятини таҳлил қилиш, кутубхона таълими масалалари ва бошқаларни ўрганиш кабилар қиради.

Ўз-ўзидан аёнки, кутубхоначилик иши тарихи китобхоналарнинг қизиқишларини таҳлидан ўтказиш, турли даврларда уларнинг шаклланиши механизмларини ўрганиш, жамиятда китобдан фойдаланиш муаммоларини, шу жумладан:

а) турли тарихий босқичларда китобхоналарнинг тоифалари ва гуруҳлари;

б) китобат маданияти тарихидаги китоб мухлислари ва ҳомийлари;

в) жамиятнинг турли табақалари вакиллари бўлган китобхонлар талабларининг ўзига хос хусусиятлари ва улар мутолаа қиладиган китоблар доирасини ўрганишни ҳам ўз ичига олади.

## **2-§. Кутубхоначилик иши тарихини тадқиқ этиш методлари**

Илмий объективлик, тарихийлик ва тизимлилик принциплари кутубхоначилик иши тарихига нисбатан ёндашув, тарихий фактларни таҳлил, синтез ва талқин қилишнинг муҳим принциплари ҳисобланади.

Ҳозирги замон фанида тадқиқотнинг муайян мақсадига бўйсундирилган амалий ёки назарий хусусиятга эга усуллар ва ҳаракатлар мажмуини метод деб аташ қабул қилинган. Метод бу одамларга билиш, нарсалар, нарсалар ва ҳодисаларни ўзгартириш фаолиятида йўл кўрсатувчи, тадқиқот объектининг табиати, моҳияти,

шакллари ва қонуниятларига мос келувчи ўзаро алоқадор прин — циплар ва талаблар мажмуидир. Методлар тадқиқотчининг умумий фалсафий дунёқарашини, унинг реал воқеликни билиш даражасини, шунингдек ўрганиш объекти сифатида танланган ҳодиса ёки жараённинг ўзига хос хусусиятлари ва алоҳида қонуниятларини акс эттиради. Ялпи илмий метод, умумий асос методология, тарих фанининг универсал методлари кутубхоначилик иши тарихи махсус ва хусусий методларининг вужудга келиши ва ривожланишининг негизи ҳисобланади. Кутубхоначилик иши тарихининг махсус ва хусусий методлари эса, ўз навбатида, унинг муайян қонуниятларини акс эттиради. Фанлар ихтисослашадиган ҳозирги замон шароитларида муайян вази — фалар ва масалаларни ҳал қилишга мослаштирилган махсус ва хусусий фан методларининг сони кўпайиб бормоқда. Бинобарин, бир нечта ёки кўпгина фанлар учун умумий ва асосий ҳисобланган методларнинг аҳамиятини ҳам ортмоқда.

Кутубхоначилик ишининг тарихи тарих фани билан ҳам — барчас боғлиқ, чунки у жамият тарихи, унинг маданияти ва маърифатининг ажралмас қисмидир. Кутубхоначилик иши тарихи, алоҳида тарих фани сифатида, умумтарихий методологиядан, тарих фанининг қонун ва қонуниятларидан кенг фойдаланади. Кутубхоначилик иши тарихи, ижтимоий тараққиёт қонунларини чуқур ўрганиш асосида, кутубхона тарихи жараёнларини ҳам умумий тарихнинг таркибий қисми, ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мустақил ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганади ҳамда мазкур жараёнларнинг ўзига хос қонуниятларини аниқлайди ва тадқиқ қилади. Кутубхоначилик ишининг вужудга келиши ва шаклланиши жараённи тўғри тў — шуниш ва илмий идрок этиш учун, унинг ривожланишини бошқа ижтимоий ҳодисаларга боғлаб ўрганиш, уларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсирларини аниқлаш, бошқача қилиб айтганда, муайян цивилизация эволюциясининг турли босқичларида, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаё — тига қараб, кутубхоначилик ишининг ривожланишини ижтимоий тараққиётнинг умумий қонуниятлари асосида тадқиқ қилиш, айниқса, муҳимдир. Бунда шуни ҳамisha ёдда тутиш керакки, умуман ижтимоий, шу жумладан тарихий фан масаласида илмий нуқтаи назардан ёндошмоқ учун энг муҳим нарса — бу асосий тарихий боғланишни унутмасликдир, ҳар бир масалага тарихдаги маълум ҳодиса қандай пайдо бўлганиги, бу ҳодисага у ўз ривожланишида қандай босқичлардан ўтганлиги нуқтаи назардан қараб, бу нарсанинг ана шу ривожланиши жараёнларини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги кунга келиб қандай бўлиб

қолганлигига баҳо беришдир. Бу фанда тарихийлик принципи — нинг асосий талабидир.

Кутубхоначилик иши тарихи умумий тарих фанидан хронологик, синхронистик, ретроспектив методларни, манбалар ва фактлар асосида тарихий ҳодисаларнинг асосий мазмуни ва ўзаро алоқаларини аниқлаш методини, тарихий даврийлаштириш методини, қиёсий — тарихий ўрганиш методини, тарихий ҳужжатларни таҳлилдан ўтказиш, контент — таҳлил методини ўзлаштирди. Ўтмишдаги кутубхоналар ва кутубхона фондларини ўрганишда миқдорий, библиографик, социологик ва статистик методлардан фойдаланилади. Алоҳида қўлёзма ва эски босма усулида чоп этилган китобларни тарихий — китобшунослик нуқтаи назаридан таҳлилдан ўтказиш методи қомусий бўлиб, у тадқиқотта палеография, археография, тарихий дастхатшунослик ва ёзувшунослик, китобат геральдикаси усуллари ва воситаларини олиб киради.

Фактологик материалларни қидириб топиш, қайд этиш, йиғиш ва дастлабки ишлов бериш, келгусида тушуниб етиш, умумлаштириш, таҳлил ва синтез қилиш учун оралиқ хулосаларни тайёрлаш ва олиш босқичида кутубхоначилик иши тарихига яқин фанлар — маданият, адабиёт ва санъат назарияси ва тарихи, матншунослик, адабиётшунослик, фан ва техника тарихи, фаншунослик, кодикология, манбашунослик, палеография ва статистика методлари жалб қилинади. Кутубхоначилик иши тарихига оид асарларни яратишда эмпирик (амалий) билишнинг кузатиш, топилган материалларни солиштириш, таққослаш, тавсифлаш, гуруҳлаш, туркумлаш ва тизимга солиш сингари методларидан фойдаланилади. Эмпирик ва назарий даражаларда фойдаланиладиган методлар мажмуи: таҳлил ва синтез, тушунтириш ва талқин қилиш, индукция ва дедукция, моделлаштириш, мавҳумлаштириш, ўзаро боғлаш ва умумлаштириш методлари тўлиқ қўлланади.

Эвристик метод ёки фактларни қидириб топиш ва тизимга солиш усуллари ва амаллари тизими ҳар бир тарих фани учун жуда муҳимдир. Содир бўлган фактлар, уларнинг генетик ва структуравий алоқалари тарихий билишнинг бирдан — бир воқитаси бўлиб хизмат қилади. Фактларни мумкин қадар объектив кўриб чиқиш учун уларни алоҳида олмасдан, таҳлилдан ўтказиладиган масалага тааллуқли бўлган барча фактлар мажмуини тўлиқ кўриб чиқиш зарур. Бунга мавжуд манбалардан фактларни қидириб топиш, уларни туркумлаш ва гуруҳлаш, яъни асосий фактларни иккинчи даражали фактлардан, асосли фактларни тахминий фактлардан ажратиш йўли билан эришилади. Тарихчи фактлар, воқеалар, ҳодисалар, биографиялар ва жараёнларни

усуллар ва воситалар ёрдамида ҳамда қиёсий — тарихий метод принциплари асосида ўрганиб, ўз фанида ёки қўшни билим соҳаларида ўтмишда ёки ҳозирги даврда содир бўлган ҳодисаларга уларнинг ўхшаш жиҳатларини қидиради, энг умумий белгиларга қараб уларни гуруҳлайди, ривожланишнинг асосий қонуниятларини акс эттириши даражасига қараб тизимга солади. Қиёсий — тарихий метод кутубхоначилик иши тарихининг асосий жараёнларини жамият ва унинг маданиятининг умумий ривожланиши, китобат ишининг даражаси билан узвий алоқадорликда тарихий — ретроспектив нуқтаи назардан тиклаш ва уларга объектив баҳо беришга қўмақлашади. Социология методлари муайян кутубхона хизмат кўрсатган аҳолининг демографик қатламларини, унинг маданий ва иқтисодий даражасини, китобхон сифатидаги қизиқишлари доирасини аниқлаш имконини беради. Кутубхоначилик иши тарихи ва библиография методлари кутубхоналарнинг фонди ва китоблар ўзгариши тиклаш ва ўрганиш, китобларнинг мавзулари, турлари ва типларини, кутубхоналарнинг типларини аниқлаш учун зарурдир.

Кутубхоначилик иши тарихини ўрганишда тизимли ёндашув, кутубхоначилик — типологик ва тарихий — кутубхонашунослик типологик методлари муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот жараёнида бир методнинг соҳаси ва аҳамиятини бошқа методнинг соҳаси ва аҳамиятидан ажратиш қийин. Бунинг устига, ҳар бир метод, фаннинг ривожланишига қараб, ўз усуллари ва амалларини шу даражада ихтисослаштирадики, улар мустақил методларга айланади. Ҳар қандай илмий тарихий тадқиқот тўлиқ туталланганликка эришиш учун комплекс ва тизимли бўлиши керак. Бундан эса фақат битта хулоса келиб чиқади: тадқиқот ҳаққоний ва асосли бўлиши учун барча методлар комплекс ва тизимли қўлланиши ҳамда тарихий — кутубхонашунослик типологик методи тизимини ҳосил қилиши лозим.

### **3-§. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихини даврийлаштириш**

Тарихни алоҳида вақт бўлаклари — милодлар, даврлар, босқичлар ва шу қабиларга бўлиш даврийлаштириш деб аталади. Даврийлаштириш ҳодисаларни замонда туркумлаш тури бўлиб, у тарихий жараёнда содир бўлган муҳим, туб ўзгаришларни ифода этиши лозим.

Тарихчилар томонидан тузиладиган даврийлаштиришларда, авваламбор, уларнинг ижтимоий — фалсафий қарашлари ўз аксини топади. Ўз илмий қарашларига қараб, бир тарихчилар та —

рихни подшолар ҳукм сурган даврларга бўлсалар, бошқа тарих — чилар тарихни асрлар ва ўн йилликларга механик бўлиш билан кифояланадилар, яна бир тоифа тарихчилар эса даврийлашти — ришдан умуман воз кечадилар ёки махсус тарих (масалан, жаҳон маданияти тарихи)даги воқеа — ҳодисалар хронлогиясини жа — ҳоннинг универсал тарихи bosқичларига тўлиқ боғлайдилар.

Ваҳоланки, мамлакатимизда кутубхоначилик иши тарихи ривожланишининг ўзига хосликларини умумий сиёсий ва иқтисодий тарих bosқичларининг хронологик доирасига доим ҳам сиғдириб бўлмайди. Бу муносабат билан вазифа ҳозирги замон тарих фанининг Ўзбекистон, умуман Ўрта Осиё ва Ўрта Осиёдаги алоҳида давлатларнинг тарихини даврийлаштириш масалаларидаги ютуқларига ва тарихий — кутубхонашунослик типология методига асосланиб, кутубхоначилик иши тарихининг хусусиятларига ва содир бўлган тарихий жараёнга мос келадиган даврийлаштириш схемасини таклиф қилиш ҳамда тарихий bosқичлар чегараларини белгилашдан иборат. Бунда мамлакатлар ва халқларнинг ҳаётидаги муайян тарихий даврни уларнинг ци — вилизацион, этногенетик, иқтисодий ва ижтимоий — маданий ривожланишидаги етакчи тенденциялар, мазкур ривожланиш — нинг асосий йўналишлари, мазмуни ва хусусиятларига қараб белгилаш муҳим методологик талаб ҳисобланади. Тарихий bosқичларнинг мустақил методологик аҳамиятга эга бўлган че — гараларини тўғри белгилаш муайян тадқиқот предмети ривож — ланишининг асосий bosқичларини аниқлашда муҳим ўрин тута — ди. Мазкур чегаралар, одатда, мутлақ эмас, балки шартли, нис — бий хусусиятга эга бўлади, шунинг учун ҳам уларнинг аниқ санасини белгилаш жуда қийин.

Турли цивилизациялар шакллариининг алмашиши ва ижти — мой — иқтисодий тузумлар, жамиятда моддий неъматларни тақсимлаш усулининг ўзгариши билан боғлиқ табиий тарихий жараёнлар кутубхоначилик иши тарихини илмий даврийлашти — ришнинг бош мезонидир. Китоб ишлаб чиқариш усуллари (қўлёзма, босма), давлат сиё сати, турли диний конфессиялар, алоҳида шахслар, ноширлар, кутубхоначиларнинг китоб ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва такрор ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолияти, китоб репертуари ва кутубхона фондиниинг тузилиши сингари омиллар ҳар бир тузум доирасида ҳал қилувчи роль ўй — найди. Бунга мувофиқ, Ўзбекистонда кутубхоначилик иши та — рихини биз тўрт асосий тарихий даврга бўламыз: 1. Қадимги ва илк ўрта асрлар даври — милoddан аввалги V аср — милодий VIII аср; 2. Ривожланган ва тугаб бораётган ўрта асрлар даври — IX аср — XIX асрнинг биринчи ярми; 3. Янги давр ёки Россия мустамлакаси остида ривожланиш даври — 1865 — 1991 йиллар; 4.

Энг янги давр ёки мустақил суверен Ўзбекистоннинг ривожланиш даври — 1991 йил 1 сентябрдан.

Биринчи тарихий давр бу қулдорлик муносабатлари давридир. Бу даврда Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиё ҳудуди цивилизация ва ижтимоий — маданий жиҳатдан зардуштийлик, аниқроғи — авесто маданияти ёки авесто цивилизациясининг етакчи бўғини ва муҳим таркибий қисми бўлган. Мазкур босқич милоддан олдинги V асрдан — Ўрта Осиёдаги қадимги халқлар ўз ёзув тизимларини қўллай бошлаган, уларда дастлабки ёзма ҳужжатлар, китоблар ва дастлабки китоб маҳзанлари пайдо бўлган даврдан милодий VIII асрнинг биринчи ўн йилликлари — араблар истилоси ва Туронзамин халқлари араб графикасига асосланган ёзувга ўтган давргача бўлган катта тарихий даврни қамраб олади. Мазкур тарихий давр доирасида шакли ва тай — ёрлаш усулларига қараб тош, ёғоч, тери, қоғоз китоблар, ўрама китоб, китоб — мажмуа (яъни китоб — кодекс) фарқланади; турли ёзув тизимлари — хоразмий, парфёний, бохтарий, суғд, қадимги туркий ва бошқа ёзувларга мансуб ёзма ёдгорликлар, шунингдек китоб маҳзанларининг қуйидаги турлари: а) подшо саройлари қошидаги китоб маҳзанлари; б) турли диний конфессиялар (зардуштийлар, монийчилар, буддавийлар, яҳудийлар, христиан — насронийлар)нинг ибодатхоналари қошидаги китоб маҳзанлари; в) шахсий кутубхоналар ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Турли тарихий вилоятлар ва давлат тузилмалари — Хоразм, Парфия, Бақтрия, Суғд, Фарғона, Чоч, Қанғ, Юнон — бақтрия, Кушон подшолигидаги китоб маҳзанларининг ривожланиш жараёнлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

Иккинчи тарихий босқич феодал ижтимоий — иқтисодий тузум даврига гўгри келади ва VIII асрдан XIX асрнинг ўртала — ригача бўлган даврни — Туронзамин халқлари цивилизация, ижтимоий — маданий ва этник — конфессионал жиҳатдан мусулмон маданий дунёси ёки ислом цивилизациясининг таркибий қисми бўлган даврни қамраб оладики, бу кутубхоначилик иши тарихининг шакллари, мазмуни ва ўзига хослигини белгилайди. Мазкур узоқ давр мобайнида Ўзбекистоннинг ривожланишида содир бўлган сиёсий, давлат — ҳудудий ва тарихий — маданий жараёнлар, шунингдек қўлёзма китоб ишлаб чиқариш, тақсимлаш, такрор ишлаб чиқариш ва унинг репертуаридаги ўзгаришлар даврийлаштиришнинг янада муфассал схемасини тузишни ва ушбу тарихий давр доирасида мустақил босқичларни ажратишни талаб этади. Ўрта асрлар кутубхоначилиги иши тарихида, мазкур катта маданий — тарихий давр доирасида, ҳар бир асрнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигига қарамай, қуйидаги уч муҳим тарихий босқични ажратиш мумкин: илк мумтоз давр

(IX аср — XIII асрнинг боши, 1220 йилдаги мўғуллар истилосига қадар); мумтоз давр (XIII асрнинг иккинчи ярми — XVII аср); кечки мумтоз давр (XVIII аср — XIX асрнинг биринчи ярми).

Туронзамин давлатларини чор Россияси истило қилганидан сўнг уларнинг давлат — ҳуқуқий мақоми, сиёсат ва маданият со — ҳаларида содир бўлган чуқур ўзгаришлар, шунингдек ишлаб чиқаришнинг капиталистик усулига, миллий матбаачиликка ҳамда кутубхоначилик, китоб савдоси ва библиография иши со — ҳаларида янги буржуа шаклларига аста — секин ўтилиши Тур — кистон чор Россиясининг ҳукм остида бўлган давр — 1865 — 1917 йилларни кутубхончилик иши тарихида алоҳида ярим асрлик босқичга ажратишни талаб этади.

Рус чоризмининг ағдарилиши, марказда ва жойларда ҳоки — миятнинг большевиклар партияси қўлига ўтиши, миллий демо — кратик давлатчиликнинг дастлабки тажрибаси — Туркистон Мухториятининг тугатилиши, советлар «андозаси» асосида Туркистон Автоном Республикасининг ташкил этилиши, фуқаролар уруши, «ҳарбий коммунизм» сиёсати ва янги иқтисодий сиёсат — буларнинг ҳаммаси Туркистон АССР даври — 1918 йилнинг апрелдан 1924 йил октябргача бўлган даврни кутубхоначилик иши тарихи ривожланишининг алоҳида босқичига ажратишни талаб этади.

Ҳукмрон большевиклар партияси раҳбарияти томонидан амалга оширилган Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм халқ республикаларини тугатиш ва қисмларга ажратиш, Туронзамин халқининг миллий — ҳудудий чегараланиши натижасида Ўзе — кистон ва Туркменистон республикалари, Ўзбекистон Респуб — ликаси таркибида Тожикистон Автоном республикаси (1929 йилгача), шунингдек Қозоғистон Республикаси таркибида (1936 йилгача) Қорақалпоғистон ва Қирғизистон автоном вилоятлари ташкил этилди ва тез орада мустабид совет давлати таркибига киритилди. Ўзбекистон ССРда кутубхоначилик иши тарихи (1924 — 1991 йиллар)ни биз мазмуни ва ривожланиш хусусият — ларига кўра бир — биридан фарқ қиладиган икки тарихий босқичга ажратдик. Булар — Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки йиллар ва Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги кутуб — хоначилик иши (1924 — 1945 йиллар) ҳамда мустабид тузум асосларининг дарз кетиши ва унинг емирилиши давридаги ку — тубхончилик иши (1946 — 1991 йиллар).

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги йилларида (1991 йилнинг сентябридан) кутубхоначилик ишининг ривожланиши ўқув қўлланманинг сўнгги бўлимини ташкил этади.

#### 4-§. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихининг манбалари

«Тарихий манбалар» атамасининг замонавий талқини анча серқамров. Кенг маънода у кишилиқ жамиятининг ўтмишини тиклаш учун зарур ва фойдали бўлган ахборотга эга ва бундай ахборотни беришга қодир ҳар қандай ҳодисани қамраб олади. Маълум воқелиқнинг изи сифатида, юқорида зикр этилган ҳар қандай ҳодиса тарихчидан қатъи назар яшайди ва тарихий ўр — ганиш объекти деб қаралган тақдирдагина тарихий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳар қандай тарихий ёдгорлиқнинг та — рихий манба бўлиб хизмат қилишга яроқлилиги ва «тайёрлиги» даражаси ҳамда тарихий манба мақомига эга бўлиш ҳуқуқи бир хил эмас. Бунинг устига, тарихий ёдгорлиқнинг бирламчи ахборот ресурслари илмий — тарихий изланишнинг талабларига, шу — нингдек унинг методлари ва амалларининг мукамаллигига, та — рихчининг касбий маҳоратига қараб изчил, босқичма — босқич ўзлаштирилади.

Манбалар салоҳияти, уларда зоҳир ахборотларнинг сови ва сифати ҳам интенсив, ҳам экстенсив йўл билан очиб берилиши ва ифодаланиши мумкин ва лозим. Биринчи ҳолатда муайян манбада ўз аксини топган тарихий воқелиқнинг янги — янги қирраларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш, илгари аниқланмаган маърифий — тарихий ресурсларни топиш ва улардан фойдаланиш назарда тутилади. Тадқиқотчиларнинг янги — янги авлодлари бир қарашда яхши маълумдек туюладиган ёдгорлиқларда ҳали аниқланмаган ва фойдаланилмаган ахборот ресурсларини кашф этаётганлари бежиз эмас. Зотан, мазкур ахборот ресурслари бизнинг тарихий ўтмиш ҳақидаги тасав — вурларимизни янада бойитиш, баъзан эса уларга аниқлик кири — тиш имконини беради. Бу нуқтаи назардан олиб қараганда, та — рихий манбалар илмий фойдаланиш учун битмас — тутанмас са — лоҳиятга эга.

Тарихий манбаларнинг қуйидаги турлари фарқланади: а) ёзма тарихий манбалар; б) моддий тарихий манбалар; в) тасви — рий тарихий манбалар (шу жумладан кино ва фотоҳужжатлар); г) лингвистик оғзаки тарихий манбалар. Тарих фанларининг ҳар бири манбаларнинг барча турларидан у ёки бу даражада фой — даланади, аммо, ўзининг хусусиятига кўра, тарихий манбалар — нинг муайян бир тури муҳим ҳисобланади. Кутубхоначилик иши тарихи учун ёзма манбалар айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Ёзма тарихий манбаларнинг икки тури фарқланади: ҳужжатли ёзма манбалар ва ҳикоя тарзидаги (талқин қилинган) ёзма ман — балар. Ҳужжатли ёзма манбалар жумласига давлат ва ҳукумат

ҳужжатлари, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органоларининг бошқа муҳим фармойиш ҳужжатлари, архив материаллари, статистик ва библиографик маълумотлар, китоблар ва кутубхоналар ҳақида босма реклама ва ахборотлар, фактлар бевосита уларни вужудга келтирган воқеа—ҳодисалар жараёнида акс эттирилган бошқа манбалар (масалан, кутубхоналарнинг инвентарь китоблари) киради. Фактлар содир бўлган воқеа—ҳодисалардан маълум вақт ўтганидан сўнг гувоҳлар ёки тадқиқотчилар томонидан баён этилган ҳужжатлар ҳикоя тарзидаги (талқин қилинган) манбалар деб аталади. Хотиралар, солномалар, кундаликлар, қайдлар, хатлар, ҳисоботлар, газета, журнал ва тўпламларда эълон қилинган мақолалар шулар жумласидандир.

Кутубхоначилик иши тарихида моддий манбалар, асосан китоблар тарихий—китобшунослик таҳлили объекти сифатида, уларнинг тарихан шаклланган қиёфаси, адади ва алоҳида (нусхама—нусха) хусусиятлари, ниҳоят, айирбошлаш фактологияси, яъни китобни сақлаш, унинг ижтимоий ва жисмоний ноёблик хусусиятлари, унга эгаликни баҳолаш (мазкур китобга ким, қачон, қайси кутубхона эгалик қилганлигини аниқлаш), китобнинг ўзидаги манбалар: титул ва чиқиш маълумотлари, китоблардаги қайдлар, эсдалик қайдлари, дастхатлар, савдо ва кутубхона қайдлари, муҳрлар, экслибрислар (китоб эгасининг шахсий тамғаси) муҳим аҳамиятта эга.

Тарихий манбалардан фойдаланиш, биринчидан, мазкур манбалар қаерда ва қандай кўринишда сақланиши ёки чоп этилганлигини аниқ билишни, иккинчидан — ва энг муҳими — манбанинг асослигини кўрсатувчи далил—исботлар: унинг санаси, муаллифини, шунингдек мазкур ҳужжат йўланган ёки унда зикр этилган муассаса ёки шахсни аниқлашни, учинчидан, уни талқин қилиш, яъни тушунтириш, изоҳлаш, маълум воқеалар ёки ҳодисаларга боғлаш, унинг аҳамияти (маъносини) очиб беришни талаб этади.

Қадимги давр ва ўрта асрлардаги кутубхоналар ҳақидаги тарқоқ, аммо ноёб маълумотларни ҳикоя тарзидаги (талқин қилинган) ёзма манбалар — Туронзаминнинг туркийзабон ва форсийзабон халқларининг фан, маданият, дин, адабиёт ва санъат тарихига оид тадқиқотларидан олиш мумкин. Подшоларнинг китобхоналари ва бошқа хусусий китоб маҳзанларидаги кўлёмалар ва тошбосма китобларнинг рўйхатларини, шу жумладан кутубхоналарнинг фихристлари (каталоглари)ни, тазира (антология) жанрига мансуб китобларни, букюк сиймоларнинг таржимаи ҳоллари ва уларнинг ҳаётига оид китобларни ўрганиш ҳам тадқиқотчиларга жуда кўп маълумот беради. Ўрта асрлардаги

кутубхоналар ҳақида маълумотлар қўлёзма китобларнинг ҳо — шияларидаги қайдларда, китобларнинг эгаларининг қайдларида учрайди. Кутубхоналарнинг номлари кўпинча китоб эгаларининг шахсий тамгалари — экслибрисларда кўрсатилади.

Кутубхоначилик иши тарихига оид жуда кўп материаллар идораларнинг архивларида ва шахсий архивларда учрайди. «Архив» деганда муассаса, корхона, ташкилот, оила, алоҳида шахснинг фаолияти натижасида юзага келган ҳужжатлар маж — муи тушунилади. Кутубхоначилик ишига раҳбарлик қилган ёки кутубхоналарни назорат қилган идораларнинг архивлари, уни — версал (илмий ва оммавий) ҳамда махсус кутубхоналар, жамоат ташкилотлари кутубхоналари ҳужжатларининг тўпламлари, кутубхоначилик иши арбобларининг шахсий архивлари айниқса диққатга сазовордир.

Архив фондлари асосан «архивлар» деб аталадиган махсус давлат муассасаларида сақланади. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Давлат архиви ва вилоят марказларининг давлат ар — хивлари тизими мамлакатимиз ҳудудида 1865 йилдан бошлаб фаолият кўрсатган жуда кўп муассасаларнинг ҳужжатлари сақланадиган бош архивлар ҳисобланади. Кутубхоначилик иши тарихчиси учун катта қимматга эга бўлган ҳужжатлар, айниқса, 1953 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Маданият вазирлигининг, мамлакат ёки вилоят миқёсида кутубхоначилик ишини бошқариш учун жавоб берган бошқа идораларнинг материал — лари айнан мана шу архивларда сақланади.

Архивларда ҳужжатлар фондларга тақсимланиб сақланади. Архивда маълум ҳужжатни қидиришда дастлаб унинг йўл кўр — саттичлари билан танишиб чиқиш зарур. Зотан, уларда ҳуж — жатларни қидириб топишни енгилаштириш учун, ҳамisha фондларнинг номма — ном рўйхати кўрсатилади, улардан шу — нингдек предметли ва бошқа кўрсаткичлар ўрин олади. Зарур фондни топгач, унинг рўйхатини кўриб чиқиш лозим. Мазкур рўйхатда фондда сақланаётган ишжилдларнинг шифрлари, са — налари, сарлавҳалари кўрсатилади, уларга қисқача аннотациялар берилди.

Туркистон генерал — губернатори маҳкамаси, вилоят маҳка — малари, Тошкент шаҳар бошлиғи бошқармаси, Туркистон ўлкаси билим юрталари бошқармаси, Туркистон ҳарбий округи штаби, Туркистон қўриқлаш бўлими (сиёсий қидирув), Ўрта Осиё илмий жамияти, Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти, Россия геогра — фия жамиятининг Туркистон бўлими, шарқшунослик жамияти — нинг Тошкент бўлими, Туркистон археология ҳаваскорлари тў — гараги, Тошкент астрономия ва геофизика обсерваторияси, Туркистон жамоа кутубхонасининг фондлари Туркистондаги рус

мустамлакачилари маъмурияти ва Россия жамоат ташкилотлари кутубхоналарининг ривожланиш тарихини тиклаш имконини беради.

«Туркестанские ведомости» (1870—1917), «Окраина» (1890—1896), «Русский Туркестан» (1898—1907, 1911), «Самарканд» (1904—1907), «Среднеазиатская жизнь» (1905—1908), «Туркестанский курьер» (1908—1917) сингари газеталарнинг саҳифаларидан, шунингдек ўзига хос библиографик қўлланма — 591 жилдди «Туркестанский сборник» тўпламидан алоҳида кутубхоналарнинг фаолияти ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

XX асрнинг 20—80—йилларида Ўзбекистонда кутубхоначилик қурилишига оид қимматли ҳужжатли материаллар Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши, Туркистон Маориф халқ комиссарлиги, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгаши ва республика Маориф халқ комиссарлиги, Ўзбекистон Маданият вазирлигининг кутубхоначиликлари иши бошқармаси, А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, бир қатор йирик махсус кутубхоналарнинг фондларида жамланган. Ўзбекистоннинг вақтли матбуот нашрларида ўтган аср давомида кутубхоначилик ишига бағишланган ўнлаб мақолалар эълон қилинган.

#### **5-§. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихига оид тадқиқотлар**

Абу Райҳон Беруний (973—1048)нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» тарихий асари (1000 йил) кутубхоначилик иши тарихига оид маълумотлар келтирилган адабиётимиздаги дастлабки асарлардан бири ҳисобланади. Мазкур асарнинг бўлимларида илк ўрта асрлар Хоразм ва Суғд олимлари ҳамда зардуштийлар дин арбобларининг шахсий китоб маҳзанлари ҳақида сўз юритилади<sup>1</sup>. Абу Али ибн Сино (970—1037)нинг хотираларида (1036 йил) эса Бухоро амирларининг сарой кутубхонаси ҳақида батафсил ҳикоя қилинади<sup>2</sup>.

Алоҳида махсус ишлар масаласига келсак, Тошкент, кейинчалик Туркистон жамоа кутубхонаси (ҳозирги А. Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий кутубхонаси)нинг дастлабки йиллари ва ўн йилликлари ҳақидаги мақола ва

<sup>1</sup> Қаранг: Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1—жилд. Т.: 1957. — 9, 18, 63—бетлар.

<sup>2</sup> Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино ўзи айтиб туриб шоғирди Абу Убайд Жузжоний томонидан ёзиб олинган ҳаёт йўли // Литературный Таджикистан. Альманах. Сталинабад, 1953, №5. — 133-134 бетлар (рус тилига М.И. Занд таржимаси).

очерклар кутубхона иши тарихига оид дастлабки тадқиқотлар жумласидандир. Уларнинг биринчиси — «Тошкент жамоа кутубхонаси ҳақида мақола» «Туркестанские ведомости» газета — сида 1875 йилда эълон қилинган. Мақола муаллифи Д.М. Граменицкий — кутубхонанинг ташкилотчилари ва унинг дастлабки ходимларидан бири<sup>1</sup>. Шундан кейин, хронологик тартибга кўра, Н.В. Дмитриевский<sup>2</sup> ва А.И. Добросмысловнинг<sup>3</sup> юқорида зикр этилган кутубхонанинг дастлабки 25 ва 30 йиллик иш фаолияти таҳлилига бағишланган мақолалари келади.

Атоқли шарқшунос ва Туронзамин тарихчиси В.В. Бартольднинг икки махсус мақоласи ҳам Туркистон жамоа кутубхонасининг фаолиятига бағишланади<sup>4</sup>.

А. Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий кутубхонасининг тарихини ўрганишга мазкур кутубхонада қирқ йилдан ортиқ вақт турли масъул лавозимларда хизмат қилган ўрта осиелик таниқли библиограф — кутубхонашунос Е.К. Бетгер (1887 — 1956) катта ҳисса қўшди<sup>5</sup>. Афсуски, унинг кутубхоначилик иши тарихига оид бош асари — 1945 йилда яратилган «Маданият ишининг чорак кам бир асрлик тарихи» чоп этилмай қолди<sup>6</sup>.

XX асрнинг 60 — йилларида кутубхоначилик иши тарихини илмий ўрганиш давом эттирилди. 1966 йили бирийўла уч муаллифнинг мустамлака Туркистондаги илмий жамиятларнинг ку —

<sup>1</sup> Граменицкий Д.М. Заметки о Ташкентской публичной библиотеке // Туркестанские ведомости, 1875, №20.

<sup>2</sup> Дмитриевский Н.В. Двадцатипятилетие Туркестанской публичной библиотеки // Туркестанские ведомости, 1895, №№33, 34, 37; Шу муаллиф. Эпизод истории Туркестанской публичной библиотеки // Кауфманский сборник. М.: 1910. — С. 129-138.

<sup>3</sup> Добросмыслов А.И. Туркестанская публичная библиотека и музей. Исторический очерк // Средняя Азия, Т.: 1910. Кн. 2. — С. 106-126.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Несколько слов о Туркестанской публичной библиотеке // Туркестанские ведомости, 1902, 7 июня. Шу муаллиф. Туркестанская государственная библиотека и местная мусульманская печать // Записки коллегии востоковедов при Азиатском музее Российской Академии наук. М.: 1925. Т. 1. — С. 97-105.

<sup>5</sup> Бетгер Е.К. Берегите книгу // Известия (Ташкент), 1919, 21 ноября. Шу муаллиф. К 50-летнему юбилею Туркестанской публичной библиотеки (1870-1920). // Известия (Ташкент), 1920, 16 мая. Шу муаллиф. Туркестанская государственная библиотека (1918-1922 гг). Краткий исторический очерк // Наука и просвещение (Ташкент), 1922, №2. — С. 192-203. Шу муаллиф. Государственная публичная библиотека Узбекской ССР // Народное образование в Узбекской ССР за 15 лет (1924-1939). Ташкент, 1939. — С. 142-156.

<sup>6</sup> Бетгер Е.К. Три четверти века культурной работы. К 75-летнему юбилею Государственной публичной библиотеки Узбекской ССР им. А. Навои (1870-1945). Машинопись. Ташкент, 1945. — 153 с. (Хранится в ГБ РУз им. А. Навои.)

тубхоналари ҳақидаги тўртта мақоласи эълон қилинди<sup>1</sup>. А.И. Кормилицин ўзининг бу соҳадаги тадқиқотлари асосида 1969 йили «Инқилобдан олдинги Туркистонда (1868–1917 йиллар) кутубхоначилик ишининг ривожланиши тарихи» мавзuida ном – зодлик диссертациясини ёқлади<sup>2</sup>. О.Ф. Қосимова бу йилларда Ўзбекистондаги оммавий кутубхоналар тармоғининг ривожланиши тарихини тадқиқ қилиш билан фаол шуғулланди<sup>3</sup>. Ўзининг бу соҳадаги изланишларини у диссертация ишида<sup>4</sup> ва Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи ҳақидаги ўқув қўлланмаларида умумлаштирди. А.Г. Қосимованинг мазкур ўқув қўлланмалари 70–90–йилларда тайёрланди ва чоп этилди<sup>5</sup>.

1973 йилда Ўзбекистондаги илмий кутубхоналар тарихига оид иккита номзодлик диссертацияси ҳимояга қўйилди ва муваффақият билан ёқланди. Уларнинг биринчиси М.А. Раҳимова –нинг қаламига мансуб бўлиб, «Ўзбекистон ССРда илмий кутубхоналарнинг ривожланиши тарихи (1917–1941 йиллар)» деб аталади<sup>6</sup>. «Ўзбекистон ССРда илмий кутубхоналарнинг ривож –

---

<sup>1</sup> Касьмова А.Г. Дореволюционные библиотеки Узбекистана // Ученые записки (Ташкентский пед. институт), 1966. Т. 71. – С. 64-72; Кормилицин А.И. Библиотеки научно-медицинских обществ дореволюционного Туркестана // Труды (Ташкентский университет), 1966. Вып. 287. – С. 132-136. Шу муаллиф. Библиотеки некоторых научных обществ дореволюционного Туркестана и их значение в распространении научно-технических знаний // Материалы научной конференции аспирантов ТашГУ. Гуманитарные науки. Ташкент, 1966. – С. 52-64; Яхонтова Н.В. Из истории научных библиотек дореволюционного Туркестана // Ученые записки (Ташкентский пед. институт). 1966. Т. 71. – С. 73-80.

<sup>2</sup> Кормилицин А.И. История развития библиотечного дела в дореволюционном Туркестане (1868-1917 гг.). Автореф. канд. дисс. Т.: 1969. – 31 с. (Ташкентский гос. университет).

<sup>3</sup> Касьмова А.Г. Библиотеки в Туркестане. (Краткий исторический очерк развития библиотечного дела в дореволюционном Туркестане и Туркестанской АССР). Т.: Фан, 1966. – 32 с. Шу муаллиф. Библиотеки Узбекистана во второй пятилетке (1933-1937 гг.) // Труды (Ташкентский университет). 1966. Вып. 287. – С. 137-141. Шу муаллиф. Библиотечное строительство в Узбекистане в 1917-1941 гг. // Библиотеки СССР. Опыт работы. Вып. 35. М.: 1967. – С. 21-33.

<sup>4</sup> Касьмова А.Г. Развитие сети массовых библиотек Узбекистана (1917-1941 гг.). Автореф. канд. дисс. Т.: 1965. – 16 с. (Ташкентский университет).

<sup>5</sup> Қосимова О.Ф. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи. Ўқув қўлланма. Т., Ўқитувчи, 1977. – 154 б.; Қосимова О.Ф. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. Ўқув қўлланма. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2–нчи нашри. VII ва VIII боблар. Т. Есимов иштирокида ёзилган. Т., Ўқитувчи, 1992. – 191 б.

<sup>6</sup> Раҳимова М.А. История развития научных библиотек в Узбекской ССР (1917-1941 гг.). Автореф. канд. дисс. Т.: 1973. – 24 с.

ланиши (1941—1970 йиллар)» номли иккинчи ишнинг муаллифи эса Б.К. Каримовдир<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда махсус болалар кутубхоналари ва болаларга кутубхона хизматлари кўрсатиш тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши масалалари проф. Э.И. Йўлдошевнинг ишларида батафсил тадқиқ қилинган<sup>2</sup>. Умумтаълим мактаблари кутубхоналари тарихи масалалари қисман доц. М.Х. Маҳмудовнинг тадқиқотларида ёритилган<sup>3</sup>.

Қадимги давр ва ўрта асрлардаги қўлёзма китобларнинг маҳзанлари масаласи сўнги давргача кам ўрганилган масала — лардан бири бўлиб келди. Асосан бу масалага оид фактларни умумлаштириш ва тизимга солишга даъвогар бўлмаган мухтасар мақолалар<sup>4</sup> ёки Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи ўқув қўлланмаларида қисқача шарҳлар эълон қилинган. Кутубхона — чилик иши тарихига оид иккита ишгина манба негизининг сал — моқдилиги билан ажралиб туради. Бу таниқли туркман китобат маданияти тарихчиси Олмос Ёзбердиевнинг монографик тадқиқотидаги «Ўрта Осиёнинг қадимги кутубхоналари (Аҳоманийлар давридаги кутубхоналар, Парфия давридаги кутубхоналар, Сосонийлар давридаги кутубхоналар)» номли махсус боби ва «Марвнинг ўрта асрлардаги кутубхоналари»

---

<sup>1</sup> Каримов Б.К. Развитие научных библиотек в Узбекской ССР (1941-1970). Автореф. канд. дисс. М.: 1973. — 33 с.

<sup>2</sup> Йўлдошев Э.И. Болалар кутубхонасида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш. Т.: 1981. — 32 б.; Йўлдошев Э.И., Эгамов Х.Қ. Болалар китобхоналиги ва маънавий камолоти. Т.: Ўқитувчи, 1981. — 24 б.; Юлдашев Э.Ю. Библиотечное обслуживание детей в Узбекистане: становление, развитие, перспективы. Автореф. канд. дисс. Ленинград, 1983. — 16 с. (ЛГИК); Юлдашев Э.Ю. Библиотечное обслуживание детей в Узбекистане. Т.: Укитувчи, 1989. — 50 с.

<sup>3</sup> Маҳмудов М.Х. Мактаб ўқитувчиларига кутубхона хизмати кўрсатиш. Т.: 1989. — 47 — бет; Маҳмудов М.Х. Библиотечное обслуживание учителей общеобразовательной школы: современное состояние и перспективы развития на материалах Узбекской ССР. Автореф. канд. дисс. М., 1990. — 16 с. (МГИИ).

<sup>4</sup> Гаррицкий А. Библиотеки Средней Азии до русского завоевания. — Новый Восток, 1925, №10-11. — С. 381-382; Семенов А.А. Древние библиотеки. — Пионер Востока, 1938, 12 мая. Хамраев У. Об одной личной библиотеке и ее каталоге. В кн.: Научные работы и сообщения отдел. общест. наук АН УзССР. Кн.6, Ташкент, 1963. — С. 387-395 — на узб. яз., Исмаилова Э.М. Из истории рукописной книги и рукописных собраний Средней Азии. — Звезда Востока, 1973, №2. — С. 152-156; Ашрафи М.М. Рукописные хранилища Бухары эпохи Авиценны и последующих веков. — В кн.: Абу Али Ибн Сино и его эпоха. Душанбе, 1980. — С. 40-50; Кормилицин А.И. Рукописные коллекции и библиотеки на территории Узбекистана эпохи средневековья. Ташкент, 1993. — 62 с.

мақоласидир<sup>1</sup>. Мазкур мақолада шаҳарнинг китоб маҳзанлари масалалари батафсил тадқиқ қилинибгина қолмасдан, балки ўрта асрлар Туронзаминининг китобат маданияти тарихида Марв шаҳрининг ўрни ва аҳамияти ҳам очиб берилган.

1994 йили А.И. Кормилициннинг «Китоблар тақдири» монографияси эълон қилинди<sup>2</sup>. Муаллифининг номзодлик диссертацияси асосида яратилган мазкур китоб ўрта асрларда ва янги даврда мавжуд бўлган шарқ кўлөзма маҳзанлари ҳақидаги талқин қилинган материаллар ва тарихий маълумотлар билан тўлдирилган. Афсуски, ўрта асрлардаги кутубхоналар ҳақидаги материалларни баён этишда муаллиф баъзан уларни шунчаки ҳикоя қилиш билан чекланади, мазкур материалларни умумлаштириш ёки улар асосида таҳлилий хулосалар чиқаришга ҳаракат қилмайди.

Ўзбекистонда ўрта асрлардаги кутубхоначилик иши тарихи масалалари мазкур сатрлар муаллифининг иккита монографик тадқиқотида ёритилган<sup>3</sup>.

\* \* \*

Шундай қилиб, Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихига оид асосий илмий тадқиқотлар шарҳи шуни кўрсатадики, тарихнинг умумий, ҳал қилувчи, асосий тенденциялари, тарихий ҳолатлар ва фактларгина эмас, балки Ўзбекистонда кутубхоначилик ишининг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ муайян тарихий жараёнлар ҳам тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолиб келган. Тадқиқотчилар турли замонларда содир бўлган алоҳида ҳодисалар ва фактларни ўрганиб, уларни ўз даврининг руҳида талқин қилиб, кутубхоначилик иши тарихини Туронзамин ва Ўзбекистон халқлари маънавий маданияти умумий тарихининг предмети нуқтаи назаридан, тарихнинг турли босқичларидаги ягона жараён сифатида, тўлиқ ва мукамал ўрганиш вазибаларини ўз олдларига қўймаганлар ва уларни ҳал қилмаганлар. Юқорида зикр этилган ҳолатлар ушбу дарсликнинг хронологик доираси, тизимли – типологик хусусияти, мақсади,

<sup>1</sup> Язбердиев А. Книжное дело в древней Средней Азии (Доисламский период). Ашгабат, Ўлым, 1995. – 322 с.; Язбердиев А. Средневековые библиотеки Мерва. – Известия АН ТССР. Серия общественных наук, Ашгабат, 1988, №5. – С. 5-15.

<sup>2</sup> Кормилицын А.И. Судьбы книг. Библиотеки восточных рукописей на территории Узбекистана с древнейших времен. Т.: Фан, 1994. 167 с.

<sup>3</sup> Охунжонов Э.О. Туркистонда ўрта аср кутубхоначилик ва библиография ишлари маданияти. Т.: 1994. – 59 б.; Ахунджанов Э.А. Очерки по истории княги и книжного дела в Средней Азии. Древность. Средние века. Т.: Издательско-полиграфическое объединение им. Ибн Сины, 1993. – 160 с.

вазифалари, тузилиши ва асосий илмий муаммолари мажмуини белгилаб берди. Ўқув қўлланмага материал танлаш, уни ўрганиш ва талқин қилиш, тизимга солиш, таҳлил ва синтез қилишда кутубхоначилик ишига жамият моддий ва маънавий маданияти – нинг таркибий қисми, ижтимоий онгининг кичик тизими деб қаралди.

## II БОБ. ҚАДИМИЯТ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР КУТУБХОНАЛАРИ (МИЛОДДАН АВВАЛГИ IV – МИЛОДИЙ VII АСРЛАР)

### 1-§. Туронзамин китоб ва ёзма ёдгорликлар маҳзанлари

Қадимият ва илк ўрта асрларнинг турли босқичларида Ту – ронзамин ҳудудида (жугрофий жиҳатдан Турон паст текислиги ҳудуди бўлиб, унда ҳозирги мустақил давлатлар: Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Респуб – ликаси, Тожикистон Республикаси ва Туркменистон Респуб – ликаси жойлашган) бир нечта катта ва кичкина этник – маданий вилоятлар: Хоразм, Бақтрия, Парфия, Марғиёна, Суғд, Фарғона, Чоч, Исфижоб, Тохаристон, Қабодиён, Чаганиён, Хутталон, Бо – миан, Шугнон, Читорол ва бошқалар тарихан вужудга келган. Тарихнинг турли давларида Туронзаминнинг турли вилоятла – рида мустақил давлатлар вужудга келган, вақт ўтиши билан емирилган ва қайта ташкил этилган ёки Туронзамин ҳудудининг алоҳида қисмлари Аҳоманийларнинг қадимги Эрон давлати (милоддан аввалги 558 – 330 йиллар), Салавкийлар давлати (милоддан аввалги IV асрнинг охири – III асрнинг ўрталари), Юнон – Бақтрия давлати (милоддан аввалги 256 йил – I асрнинг ўрталари), Парфия давлати (милоддан аввалги 250 йил – мило – дий 224 йил), Қадимги Хоразм давлати (милоддан аввалги IV аср – милодий I аср), Афригидларнинг Хоразм подшолиги (милодий IV – VIII асрлар), қадимги Фарғонадаги Довон давлати (милоддан аввалги II аср – милодий III аср), Қанғ давлати (милоддан ав – валги II аср – милодий III аср), Кушон давлати (милоддан ав – валги I аср – милодий III аср), Сосонийлар давлати (милодий 224 – 651 йиллар), Эфталлар давлати (милодий IV – V асрлар), Турк ҳоқоноти (милодий 551 – 744 йиллар) сингари йирик дав – латлар таркибига кирган. Араблар истилоси (VIII асрнинг боши) арафасида Туронзамин ҳудуди ўнлаб майда ҳокимликларга бў – линиб кетган эди. Жумладан, жанубда, Сурхон ва Шерободдарё воҳаларида Чағониён давлат тузилмаси ҳукм сурарди. Бухоро вилояти ҳукмдорлар – бухор – худотлар бошчилигидаги ярим мустақил давлат ҳисобланарди. Кеш вилояти (Қашқадарё воҳаси), Самарқанд воҳаси ҳудуди Суғд конфедерацияси таркибига кирар эди. Тошкент воҳаси, Исфижоб чўллари ва воҳалари сиёсий жиҳатдан Турк ҳоқонотига қарам эди. Фарғона водийсида мус – тақил подшолик ҳукм сурарди – бу ернинг ҳукмдорлари Фарғона подшоси (суғд манбаларига кўра, «Фраганик ихшид») мартабасига эга эди. Юқорида зикр этилган давлатларда юзлаб катта ва кичкина шаҳарлар мавжуд бўлиб, уларда деҳқончилик,

суғориш, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши юксак даражада ривожланган, меморчилик ва шаҳарсозликнинг ўзига хос шакллари вужудга келган, бадиий маданиятнинг улкан ёдгорликлари яратилган, сарой ва ибодатхона мажмуалари, шаҳар даҳалари, кутубхоналар, бозорлар, ҳунармандларнинг савдо расталари барпо этилган эди.

Қадимият ва илк ўрта асрларнинг бир ярим минг йилдан ортиқ тарихий ривожланиш даври мобайнида Туронзаминнинг юқорида зикр этилган этник жиҳатдан яқин қабилалари, халқлари ва элатлари ягона тизим – туркийгўй ва форсийгўй суперэтносни ташкил қилган. Мазкур суперэтноснинг ривожланиши, бир томондан, элатлараро қўшилиш ва табақаланиш, алоҳида халқлар ва элатларнинг этногенетик эволюцияси билан, иккинчи томондан эса, маданий ўзаро таъсирга киришиш ва синкретизм жараёнлари билан белгиланади. Бутун қадимият ва илк ўрта асрлар мобайнида юқорида зикр этилган суперэтнос ўзининг тарихий ривожланиши жараёнида ижтимоий – маданий жиҳатдан асосан бир хил ҳодиса бўлиб қолди. Жаҳон тарих фанида ишлаб чиқилган Шумер – Бобил ва Миср «қадимги дунёси», Юнон – Рим «антик дунёси» ёки «буддавийлик дунёси» тушунчаларига қиёсан, Ҳиндистоннинг ва Жануби – Шарқий Осиёдаги бир қатор мамлакатларнинг қадимги ва илк ўрта асрлар даврларига татбиқан, туркийгўй ва форсийгўй ижтимоий – маданий дунёни биз асосан равишда туркийгўй ва форсийгўй Авесто маданий дунёси деб атаётимиз.

Цивилизацион ёндашув ва маданият тарихи нуқтан назардан, Туронзаминда қадимият ва илк ўрта асрлар, дарҳақиқат, ягона ижтимоий – маданий давр бўлган. Мазкур маданий дунёнинг илк китоби – Авесто ва кейинчалик вужудга келган зардуштийлик диний тизими Туронзамин маданий негизида дунёга келди ва энг аввало маҳаллий халқлар – хоразмийлар, парфиялар, суғдлар, сақлар, бақтрияликлар, марғиёналиклар, фарғоналиклар ва исфижобликлар орасида тарқалди. Зардуштийлик ғояси жамият ҳаётининг барча соҳалари ва бўғинларига чуқур кириб борди. Бой мифология, афсонавий тарих, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўз ичига олган ижтимоий онг шакли, кундалик маданий анъаналар ва халқ удумларининг инъикоси сифатида, зардуштийлик ва унинг принциплари турмуш тарзининг асосий кўрсаткичларини, шахс қадриятлари тизими, маънавий – ахлоқий, этик ва эстетик қарашларини тартибга солиди, халқ турмушининг таркибий қисмига айланди, кўп асрлар мобайнида халқларнинг яшаш усуллари, турмуш шакллари ва ижтимоий ўзини ўзи тартибга солиш тарзини белгилади.

Зардуштийлик маданиятининг тарқатувчиси бўлган мазкур маданий дунё, барча цивилизациялар қатори, қўшни мамлакат – ларнинг маданияти билан ўзаро таъсирга киришиб ривожланди ва кўпгина халқларнинг маданий ютуқларини ўзлаштирди. Туронзамин халқлари маданиятининг ривожланишига тарихнинг муайян босқичларида жаҳон тиллари вазифасини бажарган алоҳида тиллар катта таъсир кўрсатди. Жумладан, Аҳоманийлар даврида (милоддан аввалги VI–IV асрларда) ишбилармонлик муносабатлари ва маҳкамалар амалиётида оромий тили ҳукм сурди, оромий алифбеси асосида эса Турон «миллий» ёзув тили – зимлари: хоразмий, парфёний, боҳтарий, суғд, «иссиқ», қадимги туркий, туркий, уйғур, сурёний туркий ёзувлари вужудга келди ва ривожланди<sup>1</sup>. Македониялик Искандарнинг Туронзаминга юришидан кейинги даврда Салавкийлар давлатида ва Юнон – Бақтрияда эллинистик анъаналар билан бир қаторда, юнон тили ва юнон ёзуви расмий тил ва ёзув сифатида ҳукм сурди, юнон алифбеси ҳарфлари асосида эса Бақтрия матналари ифода этишга мўлжалланган юнон – боҳтарий ва эфтал ёзувлари вужудга келди. Парфия подшолиги даврининг биринчи ярмида ва Кушон империяси ҳукм сурган даврининг биринчи асрида (милоддан аввалги I асрда) ҳам юнон ёзуви шундай мақомга эга бўлди.

Аҳоманийлар давлати таркибига Туронзамин ерларининг қўшиб олинishi ва Турон халқлари давлат тузилмаларининг ривожланиши натижасида тарихнинг турли босқичларида халқаро савдо – сотиқ ва маданий алоқаларнинг жонланиши, халқаро алоқаларнинг фаоллашиши учун қулай шарт – шароит яратди. Маданий ютуқларни ўзаро баҳам кўриш ва ўзлаштириш жараёни, халқларнинг ва уларнинг алоҳида вакиллариининг бевосита алоқалари турли даражалар: давлат, савдо, тафаккур, маданий ва шахсий даражаларда амалга ошди<sup>2</sup>. Айнан бошқа мамлакатлар

<sup>1</sup> Қадимият ва илк ўрта асрларда Туронзамин ҳудудида қўлланган ёзув тили – зимлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Ахунджанов Э.А. Письменная культура Средней Азии (Древняя и раннесредневековая история письменности и книги Средней Азии). Т.: Изд-во культурного наследия им. А. Кальери, 2000. – 112 с.

<sup>2</sup> Масалан, милоддан аввалги IV асрда парфиялик Амминасп Миср подшоши бўлган эди... Сиппар шаҳридан топилган Доро I даврига мансуб ҳужжатда Сакият исми сак тилга олинган... Узоқ Элефантин оролида хоразмий Даргман яшаган ва ўз уйига эгалик қилган... Нипшурда ва Бобилнинг бошқа шаҳарларида бобилликлар, мисрликлар, карияликлар, лидияликлар, мидияликлар, ҳиндлар, сақлар, бақтрияликлар ва хоразмийлар яшаган ва меҳнат қилган... Ўрта Осиёдан чиққан жуда кўп ҳарбийлар ва аскарлар қадимги Эрон, Салавкийлар, Юнон – Бақтрия, Парфия подшолигининг Кичик Осиё мамлакатлари, Миср, Юнонистон, Рим ва Ҳиндистонга юришларида иштирок этганлар, мазкур мамлакатлардаги йирик шаҳарларда катта колония –

билан кенг маданий алоқаларни ривожлантириш натижасида туркийгўй ва форсийгўй суперэтноси, авесто маданий дунёси оромий ва юнон ёзувлари, ҳиндларнинг брахми ва ххароштхи ёзув тизимларини ўзлаштирибгина қолмасдан, балки ўзига замондош олд Осиё, Миср, Ҳиндистон, Хитой, Юнон—Рим антик маданиятининг бош унсурлари ва мазмуни, шу жумладан китобат маданиятининг асосий жиҳатлари билан танишиш имкониятига ҳам эга бўлди. Юқорида зикр этилган цивилизацияларнинг маданий ютуқларини ўзлаштириш, мазкур маданиятларнинг унсурларини Туронзамин халқларининг ўзига хос цивилизация—сига сингдириш, уларни авесто маданий негизда, маҳаллий халқларнинг ўзига хос дунёқараши ва дунёни англаш тарзи асосида қайта ишлаш ва қайта идрок этиш пировард натижада маҳаллий маданий тузилмалар ва институтларнинг ўсишига, ўзига хос маданий анъаналарнинг ривожланишига олиб келди. Бу ёзув маданияти ва китобат иши соҳаларига ҳам тўла даражада тааллуқлидир.

Мазкур мамлакатларнинг ўз даври учун анча юксак даражада ривожланган китобат маданияти, китобат иши жараёнларини ташкил этиш, шу жумладан китобларни қўлёзма шаклида кўпайтириш ва китоб маҳзанлари — кутубхоналар ташкил этиш соҳасида тўплаган бой тажрибаси Туронзамин ҳудудида китобат ишининг турли соҳалари вужудга келиши ва кейинги даврларда жадал ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Фарбдаги қўшнилари (Мидия, Эрон, Бобил, Ассирия, Миср) билан яқин маданий алоқалар, улар орқали қадимги Туронзаминга оромий ёзувининг кириб келиши бу ерда солномалар тузиш, йирик ва муҳим ҳодисалар, истилочилик юришлари, муҳим тарихий фактларни ёзма қайд этиш анъаналарининг вужудга келишини белгилаб берди. Подшоларнинг дастлабки ёзма ҳужжатлар маҳзанларида халқ оғзаки ижодининг юқорида зикр этилган илк намуналари сақланар эди. Аҳоманийлар салтанати парчаланиб, Хоразм, Парфия, Бақтрия, Суғд, Фарғона ва Исфижобда мустақил давлатлар ташкил тошганидан сўнг уларда ёзма ҳужжатлар, давлат фармонлари, оғзаки ижоднинг бошқа намуналарини

---

ларга бўлиниб яшаганлар. Ўз навбатида, Ўрта Осиёда ҳам Фарб мамлакатларидан чиққан жуда кўп одамлар яшаган. Жумладан, милoddан аввалги V асрда бу ерда Юнонистондаги Миялет шаҳридан келган муҳожирлар яшаган. Доро I даврида Шимолий Африкадаги Барк шаҳри аҳолисининг бир қисми Бақтрияга кўчириб келтирилган. Ўрта Осиёнинг деярли барча йирик шаҳарларида Аҳоманийлар давлат маҳкамасининг вакиллари, жумладан, оромий мирзалари яшаган. Салавкийлар даврида ва Юнон—Бақтрия подшолигида Ўрта Осиё шаҳарларида юнон лашкарининг кўп сонли кўшнилари ва юнон маъмурияти вакиллари доимий яшаганлар.

сақлаш анъанаси қабул қилинди ва давом эттирилди. Дастлаб ёзма ҳужжатлар мазкур давлатлар подшоларининг хазиналарида тила ёмбилари, бошқа қимматбаҳо металл ва тошлар ҳамда зеб — зийнатлар билан ёнма — ён сақланар эди. Аста — секин газна ажралиб чиқди ва ёзма ҳужжатлар билан китобларни алоҳида ташкил этилган маҳзанларда, яъни китобхоналарда сақлаш анъ — анаси вужудга келди.

Ёзма ҳужжатлар ва китобларни сақлашни ташкил этишнинг Мидия орқали, Ассирия — Бобил маданияти ворисларидан ўз — лаштирилган мазкур олд осиеча анъанаси Туронда кутубхоналар ташкил этишнинг соф юнонча анъанаси билан табиий равишда қўшничилик қилди ва унга қўшилиб кетди. Масалан, Панж да — рёсининг (Юнон — Бақтриянинг шарқидаги Бадахшон вилояти) чап қирғоғида жойлашган, Бақтрияда Македониялик Искандар бўлиб турган вақтда асос солинган қадимги Ойхоним шаҳрида археологлар ҳукмдорнинг саройи, аслаҳахона, ибодатхоналар, маҳкамаларнинг бинолари билан бир қаторда, кутубхона бино — сини ҳам топдилар. Мазкур кутубхона фонди талон — торож қилинган эди. Археологлар фақат услуби Платоннинг диалоглари ва Аристотелнинг «Метафизика»сига яқин бўлган, диалог шак — лида ёзилган фалсафий асар билан шеърӣ услубда, қадимги юнон тилида ёзилган драматик асар матни битилган папирус қолдиқларини топишга муваффақ бўлдилар<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Туронзаминда ҳар хил аҳамият ва хусусиятта эга кутубхоналар ва ёзма ёдгорликларнинг маҳзанлари фаолият кўрсатган дастлабки даврданоқ уларнинг турлари фарқлана бошлади. Ўз аҳамиятига кўра, кутубхоналарнинг биринчи типига подшо сулоаларининг сарой (моҳият эътибори билан — давлат) ганжа — газналари мансуб бўлиб, улар қонувлар, давлат фар — монлари ва ҳужжатлари, оғзаки ижод асарлари ва китобларни ўз ичига олади ҳамда архив ва кутубхона вазифаларини бажаради. Милодий биринчи асрларга келиб, уларда давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар ва молия ҳужжатлари ёпиқ архивларга, китоб маҳзанлари эса — кутубхоналарга ажратилди. Бундай сарой кутубхоналарини ташкил қилиш милоддан аввалги II — I аср — лардан бошлаб қадимги Турон давлатларида одат тусига кирди ва анъанага айланди. Қадимият даврида бундай кутубхоналардаги ёзма асарлар фондининг таркибига зардуштийларнинг муқаддас китоби — Авестонинг турли қисмлари ва унга ёзилган изоҳлар (Зенд — Авесто), сулоалар тарихи, солномалар кирар эди. Илк ўрта асрларга келиб фонд санскрит (қадимги Ҳиндистоннинг адабий тили), юнон ва лотин тиларидан таржима қилинган

<sup>1</sup> Қаранг: Гафуров Б.Г. Тажикӣ. Душанбе, 1989. Кн. 2. — С. 347 — 348.

асарлар, фалсафа, тиббиёт, фармакология, география фанларига оид ва адабий — бадий йўналишдаги асарлар билан бойиди.

Қадимият ва илк ўрта асрларда Туронзаминда жамоавий фойдаланишга мўлжалланган китоблар жамланган кутубхоналар ўз аҳамиятига кўра иккинчи ўринда туради. Мазкур кутубхоналар асосан дунёвий мазмундаги китоблардан тузилган (қадимги Ойхоним шаҳридан тошилган кутубхонага ўхшаш).

Турли диний мазҳабларнинг китобхоналари (китоб омбор — лари) қадимият ва илк ўрта асрларда Туронзаминда фаолият кўрсатган кутубхоналарнинг учинчи типини ташкил этади. Булар зардуштийларнинг оташгоҳлари ва бошқа ибодатхоналари бўлиб, уларнинг алоҳида хоналарида Авесто матнининг алоҳида қисмлари ва парчалари ҳамда унга ёзилган изоҳлар сақланган. Булар шунингдек Кушон Бақтрияси, Суғд, Фарғона ва Тохари — стондаги буддавийларнинг ибодатхоналари (падогалари) бўлиб, уларда буддавийларнинг диний — ахлоқий, маънавий — тарбиявий, фалсафий ва тиббий мазмундаги китоблари ҳамда диний ибодатни ато этиш билан боғлиқ матнларнинг маҳзанлари жамланган. Монийчилар дини вакиллариининг ибодатхоналари ҳам диний китобхоналар жумласига мансуб бўлиб, улар милодий III асрдан бошлаб Эрон ва Туроннинг барча вилоятларида барпо этилган. Анъанага кўра, ибодатхонанинг бешта мажбурий хос хоналаридан биттаси монийчиларнинг муқаддас диний китобларини сақлашга ажратилган. Булар христиан динининг несторианлик (насроний) мазҳаби вакиллари бўлмиш юнонлар милодий V асрда диний таъқибдан қочиб, Византиядан Туронзамин ҳудудига келганларидан сўнг бу ерда қурган ибодатхоналарда жамланган китоб маҳзанларидир.

Ниҳоят, илк ўрта асрларда яшаган Хоразм, Бақтрия, Парфия ва Фарғона олимлари ва зардуштийлик дини арбобларининг шахсий кутубхоналари (уларнинг мавжудлиги ҳақида билвосита ишоралар Беруний асарида қайд этилган<sup>1</sup>), буддавий динига мансуб зоҳидлар, Туронзаминга Византиядан кўплаб китоблар олиб келган христиан динининг несторианлик мазҳабига мансуб юнонларнинг шахсий китоб маҳзанлари қадимият ва илк ўрта асрларда Туронзаминда фаолият кўрсатган кутубхоналарнинг тўртинчи типини ташкил этади.

Милоддан аввалги VI — IV асрларда ҳукм сурган ва Турон — замин ҳудудини ҳам ўз ичига олган Аҳоманийлар салтанатида «ганж» деб аталган подшо сарой кутубхоналари фаолият кўрсатганлиги ҳақида маълумотлар Таврот (Ездра китоби, Есфир

<sup>1</sup> Қаранг: Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1 — жилд. Т.: 1959. — 9, 18, 63 — бетлар.

китоби)да, қадимги юнон тарихчилари Книд Ктесийнинг «Эрон тарихи», Диодорнинг «Тарихий кутубхона», римлик муаллиф Авл Геллийнинг «Аттика тунлари» асарларида ва бошқа шунга ўхшаш қадимги манбаларда учрайди. Бундай кутубхоналар давлат ғазнаси, архив ва кутубхона вазифаларини бажарар эди. Улар салтанатдаги кўп сонли сатрапликларнинг<sup>1</sup> йирик шаҳарларида, шу жумладан Туронзаминда ҳам фаолият кўрсатарди. Мазкур китобхоналарда сақланган теридан ишланган ўрам шаклидаги алоҳида қадимги китобларнинг номлари маълум. Масалан, Тавротда «Солнома китоблар» ёки (бошқа номи) «Хотира китоблар» – подшоларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар тилга олинади.

Книд Ктесий (милоддан аввалги V аср)нинг маълумотлари ҳам қадимда Аҳоманийлар салтанати подшоларининг кутубхоналари фаолият кўрсатганлигидан далолат берувчи илк тарихий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўзининг «Эрон тарихи» асарида у мазкур асарни яратиш учун «форслар ўз қонунига биноан подшо пергаментларида қайд этган қадимги воқеа – ҳодисаларга таалуқли барча ҳолатларни муфассал ўрганганлигини» кўрсатган<sup>2</sup>. Таниқли туркман китобшуноси, қадимги Эрон ва Турон китобат ишьянинг билимдони Олмос Ёзбердиев, подшоларнинг кутубхоналари масаласи юзасидан баъзи бир олимлар билан баҳсга киришиб, шундай деб қайд этади: «Мазкур солномалар билан Ктесийнинг танишлягига шубҳа билдирувчи олимларнинг фикрига қўшилган тақдиримизда ҳам, унинг ўша даврда кутубхоналар мавжудлиги ҳақидаги ахборотини инкор эта олмаймиз. Аҳоманийлар салтанати подшоларининг саройида 17 йил (милоддан аввалги 415–398 йилларда) табиблик қилиб, нафақат Артаксеркс II (милоддан аввалги 405–358 йиллар), балки ундая олдин подшолик қилган Доро II (милоддан аввалги 425–405 йиллар) даврида ҳам фаолият кўрсатиб, у, ҳатто мазкур кутубхонада сақланувчи китоблардан фойдаланиш

<sup>1</sup> Сатрапликлар – Аҳоманийлар салтанатининг сатрап – ҳокимлар томонидан бошқарилган вилоятлари. Геродотнинг фан тарихига оид маълумотларига қараганда (История. Т. III. – С. 89–94), Доро I ҳукмронлиги даврида (милоддан аввалги 522–486 йилларда) салтанат 20 та сатрапликка бўлинган. Шулардан тўрттаси Туронзамин ҳудудида бўлган. Булар: XI – Каспий дентизи қирғоғи ёқалаб яшаган кўчманчи қабилалар, XII – Бақтрия, XV – саклар, XVI – Хоразм, Суғд ва Парфия. Улар ҳам, бошқа минтақалардаги сатрапликлар сингари, Аҳоманийлар салтанати подшоларининг ғазнасига белгиланган ҳажмда солиқ тўлаганлар.

<sup>2</sup> Дандамаев М.А. Иран при первах Ахеменидах (VI в. до н.э.). М.: 1963. – С. 123.

имкониятига эга бўлмаган тақдирда ҳам, уни кўрган ёки у ҳақда эшитган бўлиши мумкин»<sup>1</sup>.

Милоддан аввалги II асрда яшаган Рим тарихчиси Авл Гелий ўзининг «Аттика тунлари» китобида бу ҳақда, жумладан, шундай деб ёзади: «Айтишларича, тиран (подшо) Писистрат Афинада дунёвий илмлар баён этилган китобларни жамоага мутолаа учун тақдим этган. Кейинчалик афиналикларнинг ўзлари ҳам мазкур китоблар сонини кўпайтиришга ҳисса қўшганлар. Аммо, Афинани босиб олиб, Акрополдан ташқари, бутун шаҳарнинг кулини кўкка совурган Ксеркс бу китобларнинг ҳаммасини Эронга олиб кетган<sup>2</sup>. Орадан кўп йиллар ўтгач, «Ғолиб» лақабли подшо Салавк<sup>3</sup> юқорида зикр этилган китобларнинг аксариятини Афинага қайтарди»<sup>4</sup>. Мазкур маълумотта асосан, форслар (эронликлар) Афинани босиб олган милоддан аввалги 480 йил билан Салавк I тахтга ўтирган милоддан аввалги 312 йил оралиғида, яъни 168 йил мобайнида Афинадан олиб кетилган китоблар Аҳоманийлар подшоларининг саройида сақланган.

Шунга ўхшаш маълумотни қадимги тарихчи Диодор (милоддан аввалги I аср) ҳам келтиради. Унинг ёзишича, Артаксеркс III<sup>5</sup> Аҳоманийлар салтанатидан ажралиб чиққан Миср устидан ҳокимиятни тиклаш вақтида бу ердаги ибодатхоналардан қадимги ҳужжатларни олиб кетган. Кейинчалик подшонинг аъёнларидан бири — Багой «мазкур ҳужжатларни мисрлик қўлларга катта пул эвазига сотган»<sup>6</sup>.

Зардуштий олимлар томонидан милодий III—IX асрларда яратилган диний, тарихий, тарихий—жуғрофий мазмундаги китобларда қадимият ва илк ўрта асрлардаги китобат маданиятига оид кўплаб қизиқарли маълумотлар мавжуд. Мазкур китобларда Авесто маданий дунёсининг икки йирик қадимги кутубхоналари — «Ганжи Шапигон» ва «Дизи Нипишт» жуда кўп тилга олинган. Қадимги форс тилидан ўтирганда, кутубхоналарнинг номлари «Шапигон хазинаси» ва «Битиклар уйи» ёки

<sup>1</sup> Язбердиев А. Книжное дело в древней Средней Азии (доисламский период). Ашгабат, Ёльм, 1995. — С. 269.

<sup>2</sup> Афина тирани, милоддан аввалги 560—527 йилларда танаффуслар билан подшолик қилган.

<sup>3</sup> Салавк I Нихатор (милоддан аввалги 338—281 йиллар) — Эрон ва Бақтрияни ўз ичига олган Салавкийлар давлатидаги Салавкийлар сулоласи —нинг асосчиси.

<sup>4</sup> Иқтибос қуйидаги китобдан олинди: Борухович В.Г. В мире античных светков. Саратов, 1976. — С. 134-135.

<sup>5</sup> Аҳоманийлар подшоси, милоддан аввалги 358—338 йилларда ҳукм сурган.

<sup>6</sup> Иқтибос қуйидаги китобдан олинди: Бартольд В.В. Сочинения. М.: 1973. Т. 8. — С. 350.

«Битиклар қалъаси» деган маъноларни билдиради. Зардуштийларнинг манбаларида келтирилган мазкур кутубхоналар ҳақидаги маълумотларни кўпгина таниқли олимлар шарҳлаганлар. Жумладан, йирик авестошунос олим, диний эътиқодига кўра зардуштий бўлган Ж.Ж. Модии Авестонинг тўлиқ матни сосонийлар подшоси Шопур I (242–272 йиллар) томонидан тикланиши ва «Ганжи Шопигон»да сақланиши ҳақида сўз юритиб, мазкур кутубхонани подшонинг Шопигондаги кутубхонаси деб атайди<sup>1</sup>. Бошқа бир ўринда<sup>2</sup> эса у Авестонинг қадимги қўлёзмалари худди ўша «Ганжи Шопигон»да ва подшонинг Истаҳр шаҳридаги (бошқа бир номи – Тахти Жамшид, юнонлар бу шаҳарни Персепо, яъни форслар шаҳри деб атаган) архивида сақланганлигини қайд этади. Подшонинг мазкур архивдан кейинчалик бошқа бир кутубхона ажралиб чиқади. Қадимги манбаларда мазкур кутубхона «Дизи Нипишт» деб аталади. «Бу икки йирик кутубхона, – деб қайд этади Ж.Ж. Модии, – Бригания музейи кутубхонаси ва Оксфорд университетининг Бодлеан кутубхонаси ҳозирги Англия учун қандай аҳамиятга эга бўлса, қадимги Эрон учун ҳам шундай аҳамиятга эга эди»<sup>3</sup>.

«Дизи Нипишт» кутубхонасининг жойлашган ўрни ёзма манбаларнинг маълумотлари ва бизгача етиб келган кутубхона харобаларининг қолдиқларига кўра аниқ маълум. У Фарбий Эронда, Истаҳр шаҳрининг яқинида жойлашган. «Ганжи Шопигон» кутубхонасининг жойлашган ўрни масаласида олимлар яқдил эмаслар. Ж.Ж. Модии, ўрта форс тилида ёзилган «Шаҳристонхон Эрон» – «Эрон шаҳарлари» (милодий VI аср) тарихий манбасида келтирилган маълумотларга таяниб, «Ганжи Шопигон» кутубхонаси Самарқанддаги зардуштийлар ибодатхонасида сақланган, деган фикрни илгари суради<sup>4</sup>. И. Маркварт<sup>5</sup> ва И.С. Брагинскийнинг<sup>6</sup> фикрига кўра, мазкур кутубхона Урмия кўлининг яқини (Фарбий Эрон)даги Шиза шаҳри ибодатхонасида жойлашган. Аммо, бу икки кутубхона қаерда жойлашганигидан қатъи назар, биз учун энг муҳими шундаки, мазкур кутубхоналарда Авесто тўлиқ матнининг энг қадимги рўйхатлари (қўлёзмалари), зардуштийларнинг мазкур муқаддас китобига

<sup>1</sup> Modi J.J. The antiquity of the Avesta // JBRRAS. 1895–1897. Vol. 19. – P. 271.

<sup>2</sup> Modi J.J. Alexander the great and the destruction of the ancient Literature of the Perses at his Parsees at his hands. – In: Oriental conference papers. Papers read at the Oriental conferences Held in India. Vol. III. Bombay. 1932.

<sup>3</sup> Ibid. – P. 102.

<sup>4</sup> Ibid. – P. 64–65.

<sup>5</sup> Markwart I. Catalogue or the Provincial Capitals of Eran Jahr. – P. 108.

<sup>6</sup> Брагинский И.С. Из истории таджикской и персидской литературы. Избранные труды. М.: Наука, 1972. – С. 82.

ёзилган шарҳлар («Зенд – Авесто»)нинг асл нусхалари, Аҳоманӣлар сулоласига мансуб подшоларнинг солномалари, зардуштийларнинг бошқа диний китоблари сақланган. Бу китобларнинг ҳаммаси форсийгўй ва туркийгўй Авесто маданий дунёсининг илк китоблари ва умумий мулки ҳисобланади.

## 2-§. Қадимиятдан ўрта асрларга ўтиш жараёнида Туронзамин китобати ва кутубхоначилиги

Араб истилочилари Туронзаминга (712 йил) бостириб киришнинг дастлабки йилларида авесто маданий дунёси халқларининг ижтимоий ва маданий тараққиёти, анча юқори даражада эканлигига дуч келган эдилар. Шаҳар ва қишлоқ жамоалари ҳаётини ташкил этишнинг ривож топган илк ўрта асрчилик шакллари, уларнинг ўз-ўзини ижтимоий бошқариши, мазкур халқлар маънавиятининг ўта юқорилиги билан изоҳланарди. Бу халқларнинг диний ва мифологик онги уларнинг зардуштийлар ҳаёт принципларига, этик, маънавий – эстетик, шунингдек оилавий – маиший ва турмуш йўл – йўриқларига содиқлигини тақозо этарди. Мазкур халқлар умумий маданий даражасининг юқори бўлиши асрлар мобайнида вужудга келган кудратли анъанавий мифология, эпик ривоятлар билан, халқ оғзаки ижоди асарлари, афсонавий оғзаки ва ёзма тарих асарлари умумий тизимининг мазмунини ташкил этувчи барча барча нарсалар билан белгиланарди.

Китобат иши тармоқлари хусусида ҳам илк ўрта асрчилик учун анча ривожланган даражани қайд этиш мумкин. Деярли ҳар бир элатнинг ўз «миллий» ёзуви ва ўз ёзма ёдгорликлари бўлган. Араблар истилоси арафасида ва бошланиши тарихий даври учун муайян маънода фикр билдирилар экан, у ҳолда гап авесто маданий оламига хос бўлган умумий китоблар репертуари<sup>1</sup> ҳақида ҳам бориши мумкин. Бу репертуар асосини зардуштийлар маънавий адабиёти, чунончи фаннинг тиббиёт, математика, астрономия, тарих, ҳуқуқ соҳалари, ўрта форс, хоразмий, бохтарий, суғд, шунингдек лотин, юнон тилларидаги фольклор ва бадиий адабиёт намуналари, санскрит ва юнон тилларидан таржима қилинган китоблар, буддизм, монийчилар ва христиан динлари мазмунидаги қадимги туркий тилдаги диний асарлар ташкил этади.

<sup>1</sup> «Китоблар репертуари» (ёки «китоб репертуари») тушунчаси муайян тарихий вақт мобайнида мазкур давлат ёки мамлакатлар гуруҳи ҳудудида мавжуд бўлган (нашр этилган) ёки муомалада бўлган китоб нашрлари (ёки қўлёзма китоблар)нинг бутун жамини, яъни китоб савдосидаги мавжуд китоблар ва кутубхоналар фонддини англатади.

Гарчи китоблар қадимги даврлардан бошлаб олди — сотди объекти бўлиб келган бўлса ҳам, китоб маҳсулотлари камсонли бўлганлигидан китоб савдоси ўта ибтидий шаклларида давом этарди. Зардуштийлар оламида китобларнинг муомалада бўлиши ва қўшни мамлакатлар билан китоб савдоси орқали китоб айир — бошлаш одатда фавқулодда, элитар хусусиятта эга эди ва мун — тазам олиб борилмасди. Бироқ қадимги даврда ва илк ўрта асрларда китоб савдоси, гарчи, кам ҳажмда бўлса ҳам, мавжуд — лиги, албатта, муҳим воқеадир.

VII аср ўрталарида сосонийлар сулоласи шоҳларининг энг йирик кутубхонаси Туронзаминга тўлалигича кўчириб келтирилган эди. Бу воқеа 651 йилда арабларнинг Эронга ҳужуми вақтида сўнгги сосонийлар шоҳи Ёздигард III нинг Марвга қочиб кетиши пайтида содир бўлганди. Бу ҳақда академик В.В.Бартольд тарихчи Ибн Тайфур маълумотларига таяниб, қуйидагиларни маълум қилган: «Хуросондаги араб ноибларининг кўпчилиги қадам ранжида қилган Марвда ҳали Маъмун даврига қадар паҳлавийча қўлёзмалар (яъни ўрта форс ёки, бошқача қилиб айтганда, паҳлавий тилида ёзилган қўлёзма китоблар. Бу тил ўша вақтда Эронда қабул қилинган умумий тил эди — Э.О.) кутуб — хонаси сақланиб қолган эди. Мазкур қўлёзмалар бу ерга ...сўнгги сосонийлар шоҳи билан биргаликда келиб қолган; қўлёзмаларни бу ерда ҳеч бир тўсиқсиз ўқиш ва улардан кўчирмалар олиш мумкин эди; бирон — бир чеқловчи чоралар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган<sup>1</sup>.

Ўрта асрларда араб ёзувида битилган энг нуфузли манба — лардан бири бўлиш Ан — Нодимнинг «Фихрист» асарида IX асрнинг астрономи Абу Маъшар Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Умар ал — Балхийнинг (886 йилда вафот этган) бизгача етиб кел — маган китобидан парча келтирилади. Унда Эрондаги илк ўрта аср кутубхонаси тўғрисидаги қимматли ахборот мавжуд. Парчада айтилишича X асрнинг ўрталарида Исфохон яқинидаги Жей шаҳарчасида чамаси арабларнинг Эронга қилган ҳужуми ара — фасида ёки бу ҳужум вақтида (651 й.) ўраб суваб ташланган кутубхона топилган. Кутубхонада оқ терак (tuz) пўстлоғига ёзилган кўшгина қадимги китоблар бор бўлиб, улар аждодалари — миз давридаги фанларнинг барча тармоқларини қамраб олган ва қадимги форс ёзуви (афтидан, ўрта форс ёзуви) шакли билан ёзилган.

«Фихрист» муаллифи ўзининг нуфузли замондоши фикрла — рига таяниб, унинг бир ҳикоясини келтиради, унга кўра ўша

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Персидская шуубийя и современная наука // Сочинения. — М.: Наука, 1975. — Т. 7. — С. 369.

шаҳарчадаги бошқа бир бинонинг ертўласидан 961 йилда бошқа китоблар коллекцияси топилади. Бу китоблар ҳам суваб юбо — рилган бўлиб, ошланган ва махсус тайёрланган тери varaқларига ёзилган экан, лекин уларни қандай ўқишни ҳеч ким билмасди. Яна бироз олдинроқ, ан — Нодимнинг хабар беришича — 951 йилда Эрон ҳукмдорлари Муайид ва Руқн ад — Давланинг вазири бўлиб хизмат қилган Абу ал — Фадл ибн ал — Амид (971 йилда вафот этган) Исфохондан юнон тилида ёзилган китобларни топган. Улар махсус қутиларга солиб, бино девори орасига жойлаштирилган эди. Ан — Нодимнинг маълум қилишича, бу китобларни Ал — Амид Бағдодга юборган. Бу ерда юнон тилини яхши билган Юханна ал — Кейс ва бошқалар мазкур китобларни араб тилига таржима қилганлар. Кейинчалик бу кутубхонадаги айрим китобларни ан — Нодим ўз устози, шайх ва олим Абу Сулаймон Муҳаммад ибн Баҳромниқиди (986 йили вафот этган) кўрган<sup>1</sup>. Китобат маданияти соҳасидаги тарихчи олим О. Ёзбер — диев деворлар орасига қўйиб суваб юборилган кутубхоналарда ўрта эрон тилида ёзилган китоблар билан бир қаторда юнон тилидаги китоблар ҳам борлигига алоҳида эътибор бериб, уларнинг сосонийлар даврида кўчирилганлиги катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлаб, шуни кўрсатиб ўтадики, «бу китоблар зўрдуштилар манбаларида дастлабки сосоний шоҳлар чет мамлакатлардан китоблар тўплагани ҳақидаги ахборотнинг тўғрилигини тасдиқловчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу хилдаги маълумотлар сосонийлар даврида кўп миқдорда китоблар мавжуд бўлганлигига шубҳа қолдирмайди»<sup>2</sup>.

Эрон ва Турон халқларининг араб босқинчиларига қарши ўз озодлиги ва мустақилиги учун олиб борган қуролли курашида шунчаки турли халқлар, босқинчилар ва қаршилиқ кўрсатув — чилар урушигина эмас, шу билан бирга икки хил диний қарашга ва маданий анъаналарга эга бўлган халқлар тўқнашиши ҳамдир. Араблар истилоси жараёнидаги аёвсиз жанглار вақтида одатда ҳамиша асосан тинч аҳоли, лашкарлар, айниқса зардуштийлик вакиллари қирилган, шу билан бирга кўпгина ибодатхоналар,

<sup>1</sup> Сосонийлар давридаги деворлар орасига қўйиб суваб юборилган кутубхоналар ҳақидаги маълумотларни биз О. Ёзбердиевнинг қуйидаги китобларидан олинган маълумотлар асосида туздик: Истоки письменной традиции и книжного дела в Средней Азии (историографический обзор) Библиотечно — библиографическое и книжное дело в Туркменистане: Сб. статей. — Ашхабад, 1988. — С. 66: Хосров I Великий и книжное дело в Иране и Средней Азии в VI в. // Известия АН ТССР. Серия общественных наук. — 1989. №5. — С. 28. Биз келтирган фактларга қуйидаги манбадан батафсилроқ қаранг: The Fixrist of an — Nadim. Vol. II. P. 575 — 579, 958, 1041 — 1042, 1128.

<sup>2</sup> А. Ёзбердиев. 1988. — 66 — бет.

хазина омборлари, ёзма ҳужжатлар ва китоблар мажмуалари талон – тарож қилинган, маҳаллий моддий маданият ёдгорлик – лари ваҳшийларча йўқ қилинган. Мусулмон босқинчиларининг бошқа диний эътиқодлар, урф – одатлар ва дунёқараш кўри – нишларига тоқатсизлиги ўша вақтларда мавжуд бўлган кўп сонли ёзув ёдгорликларига босқинчиларча муносабатида ҳам ўз ифо – дасини топган эди.

Босқинчилар Туронзамин маҳаллий халқларининг маҳаллий «миллий» ёзув тизимларида битилган китобларининг ҳарфий белгиларини муқаддас араб ёзувига қарама – қарши қўйишар, асарларнинг ўзи эса уларнинг тасаввурида исломга зид «сохта» диний таълимот деб ҳисобланиб, ёппасига йўқ қилиб юборилар эди. Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номи асарида бу ҳақда қуйидагича гувоҳлик берган: «Қутайба хораз – мийлар ёзувини, уларнинг ривоятларини билган ва хоразмий – ларда мавжуд бўлган фанларни ўрганган кишиларни йўқ қилган ва ҳар қандай азоб – қийноқларга дучор қилган». Китобда яна бундай дейилган: «Сўнгра, Қутайба ибн Муслим ал – Бахилий хоразмийлик ҳаттотларни йўқотган, дин пешволарини ўлдирган, уларнинг китоблари ва ўрамаларини ёқиб юборган. Натижада хоразмликлар деярли саводсиз бўлиб қолишган ва улар керак бўлган барча билимларни фақат хотираларида сақлашга мажбур бўлишган<sup>1</sup>. Берунийдан ташқари ўрта аср муаллифларидан ан – Нодим, ибн Халдун, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳожи Халифанинг асарларида ҳам араблар маҳаллий халқларга тегишли бўлган китобларни йўқ қилиб юборгани ҳақидаги маълумотлар келти – рилади. Б.Ф.Гафуровнинг «Тожиқлар» номи китобида араблар – нинг маҳаллий диний ва китоб маданияти анъаналарига муноса – бати ҳақида қуйидагилар қайд этилган: «улар (араблар – Э.О.) айниқса зардуштийликка қарши кескин кураш олиб бордилар, зеро зардуштийлик Ўрта Осиёдаги аксарият аҳолининг асосий дини эди. Бошқа динларнинг таъсирини йўққа чиқариш учун халифанинг ноиблари ҳамма жойда Ўрта Осиё халқларининг диний адабиётларини, айниқса зардуштийлик адабиётини йўқ қилган эдилар. Натижада Моварауннаҳр халқларининг фақат диний адабиётлари эмас балки кўплаб дунёвий адабиётлари ҳам... деярли бутунлай йўқ бўлиб кетди»<sup>2</sup>.

Лекин мутахассисларнинг таъкидлашларича араблар босқинининг дастлабки энг шафқатсиз тўлқини етиб бормаган жойларда, масалан, Шарқий Туркистонда парфия, ўрта форс, суғд, монийчилар, қадимги туркий, уйғур ёзувлари намуналари

<sup>1</sup> Беруний, 1957. – 18, 63 – бетлар.

<sup>2</sup> Гафуров Б. Г. Тажикчи. Кн.2. 1989. – С.22.

Ғарбий ва Жанубий Туркистондагига нисбатан бирмунча камроқ зарар кўрган. Буларнинг ҳаммаси бизга етарли даражада аниқлик билан шуни қайд қилиш имконини берди: арабларнинг Туронзаминга бостириб киришининг дастлабки босқичи ва шундан кейин янги диний тизим ҳисобланган исломнинг зўра – вонлик билан жорий этилиши ва араб ёзувининг татбиқ этилиши ўтган асрлар мобайнида бу ерда вужудга келган китоблар ре – пертуаридаги асосий китобларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келди.

Уммавийлар халифаси Хишомнинг 742 йилдаги фармонига биноан, араб тили ва араб ёзуви Хуросон ноиблигининг Туронзамин ҳудуди ҳам унга кирар эди) маъмурий аппарати учун мажбурий қилиб қўйилди. 742 йил бутун Туронзамин китобат маданияти учун муҳим санадир. Зотан, унинг ривожланишидаги араб алифбесига асосланган босқич айнан мана шу йилдан бошланган. Араб ёзуви ва араб алифбеси асосида тузилган эски ўзбек ва эски тожик ёзув тизимлари Туронзаминда 1928 йилгача, яъни 1186 йил амал қилди.

Қадимдан қўлланилиб келинаётган маҳаллий ёзув тизимлари ҳали бирмунча вақт араб ёзуви билан мувозий равишда татбиқ этиб келинди, лекин X асрнинг охирларига келиб хоразмий, суғд, бақтрия, ўрта эрон тилларидаги қадимги китоблар деярли сақланиб қолмаган эди.

Туронзамин халқлари ўз китоб фондларини амалда янгидан тўплай бошлашларига тўғри келди ва бу фонд Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида араб тилида ва араб ёзувида битилган китоблардан, туронзаминлик ва эронлик олимлар, шоирлар, файласуфларнинг араб ёзувида кўчирилган, шунингдек фор – сий – дарий ва туркий тилларда яратилган асарларидан, санск – рит, юнон, ўрта эрон, сурёний ва набатей тилларидан арабчага таржима қилинган муаллифларнинг китобларидан ташкил топа бошлади.

Вақт ўтиши билан фақат Хоразм, Парфия, Суғд, Бақтрия ва Фарғона ёзувларининг ўзи истеъмолдан сиқиб чиқарилиб қолмай, шу билан бирга бу тарихий – маданий вилоятларнинг қадимги тиллари ҳам ишлатилмай ўлик тилларга айланиб қолди. IX – X асрларда Эрон, Турон, Афғонистон ва Озарбайжоннинг улкан ҳудудида тил даврларнинг алмашилиши содир бўлди. Уларда секин – аста янги эрон тиллари – форсий, дарий, тожик ва эски туркий тилларга ўтиш юз берди.

Шу нарса шак – шубҳасизки, авесто маданий оламининг сў – ниб бориши ва Эрон билан Турон зардуштий аҳолисининг янги мусулмон динига ўтиш жараёни анча узоқ тарихий муддатта чў – зилди. Вақти – вақти билан унда сакрашлар юз берди, гоҳида бу

жараён аста – секинлик билан, баъзан мажбурийлик, баъзан тинч йўл билан борди. Бу хилдаги мулоҳазаларни тасдиқлаш учун шундай тарихий воқеликни келтириш мумкин, чунончи деяри ҳар бирэрон вилоятида араблар истилосидан сўнг ўтган дастлабки уч аср мобайнида зардуштийлар ибодатхоналари руҳонийларининг аҳоли орасидаги таъсири маълум даражада давом этиб келди<sup>1</sup>. Берунийнинг берган маълумотига қараганда, X асрда ҳам суғд ва хоразмий зардуштийларининг олов ибодатхоналари ҳали мавжуд бўлган<sup>2</sup>. Зардуштийликдан мусулмончиликка ўтиш даврининг дастлабки икки асри мобайнида эски ўрта эрон, хоразмий суғд, қадимги туркий адабиётлар ва китоблар қолдиқлари, шунингдек янги ёки маҳаллий араб ёзувидаги адабиётлар ва китоблар тенгма – тенг равишда мавжуд бўлиб келди. Шу билан бирга, маҳаллий тиллардаги китоблар ҳам зардуштийлик, буддавийлик, монийчилик илоҳий, диний – ахлоқий, маънавий мазмундаги матнларга, шунингдек фольклор ва дунёвий адабиёт матнларига асосланган эди. Авлодларнинг бир неча бор алмашилиши пировард натижада зардуштийлар жамоаларининг, зардуштийлик динидаги кишиларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келди, оқибатда зардуштийлик мазмунидаги китобларнинг ўқувчилари ҳам қолмади.

Ўрта аср китобат маданияти ўзининг тъсирчанлиги жиҳатидан ғоят муҳим ва тарихан қарор тошган кўшгина тамойилларни белгилаб берган нарса эски Туронзамин халқларининг кўп асрлик ўз ёзув анъанаси бўлиб, у нисбатан қисқа муддат ичида араб ёзувини ўзлаштириш ва унга ўтишга, уни ўз тилларига мослаштиришга имкон берди.

Дастлаб ўзини Авесто анъаналарида, китобий паҳлавий ва суғд амалий қия ёзуви соҳаларида намоён қилган хаттотлик ёзуви санъати ўрта асрларда Туронзамин халқларининг китобат иши заминида ўзгариб мустақил китоб санъати соҳасига айланди. У ўзига бадий – образли ифодаллий, ўқишга қулайлик таалабларини ва инсоннинг ижтимоий амалий фаолияти соҳасини қамраб олиб, китоб бойликларининг кўпайиши ва билимларнинг тарқалишига хизмат қилди.

Бизгача етиб келган Авесто қўлёзмалари шундан далолат берадики, уни тартибга келтиришда айниқса Авесто ёзуви яратилгандан кейин ва чамаси, у билан бир вақтда матнни бўлимларга бўлиш, матнни кўчириш чоғида уни энг муҳим мантиқий

<sup>1</sup> A bot N. Studies in Arabic Literary Papiry. Vol.2. Chicago. 1967. ( The University of Chicago, Oriental Institute Publications).

<sup>2</sup> Беруни, 1957. – С. 254 – 256.

таркибий қисмлар: бўлим, қисм, рукн, фасл ва шу кабиларга ажратиш қоидалари ҳам ишлаб чиқилди. Авесто (зардуштийлик) босқичлари бўйича булар айрим номларни (Ясна, Виспрат, Ви — девдат, Яшт) ўз ичига олган қисмлардан ташқари, авестошу — нослар томонидан китоб деб аталган наск, фрагардлар (боблар) каби бўлимлари ҳам бор эди. Парфия, суғд, ўрта эрон, қадимги туркий тиллардаги китобларда зардуштийларнинг диний ва тарихий китобларида анча янги, амалий жиҳатдан илғор шаклга — кодексга ўтиш амалга оширилиб қолмасдан (у китобнинг ўрам шаклига нисбатан қўллаш ва сақланиш хусусиятига кўра бир қатор устунликларга эга эди), шу билан бирга маттни тартибга солиш ва қисмларга бўлишнинг барқарор қоидалари ҳам татбиқ этилган. Айни пайтда саҳифалар ва муқовани безатишга ҳам эътибор берилган. Бу барча янгиликлар ва маттни маънавий таркибий қисмларга бўлиш қоидалари Туронзамин халқларининг ўрта асрлардаги янги араб ёзувидаги эрон тили, туркий тил ва араб тилидаги китобларида ўзлаштирилиб, мерос қилиб олинган эди.

Монийчилар китобда оригинал техника ва эстетик безатиш билан бир қаторда матни қисмларга ажратишнинг ўзига хос қоидалари ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган. Монийчилар — эронликлар, суғдлар, туркийларнинг китобларни безатиш, мўъжаз тасвирий санъат (миниатюрачилик санъати), хаттотлик, муқовачилик иши соҳасида эришган ютуқлари билан шундан кейинги даврлардаги Туронзамин халқлари китобат иши соҳасида эришаётган ютуқларининг жиддий боғлиқлиги кўзга ташланади.

Эрамизнинг II—VIII асрларида Хоразм, Бақтрия, Суғд, Чаганиён, Уструшанада (Афросиёб, Панжикент, Варахша, Шаҳристон, Далварзинтепа, Холчаён, Туроқдальа, Болаликтепа, Ажинатепа, Фаёзтепа) мавжуд бўлган деворий тасвирий санъат анъаналарининг шундан кейинги Туронзамин китобат санъатининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатганлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Туронзаминда араб ёзувининг мустаҳкамланишига имкон берган омиллар қаторида араб ёзуви асосида вужудга келган ва ривож топган эски тожик, эски ўзбек, эски туркман, эски қозоқ, эски қирғиз сингари янги турон ёзув тизимларининг пайдо бўлишида бу ерда қоғоз ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қоғознинг ёзувда татбиқ этилиши араб ёзуви графикаси ва услубларининг ривожига хаттотлик санъати, китобат иши ва қўлёзмаларни безатишга самарали таъсир кўрсатди, шу билан бирга қўлёзма ки —

тоблар шакли ва ташқи кўринишининг янада ривожлантирилиши йўллари белгилаб берди.

Туронзаминда китоб ёзиш, қўлёзмалар кўчириш ва кўпай — тириш анъаналари, китоб тўлаш ва ҳар хил кутубхоналар: су — ллавий (сарой), диний (масжидлар ҳузурида), шахсий (хусусий) кутубхоналар, шунингдек мадраса, мақбара, хонақолар (пансионлар) шифохоналардаги кутубхоналар, шаҳар ва қишлоқ мавзеларидаги (маҳаллалардаги) кутубхоналар ҳамда мусулмон жамоалари мулки бўлган кутубхоналар ташкил этиш ишлари янги тарихий шароитда ва янги тарзда давом эттирилди.

### Хулоса

Туронзамин қадимги ва яқин ўрта асрларга кутубхоначи — лик ишига тегишли бўлган манба ва материалларни ўрганиш шуни кўрсатадики, бу ерда эраиздан аввалги I минг йилликнинг сўнгги асрларида «китоб хазиналари» ва китоб мажмуалари пайдо бўлган. Ёзма ҳужжатлар ва китобларнинг мажмуини тузиш учун у ёки бу маданий жамият томонидан бирор турдаги ёзув тизимини амалда қўллаш энг зарурий омил ва асосий шарт бў — либ, буларсиз кутубхонани тасаввур этиш мумкин эмас. Туронзаминда яшаган қадимги халқлар — суғдлар, хоразмийлар, парфийлар, бохтарийлар, фарғонийлар ва бошқалар ўз «миллий» ёзувларини яратишгани туфайли янги эра арафасидан бошлаб, мелодий биринчи минг йиллик ичида уларнинг сон — саноксиз ёзма обидалари тўпланган. Булар — салтанат шажаралари воқеаномалари, хўжалик ҳужжатлари, хотирот битиклари, шах — сий мактубот матнлари, диний — ахлоқий адабиёт, давлат ҳуж — жатчилиги намуналари, дунёвий адабиёт намуналари, қабр тошлари битиклари ва бошқалардир.

Ёзма ҳужжатлар ва китобат қилинган асарлар мажмуалари билан баробар уларнинг тур ва хил таснифига хос аломатлар ҳам шакллана бошлаган эди. Жумладан, китобат ишнинг дастлабки босқичидаёқ ҳужжат ва китоблар мажмуини салтанат, полшолик сулода ҳужжатлари ва китоблари ҳамда диния ибодатхона китобат мажмуаларига бўлиш мумкин. Шуларнинг ўзи гоҳ шахсий мажмуалар, гоҳ саройларнинг хос мулки, гоҳ эса руҳоний жа — моалари мулки бўлмоғи ҳам табиий бўлган. Булар одатда Турон мулкларининг сарой архивларида, оташқада ва бошқа турдаги зардуштий диний иншоотлари қошида, будда монастырлари, на — сорий христианлар черковларида сақланган. Мажмуаларнинг мазмун доираси ҳам ана шу тақсимотнинг мафкуравий талабига мувофиқ келган: зардуштийлик ибодатхоналарида Авесто, унинг шарҳлари каби адабиёт тўпланса, будда, насроний христиан,

монийчилар адабиёти шу диний мафкура марказларида йиғилган — кутубхоналар қилинган. Хўжалик, давлат маҳкамачилиги, юридик ҳужжатлари сарой сулолавий ёзма ёдгорликлари мажмуини ташкил этган (Гандж — и Шапиган, Диз — и Нипиште, Ниса сополак битиклари, хоразмий Тупроққала, Тўққала ёдномалари, суғдча Муғ қасри архиви ҳужжатлари ва ҳоказо). Милодий III асрдан бошлаб Эрону Турон эллари бўйлаб монийчилар динининг ибодатхоналари тузила бошланди. Авъанага мувофиқ бу биноларда бештадан хона бўлиб, улардан бири муқаддас китобларни асраш учун ажратилган.

Бугун қадимий ва илк ўрта аср Хоразм, Фарғона, Кангюй, Суғд, Парфия подшолигининг шимоли — шарқи, Юнон — Бохтар подшолиги, Қушон салтанати кабиларда китоб мажмуалари бўлган дейишга етарли асос бор. Суғдий, хоразмий, бохтарий, қадимги туркий ёзма ёдгорликларнинг турли гуруҳлари ва мажмуаларини ҳозирги маънода тушуниладиган кутубхоналарнинг илк кўриниши, деб аташ мумкин. Лекин сулолавий кутубхоналар, маъмурий — ҳуқуқий ёки бошқа турдаги давлат ҳужжатлари архивлари, хоразмий, суғдий олимларнинг шахсий кўлёзма мажмуалари бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар бугунги шароитда янада чуқурроқ текшириб кўришни талаб этади. Бизгача бундай мажмуалар ҳақида бевосита ёки билвосита, ёки жуда бўлмаса, иккиламчи марта ишлатилиб изоҳланган ва талқин қилинган манбалар камдан — кам миқдорда етиб келган. Масалан, араб истилосининг арафасида хоразмий ва суғд олимлари ихтиёрида ҳамда руҳонийларда илоҳиёт, фалакиёт, илми нуҷум (астрономия) ва математик китоблар, тақвимжадваллар бўлганлиги билвосита иккиламчи манбалар орқали бизга маълум<sup>1</sup>.

Турон заминига китоб жуда қадим замонларданоқ келтира бошланган. Таниқли туркман китобшуноси Олмос Ёзбердиевнинг ёзишича «Эрон ва Ўрта Осиё халқлари энг қадимги китоблар билан Миср, Юнон ва бевосита уларга қўшни бўлган аккадлар, сурияликлар, орабийлар, яҳудийлар орқали уларда китоб қандай шаклларда мавжуд бўлган бўлса ўша кўринишда танишишга муваффақ бўлишган. У даврларда ҳали Ўрта Осиё халқлари ўзлари китобат иши амалиёти билан шуғулланишмас эди. Аҳоманийлар салтанати ташкил топиши туфайли, дунёнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Беруний. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1 жилд. Т.1957. 18, 63 бетлар; Булгаков Н.Г. Жизнь и труды Беруни. Т. Фан, 1972. — 20 бет.

(Миср, Юнонистон, Шом эллари) кўп миқдорда папирус ўрам — лари шаклида ишлаб чиқарган китоблари билан танишишган»<sup>1</sup>.

Македониялик Искандар юришлари замонида Туронзаминга шубҳасиз маълум миқдорда юноний китоблар етиб келган. Ма — кедониялик Искандар ўзининг Шарққа юриши пайтида ҳамиша ёнида сақлаган асарларни ҳам Туронзаминга юнон китоблари — нинг кириб келганлигини тасдиқловчи билвосита фактлар си — фатида тилга олиш мумкин. Жумладан, Страбон (География, XIII, 27) Гомернинг мухлиси бўлган Искандар Гомер дostonларининг тахрир қилинган матнини Эрон ғазнаси ганжлари орасидан то — пилган қимматбаҳо қутида олиб юргани ҳақида маълумот беради. Плутарх ҳам ўзининг «Қиёсий солномалар»и (Александр, VIII, XXVI)да худди шу ҳикояни айрим қўшимчалар билан келтиради. У, македонияликларнинг Шарққа юриши иштирокчиси бўлган тарихчи Онесекритнинг сақланиб қолмаган асарига таяниб, Аристотель томонидан тахрир қилинган ва «Қутидаги Илиада» номи билан машҳур «Илиада рўйхати»ни Искандар ҳамиша ўзи билан олиб юрганини қайд этади. Осиёнинг ичкарасида Ис — кандарнинг қўлида бошқа китоблар бўлмаганлиги учун, унинг буйруғи билан подшонинг болалиқдаги дўсти, Бобилдаги давлат ғазнасининг сақловчиси Гарпал унга Филлист асарларини, Эври — пид, Софокл ва Эсхил қаламига мансуб фожиаларнинг аксария — тини, шунингдек милоддан аввалги IV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган юнон шоирлари Телест ва Филоксеннинг мадҳияларини юборади. Китоблар Бобилдан ҳам шарққа юбо — рилганлигини эътиборга олсак, «Осиёнинг ичкараси» деганда ҳудудини истило қилишга Искандар уч йил уринган Туронза — мингина назарда тутилиши мумкин. Китоблар Ҳиндистонга юборилган бўлиши мумкин эмас, чунки Македония подшоси бу ерда қисқа вақт бўлган ва ўзининг толиққан қўшини билан орқага катта машаққатлар билан қайтиб келган. Бунинг устига, бу даврга келиб Гарпал Искандарга хиёнат қилган ва, унинг қайтаётгани дарагини эшитиб, ғазнанинг катта қисми билан Бо — билдан Юнонистонга қочиб келган ва кўп ўтмай Крит оролида ўлдирилган (Гарпал ҳақида батафсилроқ қаранг: Гафуров Б.Г., Цикубидис Д.И. Александр Македонский и Восток. М., 1980. С. 18, 174, 321 — 322). Искандар исёнкор аҳолига қарши курашда таянишга ҳаракат қилган ва ҳатто қариндошчилик алоқалари ўрнатган (суғд зодагони Оксиартнинг қизи гўзал Рухшонага уйланган). Маҳаллий Турон зодагонларида юқорида зикр этилган

<sup>1</sup> Язбердиев А. «Царские летописи» Ахеменидов. (К вопросу возникновения книжного дела в Иране и Средней Азии). — Известия АН ТССР. Серия общественных наук. — Ашхабад, 1979. — №6. — С. 31.

юнон китоблари қандай таассурот қолдирганлиги ҳақида бир нарса дейиш мушкул, зеро, манбаларда бу ҳақда ҳеч нарса ай – тилмаган.

Бақтрия ҳудудларида шаклланган Юнон – Бохтар подшолиги (мил. ав. III аср ўрталари – мил. ав. I аср ўрталаригача) юнон ёзуви ишлатилгани кейинроқ эса унинг асосида маҳаллий юнон – бохтар ёзуви яратилгани каби ҳодисалар кўпгина ноаниқ масалаларни ойдинлаштиради. Қолаверса, Турон халқлари санъати ва архитектураси кўп асрлар давомида юнон санъат ва меъморчилик анъаналари таъсирида ривожланди. Юноний ма – даниятнинг Туронзаминга кучли таъсир тўлқинининг иккинчи босқичи IV – V асрларда диний қарашлардаги тафовутлар ту – файли қувғин бўлган насорий – христиан мазҳабининг минглаб вакиллари Византия ва Эрондан Туронзаминга кўчиб келиши оқибатида юзага келди. Насорийлар ўзлари билан юнон китоб – лари тўпламларини кўплаб келтиришарди. Китоблар орасида қадимги юнон мутафаккирлари, христиан ёзувчиларининг асарлари кўп бўлган. Оқибатда бу ҳолат Ватанимиз фан ва ма – даниятига бағоят баҳравор таъсир кўрсатди. Айни мана шу грек – насорийлар билан муомала қилгани туфайли ёшлигида Беруний юнон (грек) тилини ўрганган, юнон фанидан ва унинг услубларидан хабардор бўлган эди.

Араб истилосидан ва Турон халқлари араб ёзувиغا ўтгандан кейин, китобат иши ва унинг мундарижаси тобора ўсиб борган бир шароитда илгари мавжуд ва маълум бўлган сулолавий, диний ва шахсий кутубхоналар биланбир қаторда, янги пайдо бўлган турлари – мадраса, масжид, мақбаралар, шифохоналар, уму – мистифода махаллавий жамоа, мусулмон жамоаларининг ҳамда вақф кутубхоналари бўлган. У ёки бу турдаги кутубхоналар ҳар бир шаҳарда, нисбатан йирик қишлоқ аҳоли манзилларида, бо – ринги, қаерда масжид ёки йирик заминдор бойлар бўлса, ўша ерда бўлар эди.

### III БОБ. ЎРТА АСРЛАР КУТУБХОНАЧИЛИГИ (VIII АСР – XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ)

Милодий VIII асрдан XX асрнинг бошларига қадар бўлган бир минг икки юз йиллик давр мобайнида Туронзамин халқлари фанда «мусулмон маданий дунёси» деб аталувчи улкан араб – форс – турк суперэтноси, халқлар ва элатлар (яъни этнос ва субэтнослар) тизимининг бир қисми, тизимчаси сифатида ривожланиб келди. Зардуштийликдан исломга ўтиш даврида маданий анъаналарнинг ворисий ривожланиши билан бир қаторда, уларнинг шаклан ва мазмунан ўзгариши ҳам рўй бердики, бу Турон ва Эрон халқлари янги менталлигининг қарор топиши, эски маданиятнинг барча ижобий ва оқилона жиҳатларини мерос қилиб олган ва янги, мусулмон маданияти мазмунини ўзида тажассум этган янги шахс ва жамият типининг вужудга келиши белгилаб берди. Бу, шунингдек, Авесто маданий дунёси, зардуштийлик маданият типининг янги сифат касб этишидан ҳам далолат берар эди. Мазкур маданий дунё, маданият типининг шундай сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиши рўй бердики, бунда ҳали эскирмаган анъанавий халқ (руҳи ва моҳиятига кўра зардуштийликка мансуб) маданий анъаналар билан мусулмон дини қадриятлари тизимининг бирлашиши, ўша тарихий шароит учун табиий бўлган авесто (зардуштийлик) маданият типининг мусулмон маданият типига ўзаро маъқул синкретизм асосида аста – секин чатишуви ҳамда ислом ақида ва тамойиллари усунлигида изчил ривожланиши амалга ошди. Ўрта асрларда Туронзаминдаги маданият типи ўзининг соф кўринишида айнан шундай, яъни шаклан ва мазмунан мусулмонча, аммо кўп жиҳатдан маҳаллий форсийгўй ва туркийгўй аҳоли анъанавий халқ маданиятининг табиати, моҳияти ва руҳини ўзига сингдирган эди. Шунинг учун ҳам биз тарихий нуқтаи назардан ўрта асрларни Туронзамин учун анъанавий халқ маданиятининг зардуштийлик асосларини ҳисобга олганда жамиятда мусулмонлик мафкураси, умумий мусулмонлик этик, эстетик, ахлоқий – маънавий меъёр ва қонун – қоидалар, қадриятлар тизими, оманинг ўхшаш турмуш тарзи, диний ва мифологик онги, кундалик маданий анъана ва халқ удумлари, авлодлари ворислиги, ижтимоий табақаланиш ва у билан боғлиқ ҳар хил мафкуравий ва маданий оқимлар ўртасидаги кураш ҳукмронлик қилган ягона ижтимоий – маданий даври бўлган деймиз. Туронзаминда VI – VIII асрларда юзага келган янги ишлаб чиқариш усули ва ишлаб чиқариш муносабатлари, улар билан боғлиқ ижтимоий онг шакллари ва устқурма институтлар IX – XVII асрлардаги ри –

вожланиш ва баркамолликдан XVIII—XIX асрлардаги турғунлик ва таназзулгача бўлган барча эволюция босқичларини босиб ўтди. Қулдорлик тузумидагига нисбатан янги прогрессив феодал ишлаб чиқариш муносабатлари ва мулкчилик шаклларига ўтилиши, ривожланиб бораётган зироатчилик, ҳунармандчилик, халқаро алоқалар ва савдо—сотиқнинг амалий эҳтиёжлари, шаҳарларнинг ривожланиши ва шаҳар аҳолиси саводхонлигининг ортиши инсоннинг турли билим соҳаларини ривожлантиришни шарт қилиб қўйди. Жамиятда ҳукм сурган моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва тақсимлаш усули ҳамда маданият типи қўлёзма китобларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, тарқатиш ва кутубхоналарда сақлаш шаклларининг хусусиятини, китоблар ва кутубхоналарнинг турларини белгилаб берди.

### 1-§. Кутубхоналарнинг турлари

Кутубхоналарни ҳар хил турларга ажратиш жараёни Туронзаминда китобат маданияти ривожланишининг илк босқичидаёқ намоён бўлади. Қадимият даврида бу зардуштийлар, буддавийлар ва монийчиларнинг муқаддас диний матнлари сақланган китоб омборлари, давлат хазиналаридаги сулолавий китоб маҳзанлари бўлиб, улар ғазна, архивлар ва кутубхоналарга ажратилгунга қадар мазкур хазиналарда китоблар давлат аҳамиятига молик ёзма ҳужжатлар, олтин ва қимматбаҳо буюмлар билан бирга сақланар эди. Илк ўрта асрларда уларга кутубхоналарнинг янги тури қўшилди — шахсий (хусусий) китоб маҳзанлари пайдо бўлди. Авесто маданий дунёси мусулмон маданий дунёсининг таркибий қисмига қўшилиши жараёнида, Туронзамин китобат маданияти ва китоб репертуарининг тадрижий ривожланиши натижасида бу ерда сулолавий (сарой), диний ва шахсий (хусусий) китоб омборларининг илгари маълум бўлган турлари ҳам, кутубхоналарнинг янги вужудга келган турлари ва шакллари ҳам ривожланди. Ўрта асрларда кутубхоналар мақсади ва вазифаларига қараб ажратила бошланди, бир қатор махсус кутубхоналар: мадрасаи олия, ўрта ва қуйи мадрасаларнинг кутубхоналари, жамиятда ҳукм сурган диний мазҳабларнинг ўзига хос институти вазифасини бажарган масжид кутубхоналари, шаҳар, қишлоқ ёки шаҳар мавзеси миқёсидаги мусулмон жамоалари оммавий фойдаланиши учун мўлжалланган кутубхоналар, мақбаралар ва суфийларнинг ҳужралари қошидаги кутубхоналар, шифохоналар ва хонақолар қошидаги кутубхоналари пайдо бўлди. Бундай кутубхоналар аксарият ҳолларда вақф мулкига айлантирилар эди. Шунинг учун ҳам биз юқорида зикр

этилган муассасаларнинг кутубхоналарини «вақф кутубхонала — ри» номи остига бирлаштиради.

Туронзаминга ислом дини кириб келган дастлабки асрлар — даёқ сулолавий хазиналарнинг давлат архивлари ҳамда давлат, миллий кутубхоналарига айлантирилиши, сўнги зикр этилган муассасаларнинг давлат муассасалари тизимидаги алоҳида бир — ликларга ажратилиши, мазкур кутубхоналарга мустақил ижтимоий — маданий институт мақомининг берилиши, шунингдек жуда кўп махсус кутубхоналарнинг пайдо бўлиши улар жамиятнинг маданий ривожланишида муҳим ўрин тутганлиги, билим, китоблар, фан ва маорифга ўша даврда жуда катта аҳамият берилганлигини кўрсатади. Туронзамин тарихининг ўрта асрларида, милодий X асрдан эътиборан миллий (сулолавий, давлат, сарой) кутубхоналарининг ҳамда жоме масжидлари ва йирик масжидлар кутубхоналарининг бинолари, қоида тариқасида, махсус лойиҳаларга биноан қурила бошланди.

Муайян турга мансуб кутубхоналар Туронзаминдаги деярли ҳар бир шаҳарда, йирик қишлоқ манзилгоҳларида, мадраса, масжидлар, зодагонлар, бойлар, ўзига тўқ одамларнинг мулклари мавжуд бўлган барча жойларда бор эди.

Ўрта асрлар Туронзамин жамиятида кутубхоналарнинг аксарияти оммавий қўлетарлик принципига асосланган умумистифода кутубхоналар вазифасини бажарарди. Ўрта ва кичик мадраса ва масжидларнинг кутубхоналари, шаҳар ва қишлоқлардаги мусулмонлар жамоаларининг кутубхоналари эшиги мусулмонларга ҳам, бошқа динларнинг вакилларига ҳам очиқ эди. Айрим йирик масжид ва мадрасаларнинг кутубхоналари хизматидан фақат маориф ва илмий фаолият билан бевоқиф шугулланувчи одамларгина фойдаланишлари мумкин эди. Подшолар ва ҳукмдорларнинг саройлари қошидаги миллий кутубхоналарнинг жамғармаларидангина подшо сулоласидан, унинг аъёнлари, амалдорлари, зодагонлардан бўлган шахслар, баъзан атоқли олимлар ва адабиётчилар фойдалана олардилар.

IX — XIII асрларда Туронзаминда турли китоблар орасида тез — тез ва энг кўп миқдорда Қуръони карим, қироат, тажвид, тафсир китоблари, ҳадислар тўпламлари, фикҳ ва мусулмон ақидаларига оид китоблар қўлда кўчирилиб кўпайтирилган. Табиий — илмий ва башарий илмларга оид китоблар сон ва миқдор жиҳатидан иккинчи катта гуруҳни ташкил этган. Адабий — бадиий китоблар эса учинчи ўринни эгаллаган. Иккинчи гуруҳга мансуб китоблар орасида ўша даврда яшаган ва араб тилида ижод қилган туронзаминлик олимларнинг китоблари етакчи ўринда турган.

XIV асрнинг охирларидан бошлаб Темур ва Темурийлар, Шайбонийлар ва Аштархонийлар давлатлари даврида тил (хусусан, илмий тил) ва этник муносабатларда ўзгариш содир бўлди. Бу давр давлат тузуми ва маънавий ҳаётда ҳам бурилиш даври бўлди. Илмий фаолият, маданият, адабий — бадиий ижо — диётда эътиборга лойиқ йўналишларда ҳам муайян силжиш рўй берди. Китоб мажмуаси (репертуари)да Туронзамин миллий, маҳаллий тилларидаги китоблар салмоғи ортди. Қуръони карим ва бошқа диний китоблардан кейинги ўринни форсий ва туркий тиллардаги адабий — бадиий китоблар мустаҳкам эгаллаб бошлади. Мутаносиб равишда учинчи ва тўртинчи ўринларга башарий, табиий — илмий адабиётга оид китоблар чиқди. Форсий ва туркий тиллардаги илмий адабиётлар ҳам шу гуруҳдан ўрин олди. Китоб репертуари тақсимооти, хусусан, унинг ичида китоб мавзу ва турларининг таснифи, кутубхоналарнинг турлари бутун мусулмон маданият дунёсида бўлгани сингари то XX аср бошларигача ўз қиёфасини шу кўринишда сақлаб келди.

## **2-§. Давлат кутубхоналари ёхуд миллий сулолавий кутубхоналар**

Бутун ўрта асрлар даври мобайнида Туронзаминда бир — бирини алмаштириб келган шоҳлар, амирлар, хонлар саройлари қошида араб, форс, туркий тилларда яратилган китоблардан тўзилган сулолавий кутубхоналар гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқоларди ва яна қайта жонланиб турарди. Бой заминдорлар, йирик амалдорлар, вилоят ҳокимлари олий ҳокимларга тақлид қилиб, ўз мулкларида китоб мажмуалари ташкил этардилар. Кўпинча уларнинг буюртмасига биноан котиблар дунёвий ва диний руҳдаги ноёб китобларни кўчиришар, саҳҳофлар уларни китоб қилиб тайёрлар, китобфурушлар эса бой — боёнларга сотишар эди. Мулкий ва шахсий кутубхоналардан оммавий фойдаланишнинг кўп ҳолларда иложи йўқ эди. Чунки уларни эҳтиётлаш, хусусийлик туйғуси билан қизғаниш руҳи асосан устун бўлган. Кутубхоналардан, айниқса, улар подшоҳлар хонадонига тегишли бўлса, улардан фақат подшонинг хос одамларигина фойдаланиши мумкин бўлган. Камдан — кам ҳоллардагина кутубхоналарга олий мулкдор, заминдор табақалар, олим ва адилларнинг вакиллари киришига йўл қўйилган. Афғидан, бу чеклашда қадим замонлардан ўтиб келаётган китобга муқаддас ва дахлсиз бир хилқат деб қараш анъанаси ўзини намоён этган. Бу одат асосида ибодатхоналар ва сарой кутубхоналарига кириш астойдил ва қатъий эҳтиётланган. Шундан хулоса қилсак, кутубхоналарга нисбатан «хазина» сўзи ишлатилиши ҳам бежиз эмас, дейиш мумкин.

Хусусий кутубхона тузиш, ўзидан олдинги ҳоким кутубхонасини тўлдириш, бойитиш каби ҳаракатлар заминида у ёки бу шахснинг касбий қизиқишлари ва ҳаваскорлик интилишлари ётиши мумкин бўлган. Аммо, асарият ҳолларида, кутубхона тузишда ҳокимларнинг обрўпарастлиги ва замондошлари кўзига маърифатпарвар, ориф киши бўлиб кўринишга интилиш асосий омил бўлиб қолган. Йирик кутубхоналар тузишни қўллаб-қувватлаш миллий маданиятнинг ривожланишига хизмат қилиш каби ватанпарварлик ғоясидан руҳланган ҳоллар ҳам кўп бўлган.

Фойдаланувчилар доираси торлигига қарамасдан, сулолавий сарой кутубхоналари ўз моҳиятига кўра ўша давр учун бош миллий давлат кутубхонаси бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Чунки улар одатда бирон давлатнинг олий ҳокими томонидан тузилар, сақланар ва моддий жиҳатдан таъминланар эди. Муҳими шундаки, бундай кутубхоналарга давлат муносабати ҳам шаклланган эди. Мазкур муносабат у ёки бу ҳукмдор номи билан боғлиқ қолда амал қиларди. Сарой кутубхоналарининг савияси, улардаги китоб фондидининг таркиби кутубхона таъсисчиларининг маърифат даражаси, руҳий, маънавий дунёси ва маданияти билан боғлиқ эди. Шу билан бирга, кутубхоналарнинг савиясини жамиятнинг илмий, маънавий—ахлоқий эҳтиёжлари, маълум маданий муҳит талаблари ҳам белгиланган. Мазкур талаблар, ўз навбатида, у ёки бу даврнинг, маълум давлат, ундаги маданият, илм—фан маркази бўлган шаҳарлар муҳитида шаклланган.

X асрда Сомонийлар сулолавий кутубхонаси Бухорода энг йирик қўлёзма китоб мажмуаси бўлган. 996 йилда Амир Нуҳ ибн Мансурни даволашда табобат мўъжизасини намойиш этгани эвазига Абу Али ибн Сино мазкур кутубхонадан фойдаланишга мушарраф бўлади. Бу кутубхонани аллома ўз таржимаи ҳолида қуйидагича таърифлайди: «...Мен бир қанча хоналардан иборат китоб хазинасига кирдим. Ҳар бир хонада уста—уст сандиқлар қўйилган. Бир хонада араб китоблари, бошқасида — фикҳга оид китоблар сақланади. Ҳар бир хонада илмнинг бирор соҳасига оид китоблар тўпланган экан. Мен илмда ўзимдан олдин ўтганларнинг китоблари рўйхатини кўриб чиқиб, ўзимга керак бўлган китобларни сўрадим. Хазинада шундай китоблар кўрдимки, уларнинг номини ҳали ҳеч ким эпитмаган. Менинг ўзим шунга қадар ҳам, кейинчалик ҳам шу каби китобларни бошқа кўрмадим. Мен бу ноёб китобларни ўқиб чиқдим, улардаги фойдали билимларни ўзлаштирдим, ҳар бир муаллифнинг ўз илм соҳасида

олимлиги даражасини билиб олдим»<sup>1</sup>. Ибн Сионинг мазкур гу – воҳлиги X аср китобат маданияти ҳақидаги ягона тафсилот ман – баидир. У орқали бизга ўрта асрлар кутубхоначилик ишининг муҳим масалаларига оид аниқ маълумотлар етиб келган. Авва – ламбор, бу хабар бизга ўша даврдаги энг йирик кутубхонанинг тузилиши ҳақида маълумот беради.

Юқорида зикр этилган таржимаи ҳол Абу Али ибн Сино ҳаётининг сўнггида, хусусан, у Турон ва Эроннинг Гурганж, Кат, Марв, Ҳирот, Самарқанд, Рай, Ҳамадон, Исфакон, Қазвин каби кўплаб маданий марказларидаги кутубхоналарни кўрганидан кейин яратилгани ҳисобга олинса, Бухоро китоб хазинасининг қанчалик бойлиги, унинг китоб фонди ноёблиги ва илм – фан учун ғоят қимматлиги ҳақида хулоса чиқариб олиш мумкин. Эътибор беринг – а: Ибн Сино – шунча кутубхона хазиналарини кўрган ва билган улкан аллома – Бухорода ҳали ёш вақтида кўрган китобларини бошқа бирор ерда кейин учратмаган экан.

Араб истилосига қадар тўшлана бошлаган яна бир сулолавий сарой кутубхонаси Гурганжда бўлган. Мазкур кутубхона Хо – размшоҳ Маъмун ва Ануштегин авлодлари даврида ғоят гурки – раган эди. XI асрнинг бошларида Гурганж кутубхонаси Хо – размшоҳлар томонидан тўшланган ўзига хос Академиянинг олимларига хизмат кўрсатган. Улар орасида Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синолар ҳам бўлган<sup>2</sup>. Манбаларнинг кўрсатишича, Хо – размшоҳ Маъмун ибн Маъмун (1010–1017 йиллар) машҳур адабиётшунос ва тарихчи ас – Саолибийга кутубхонанинг расмий хазинабонлиги лавозими ва назоратини топширган<sup>3</sup>.

Ғазнада X асрнинг охириг чораги ва XI аср бошида истилочи ҳукмдор Маҳмуд Ғазнавий (998–1030 йиллар)га қарашли сарой кутубхонаси бўлганлиги ҳақида тарихчи олим Муҳаммад ибн Абдулжаббор ал – Утбий ўзининг «Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳаёти ва фаолияти тафсилоти» номли китобида хабар қилган<sup>4</sup>. Ироқ олими Нажи Маъруфнинг хабар берипшича, Маҳмуд Ғазнавий Ғазна шаҳрида бир масжид қурдириб, унинг ҳар бир хонасини кўлёмалар билан тўла кутубхонага айлантирган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино ўзи айтиб туриб шогирди Абу Убайд Жузжоний томонидан ёзиб олинган ҳаёт йўли. – «Литературный Таджикистан». №5. Сталинабад, 1953. 134-бет (рус тилида).

<sup>2</sup> Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. Т., Фан, 1972. – С. 119-131.

<sup>3</sup> Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. М., Наука, 1985. – С. 245.

<sup>4</sup> Қаранг: Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Соч. Т. 2, ч. 1. М., Наука, 1963. – С. 54.

<sup>5</sup> Нажи Маъруф. Мадарис кабл ун – Низомийа. Бағдод, 1073. – 67–68 – бетлар. А.Б. Халидовнинг «Черки истории арабской культуры V-XV вв.» кито –

X—XI асрга келиб Самарқанд яна Туронзаминнинг муҳим маданий марказига айланди. Бу ерда қоғоз ишлаб чиқариш ри — вожланди, китобларни кўчириш ва кўпайтириш ишлари олдинга силжий бошлади. Хусусий (шахсий) кутубхоналар билан бир қаторда мадраса ва масжидларда китоб сақлайдиган хоналар ташкил этилди. В.В. Бартольднинг маълумотига кўра, XI—XIII асрлар саёҳатномаларида Самарқанд бозорлар ва машҳур кутубхоналарга бой шаҳар деб тасвирланади<sup>1</sup>.

Туронзамин халқларининг давлатчилиги бир ярим аср (1220—1370 йиллар) мобайнида мўғул истилочилари томонидан ялпи вайрон этилиши, маънавият ва моддий қадриятлар ташув — чиларининг қиргин қилинишидан кейин хусусий давлатчилик — нинг, миллий форсийгўй ва туркийгўй маданиятнинг қайта тикланиш шароитида маҳаллий ҳукмдорлар орасида сулолавий кутубхоналар тузиш, ўтмишдошларидан қолган китоб хазиналари — рини тўлдириш тарихий анъанаси яна давом эттирилди. Жум — ладан, Амир Темури (1336—1405) аввал вагани Шаҳрисабзда, сўнг мамлакат пойтахти Самарқандда сарой кутубхонаси ташкил қилди. Темурининг сарой кутубхонаси учун бутун Мовароуннаҳр бўйлаб китобфурушлардан ва шахсий кутубхона эгаларидан машҳур муаллифларнинг бежирим безатилган китоб нусхалари сотиб олинди. Саройдаги олимлар, табиблар, муаррихлар, шо — ирлар янги асарлар яратдилар. Қўлёзмалар кўчириш ва китобат устахоналарида миллий китоб санъатининг энг яхши усталари тўшланди. Темури истило қилган турли мамлакатлардан келти — рилган қўлёзма асарларининг узлуксиз кўпайтирилиши ҳам му — ҳим роль ўйнади. Бундан ташқари, энг яхши асарлар матнини тўлиқ кўчириш кўпайтириш кенг йўлга қўйилди. Темурининг ис — тилочилик юришлари пайтида китоб омборларига кўплаб ки — тоблар келтирилди. Маълумки, Темури ўзи босиб олган мамла — катлардан одамлар, моддий бойликлар, олтин, қимматбаҳо тошлар билан бир қаторда ноёб китобларни ҳам олиб келган. Самарқандга араб, форс, турк, санскрит, юнон, лотин, арман тилларидаги кўплаб бебаҳо қўлёзмалар Эрон, Туркия, Ҳинди — стон, Ироқ, Арманистон каби давлатлардан, Истамбул, Брусс, Исфохон, Ҳамадон, Шероз, Бағдод, Басра, Дамашқ, Халаб каби қадимги маданият ўчоғи бўлган шаҳарлардан олиб келинган. Жумладан, олимларнинг тахминига қараганда, Басрадан Са — марқандга VIII асрнинг биринчи чорағида кувий хати билан

---

бидаги «Книжная культура» мақоласидан олинди. М., Наука, 1982. — 275 — бет.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. — Соч. Т. 2, ч. 1. М., Наука, 1963. — С. 77.

кўчирилган Қуръони каримнинг нусхаси олиб келинган. Қуръони каримнинг мазкур нусхаси фанда «Усмон Қуръони» номи билан машҳур<sup>1</sup>. Арман тарихчиси Михаил Чамчъяннинг ёзишича, «Арман ва форс тилларидаги китобларни имкони борича йиғиб, (Темур) Самарқандга жўнайди ва у ерда бир минорага жойлайди. Ўқишни хоҳловчиларга эса китоблар билан минорада шугулланишга рухсат беради, аммо, шартта кўра, у ерда улар узоқ бўлишолмас эди»<sup>2</sup>.

Тарихий манбалардан маълумки, Самарқандда сарой кутубхонаси учун махсус бино қурилган. Бу ерда, X—XIII асрлардаги машҳур сарой кутубхоналарида бўлгани каби, қўлёзма китоблар фан соҳалари бўйича таснифланган ва махсус жавонлар, сўкичаклар, сандиқларга жойлаштирилган, уларнинг библиографик ҳисоби юритилган, кутубхоналарнинг китобдорлари китобларни излаш ва жой—жойига қўйиш қулай бўлсин учун фақат ўзларига маълум шифрлар тизимидан фойдаланганлар. Афтидан, кутубхоналардан подшоларнинг яқинлари ва сарой аъёнларигина фойдаланмаган. Мазкур кутубхоналарнинг жамғармаларидан фойдаланган илм ва қалам аҳлининг асарлари орқали улар бир қатор Европа мамлакатларида ва Хитойда кенг довруқ қозонган. Амир Темурнинг сарой кутубхонаси ҳақида Самарқандга 1404 йилда юборилган Испания қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳам маълумот беради<sup>3</sup>.

Темурнинг китоб жамғармаси унинг набираси Улуғбекка (1394—1449) мерос бўлиб қолди. Буюк олим, астроном ва математик Улуғбекнинг қизиқиш доираси аниқ фанлар билан чекланмаган бўлиб, у шеърятнинг, эски ўзбек адабиётининг муҳлиси ҳам эди. Навоийнинг («Мажолис ун-нафоис») гувоҳлик беришича, Улуғбек ўзи ҳам форс тилида шеърлар ёзиб, китобат санъатига ҳомийлик қилган. Унинг даврида сулолавий сарой кутубхонаси тўлдирилиб борилган, китоб устахонасида янги—янги китоблар кўчирилган. Жумладан, туркий адабиёт ёдгорликларидан асл нусхалар ва шулар орасида Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул—ҳақойиқ» достони ҳам бор эди<sup>4</sup>. Бир қанча китоблар араб ва форс тилларидан эски ўзбек тилига таржима қилиниб

<sup>1</sup> Қаранг: Шебуниин А.Ф. Куфический Коран Императорской Санкт-Петербургской Публичной библиотеки // Записки Восточного отделения Русского археологического общества. Т. VI. 1892. — С. 124.

<sup>2</sup> Кун А.Л. Предание о библиотеке Тимура // Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Вып. III. — СПб., 1874. — С. 406.

<sup>3</sup> Қаранг: Руи Гонсалес де Клавихо. 1403—1406 йилларда Темурнинг Самарқанддаги саройига сафар кундалиги. Т., 1990.

<sup>4</sup> Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV в. М., изд-во Восточной литературы, 1963. — С. 35.

кўчирилди. Улар орасида араб муаллифи Шатибийнинг Қуръони каримни ўқиш санъати ҳақидаги рисоласи каби машҳур диний асар ҳам бўлган<sup>1</sup>. 1448 йилда Ёралибекнинг Самарқанддаги кўзғолони оқибатида китоб омборхонаси қаттиқ шикастланди. Солномачи — муаррих Абдураззоқ Самарқандий ўзининг «Матлаъ ас — Саъдаъин» асарида бу ҳақда шундай гувоҳлик беради: «Дашт суворийларининг кўзига аҳамиятсиз бўлиб кўринган китоблар — нинг бир қисми жойидан сочиб юборилиб, оёқости қилинди»<sup>2</sup>.

Илми нужум ва бошқа табиий — илмий фан соҳаларига оид китоблардан ташкил топган, унча катта бўлмаган махсус кутуб — хона шубҳасиз Улуғбекнинг ўзида, унинг расадхона (обсерватория)сида мавжуд эди. Унинг қўл остида бўлган зарур китобларнинг ноаниқ миқдорда бўлиши унинг геометрияга оид илмий изланишлари, астрономик ва тригонометрик жадваллари, юлдузлар харитаси (зижлар)ни тузишда ишлатилганлиги шубҳа — сиз эди.

1449 йилда Улуғбек ўлдирилганидан сўнг, Самарқанддаги маданий ҳаёт аста — секин ўз мавқеини йўқотиб борди. XVI — XVIII асрлар тарихий манбаларида Самарқандда сарой китоб хазинаси бўлганлиги ҳатто эслаб ҳам ўтилмаган. Темурийларнинг сулолавий кутубхонаси XVI аср бошларида Туронзамин тахтига ўтирган Шайбонийхонлар даврида, айниқса, ўзаро урушлар натижасида талон — торож қилинди ва дунё бўйлаб сочилиб кета бошлади. Мазкур жараён 1501 йилда, Шайбонийхоннинг Самарқандни эгаллаши пайтида бошланган бўлса керак.

Темур ворислари Шоҳруҳ, Бойсунқур ва Ҳусайн Бойқаронинг қўлёзма хазиналари адабий — бадиий, илмий китобларнинг ранг — баранглиги жиҳатидан Темурнинг Самарқанддаги сулолавий кутубхонасидан қолишмас эди. Юқорида зикр этилган ҳукмдорлар сарой кутубхоналари билан бир қаторда, китобхоналар, яъни қўлёзмаларни кўчириб кўпайтириш билан шуғулланадиган устахонларга ҳам эга эди.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш — шуаро» китобида Ҳирот китобхонаси ҳақида келтирилган маълумотлар ўрта аср китобхоналари, хусусан, сарой китобхоналари, уларда ишни ташкил этиш ҳақида муайян тасаввур беради. XV асрнинг 20 — йилларида отаси Шоҳруҳ Мирзонинг кўрсатмаси билан Ҳиротда Бойсунқур Мирзо китобхона тузади. Унда ҳаттот Мавлоно Табарий бошчилигида 40 уста, китобат санъатининг билимдонлари китобатчилик билан шуғулланадилар. Бу ерда ҳаттот, котиб,

<sup>1</sup> Кўрсатилган асар. — 35 — бет.

<sup>2</sup> Иқтибос куйидаги манбадан олинди: Гаррицкий А. Библиотеки в Средней Азии до русского завоевания // Новый Восток, 1925, №10-11. — С. 381.

мусаввир — миниатюрочи, наққош — безакчи, захоб — заргар, саҳдоф — муқовачи, таъмирчи ва бошқа касб эгалари меҳнат қилганлар. Тилшунос олимлар, адабиётшунослар, турли Шарқ халқлари қўлёзма меросининг билимдонлари ишгиروي ва ёр — дамида энг қимматли адабий, илмий асарлар танланиб, улардан нусхалар кўчирилган. Бундай нусхаларнинг биринчи саҳифасига одатда китоб белгиси — Шоҳруҳнинг муҳри — экслибриси қўйилар эди. Айни Бойсунқур китобхонасида 1426 йили Фир — давсийнинг «Шоҳнома» асари кўчирилган эди. Мазкур тадбир юқорида зикр этилган асар ёзилганидан 435 йил кейин биринчи марта амалга оширилганди. Бунинг устига ушбу нусха «Шоҳнома» текстининг турли нусхалари асосида тўлдириб му — каммаллаштирилган нусха эди. Бу ишни амалга ошириш учун Ҳирот кутубхонасидаги «Шоҳнома»нинг талай қўлёзмалари қиёслаб чиқилган, ўз замони нуқтаи назаридан улкан матншу — нослик тадқиқоти ўтказилган. Мукамал матн бошида катта ки — риш сўзи берилган. Бойсунқур кутубхонасининг ушбу нодир қўлёзмаси ҳозир Техроннинг Гулистон кутубхонаси хазинасида сақланмоқда.

XV аср тилшунос олимларининг ишини юксақ баҳолаб, та — ниқли шарқшунос Е.Э. Бертельс шундай дейди: «...Ҳирот китоб — хонасининг бу иши бўлмаганда эди, биз ҳатто кўплаб катта тадқиқотларга асос бўлган номукамал матнга ҳам эга бўлол — масдик»<sup>1</sup>.

Шоҳруҳ Мирзонинг тарихий асарларга қизяқиши беқиёс эди. Унинг топшириғига биноан тарихчи Хафиз Обру 1423 йили жаҳон тарихига бағишланган асар — «Зубдат ат — таворих» («Тарих жавоҳирлари»)ни ёзишга киришди. Мазкур асарни яратишда муаллиф ат — Табарийнинг X асрдаёқ форс тилига ўтирилиб, айрим ўзгартиш ва қўшимчалар билан чиқарилган «Тарих ар — русул ва — л — мулук» — «Пайғамбарлар ва подшолар тарихи», Фазлуллоҳ Рашидадин (XIII аср)нинг «Жомеъ ат — таворих» — «Йилномалар мажмуи», Низомиддин Шошийнинг «Зафарнома» (1404 йил) асарларида келтирилган маълумотлардан кенг фойдаланди. Жуғрофий хусусиятга эга маълумотларни асослашда Хафиз Обру турли муаллифларнинг араб тилида ёзилган асарларига таянди.

Султон Ҳусайн Мирзонинг ҳукмдорлиги йиллари (1468 — 1506 йиллар)да давлат пойтахти Ҳиротда маданий ҳаёт анча жонланди. Шаҳарда ободончилик ишлари кенг амалга оширилди, бетакрор меъморчилик обидалари — саройлар, масжидлар, мадрасалар

<sup>1</sup> Бертельс Е.Э. Избранные труды. Т. 1. М., ГРВЛ, 1965. — С. 20.

барпо этилди. Шеърят, илмий фаолият, муסיқа, миниатюра санъати ва китоб безаш санъати гуллаб яшнади.

Ҳусайн Бойқаронинг саройида катта кутубхона мавжуд эди. Унинг ўғли — Фаридуннинг кутубхонаси ҳам йирикликда ундан қолишмасди. Кутубхоналарнинг китобдорлари учун махсус қоидалар — йўриқномалар ишлаб чиқилган эди.

XVI асрнинг 30 — йилларидан бошлаб шайбонийларнинг пойтахти Бухоро Туронзаминдаги қўлэзма китобларни ишлаб чиқарувчи йирик марказ сифатида майдонга чиқди. Илк шайбонийлар томонидан XVI асрнинг бошларидаёқ асос солинган сулолавий кутубхонада китобларни кўчириш бўйича китобхона фаол ишлар эди. Шайбонийлардан Убайдуллахон (1533—1539), унинг ўғли Абдулазиз (1540—1549), Ёрмуҳаммад (1549—1553), Абдуллахон (1557—1598)<sup>1</sup> лар адабий — бадий ва илмий ижодиёт, китобат санъатининг жонқуярлари, ҳомийлари сифатида маълум эдилар. Ҳасан Хожа Нисорийнинг адабий тазкираси «Музаккири аҳбоб»да (1566) айтилишича, Абдулазиз — нинг ноёб кутубхонаси бўлиб, бундай кутубхона «бу ёруғ олам — нинг бирор бурчагида мавжудлиги номаълум»... эди. Мавлоно Султон Мирак Мунпийдек зиёли кутубхоначиси ҳам бўлиб, у шундай ҳуснихат ва тасвирий санъат билан машғул бўлардики, «на назарий, на амалий жиҳатдан унинг чизганларини ёзиб тас — вирлаш мумкин эмас». Унинг ҳуснихатдаги ва безаклардаги баёни энг яхши ҳикоя учун ҳам етишиб бўлмайдиган ҳодиса эди<sup>2</sup>.

Шайбонийлар сулоласи китоб хазинасидан ушбу сулола хонларига бағишловлар билан тайёрланган бежирим буюртма қўлэзма китоб нусхаларининг кўпи сақланиб қолган. Улар китоб безаш санъатининг бетакрор, ўта моҳирона бажарилган наму — наларидир. Қайта кўчириш учун тез — тез форс — тожик ва тур — кий адабиёт намуналари, Низомий, Жомий, Саъдий, Навоий асарларига мурожаат қилинар эди. Сержило қўлэзмаларни яра — тишда Мир Али Херавий, Ҳусайн ал — Ҳусайний, Маҳмуд Му — заххиб, Абдулло, Муҳаммад Чихра Мухассин ва бошқа машҳур ҳаттот ва мусаввирлар иштирок этардилар.

Шайбонийхон давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, шеърлар ёзар, ҳаттотлик билан машғул бўларди. Унинг қариндошларидан амакиваччаси Убайдуллахон ҳам шоир бўлиб, Убайдий тахаллуси билан шеърлар ёзган. 1583 йили кўчирилган

<sup>1</sup> Улар ҳукмронлик қилган йиллар.

<sup>2</sup> Қаранг: Болдырев А.Н. Тезкирэ Хасана Нисари как новый источник для изучения культурной жизни Средней Азии // Труды отделения Востока Государственного Эрми — тажа. Т. 3. Л., 1940. — С. 298.

унинг куллиёти (яъни ўлиmidан 44 йил кейин) нафис хат билан кўчирилган бўлиб, Ўзбекистон Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти томонидан 1944 йилда сотиб олинган.

Шайбонийларнинг сарой китоб омбори, темурийлар кутуб — хоналаридан фарқли ўлароқ, уларнинг сулоласи йиқилгач, XVII аср бошларида ашгархонийлар томонидан мерос қилиб олинди. XVIII аср қўлёзма манбаси Муҳаммад Амир Кироқароқчи томонидан ёзилган «Муҳит ат — таворих» асарида ашгархоний ҳукмдорлар Абдулазизхон (1654 — 1680) ва Субҳонқулихон (1680 — 1702)ларнинг сарой кутубхоналари ҳақида ҳикоя қилинади. Кутубхоналар қошида қўлёзмаларни кўчириш устахонаси — китобхона мавжуд бўлган. Бу ерда Турон китобат санъатининг ажойиб дурдоналаридан Саъдийнинг «Бўстон» (1649), Низомийнинг «Хамса» (1671) каби машҳур асарлари кўчирилган. Бу икки китобнинг бебаҳо нусхалари ҳозирда Дублин шаҳрида (Ирландия) Честер Битти коллекциясида сақланмоқда. Манбалар китобхонада ишлаган усталар, ҳаттотлардан Мирзо Баркий, Охунд Мулло Мир Мунший, мусаввирлардан Хўжа Муқим, Хўжа Гадоё Наққош, Аваз Муҳаммад Наққошларнинг номларини бизга маълум қилади<sup>1</sup>.

Ашгархоний Субҳонқулихон китоб муҳлиси — библиофил — бўлиш билан бир қаторда, тиббиётга ҳам қизиқар, тиббиётга оид китобларнинг маълум тўпламига эга эди. У ҳатто «Ихйа ат — тиб Субҳоний» — «Субҳонча тиб жонланиши» номли рисола ҳам ёзган. Бу асар ҳозирда Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда<sup>2</sup>.

Хоразм хонларининг сулолавий кутубхоналари ҳақида мўғуллар босқинидан кейинги даврларга оид маълумотлар ман — баларда сақланиб қолмаган. Фақатгина Хива хони Абулғозихоннинг (1643 — 1663) XVII аср ўрталарида, афтидан, кейинчалик Хоразм хонлари сулолавий кутубхонасига асос бўлган китоб хазинаси ҳақида маълумот сақланган кўринади. Гап шундаки, Абулғозихон ўз китобига манба бўлиб хизмат қилган кўлаб тарихий китобларнинг номини келтириб ўтган<sup>3</sup>.

Сулолавий сарой кутубхоналарига бўлган муносабатнинг авлоддан авлодга узатилиши Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида ҳам давом этди. Ҳар бир хонликнинг ҳукмдорлари катта миқдорда китоб бойлигига эга эдилар. Хон ва амирларнинг на —

<sup>1</sup> «Муҳит ат — таворих» қўлёзмаси. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти захираси. Инв. №835.

<sup>2</sup> Қаранг: Собрание восточных рукописей АН УзССР. Каталог. Т. 1. — С. 265.

<sup>3</sup> Қаранг: «Шажараи турк ва мўғил» китобининг қўлёзмаси. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, инв. №851. 2 — а варақ.

слий муҳрлари қўйилган қўлёзмалардан ташқари, кутубхоналар фаолиятини бевосита ёритувчи тарихий манбалар кўп сақланиб қолмаган. Агар биз Хоразм хонлигининг китоб хазинаси ҳақида унинг шоҳидидан ишончли маълумотларга эга бўлсак, Қўқон ва Бухоро хонлиги сарой кутубхоналари ҳақида маълумотлар жуда оз. Бухоро амирларининг кутубхоналари билан боғлиқ шундай маълумот мавжуд: Амир Насруллоҳон ўз ҳукмронлигининг сўнгги даврида, яъни 1860 йили, ўзига ва бир қанча маҳаллий мулкдор аъёнларига тегишли бўлган китобларни Шаҳрисабз, Китоб, Ҳисор мадрасаларидан олиб келиб, Қаршида тўплашга фармон берди. Шаҳрисабз уездининг ҳокими генерал – майор Жўрабекнинг гувоҳлик беришича, миниатюралар билан безатилган қўлёзмаларнинг катта қисми кейинчалик Қаршидан Бухорога олиб кетилган<sup>1</sup>. Девонбеги (ҳукумат бош вазири, Бухоро амирлигининг бош вазири) Остонақулнинг 1911 йилда таъкидлашича, Бухоро сарой кутубхонасида араб, форс, туркий, хитой, рус, пушту тилларида китоблар мавжуд бўлган<sup>2</sup>.

Бухоро амирлари кутубхонаси хонликдаги энг йирик кутубхона эди. Мазкур кутубхона хазинадан алоҳида жойлашган бўлиб, уни махсус тайинланган китобдор бошқарарди. Бу ерда араб куфий ёзувида битилган, ажойиб расмлар билан безатилган қадимги адабиётлар ҳам, айрим донгдор сулоаларнинг шажара сини тўла акс эттирувчи адабиётлар ҳам мавжуд эди.

Бухоро амири Музаффарнинг ҳукмронлиги йиллари (1860 – 1868)да кутубхона ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Унинг ҳолати ҳақида рус сайёҳлари, жумладан, хонлик устидан Россия протекторати ўрнатилганидан кейин дастлабки йилларда Бухорога таширф буюрган Н.П. Стремоухов маълумот беради. Унинг ёзишига қараганда, кутубхона кичкина зах ертўлада жойлашган бўлиб, бу ерда қўлёзмалар ва бошқа китоблар намиққан, турли зараркунанда ҳашаротлар ва кемирувчиларнинг «меҳнати»дан абгор аҳволга келган ҳолатда сақланарди. Ўша даврда Бухорода юрган мишмишларга қараганда, мазкур кутубхонадаги китобларнинг бир қисми Амир Темурнинг Самарқанддаги машҳур кутубхонаси китоблари бўлиб, улар Самарқанддан Бухорога ташиб келтирилган эди.

Кутубхона китоблари бозорда паст нархларда пуллаб юборилаётганидан амир Музаффарнинг хабари бор эди. Унинг ўзи ҳам баъзан аъёнларига ноёб қўлёзмаларни тортиқ қиларди.

Машҳур шарқшунос олим А.Э. Шмидт (таниқли ҳаттот ва қўлёзма китоблар мухлиси Ибодилла Одидовнинг маълумотла –

<sup>1</sup> Логофет Д.Н. Тамерлановская библиотека // Туркестанские ведомости. 1911, №24.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

рига таяниб) шуни кўрсатадики, амир Музаффар бухоролик айрим ҳур фикрли олимлардан тўчиган ва улар давлатнинг не — гизига болта уриши мумкин бўлган зарарли гоёларни кутубхонада сақланаётган китоблардан олишади деб ҳисоблаган. Шунинг учун ҳам Музаффар қозикалон Садриддинга айрим мадраса кутубхоналари ва шахсий маҳзанлардан, масалан, шайх Хожа Муҳаммад Порсо маҳзанидан зарарли ҳисобланган қўлёзмаларни олиб йўқ қилишни буюрган. Аммо қўлёзмаларнинг ҳақиқий қимматини яхши билган Садриддин олиб қўйилган китобларни йўқ қилмай, ўз уйида сақлаган. Кейинчалик Садриддиннинг кутубхонаси ва юқорида зикр этилган қўлёзмалар унинг ўғли — қозикалон Бурҳониддинга мерос бўлиб ўтган ва унда 1920 йил — гача сақланган. Бунгача ўтган узоқ давр ичида айрим қўлёзмалар бойиб бўлган, бир қисми ўғирланиб хорижга пуланган — кўпгина чет мамлакатларнинг кутубхоналарида шайх Хожа Муҳаммад Порсо маҳзани қўлёзмаларининг мавжудлиги шундан далилат беради.

Самарқандда яшаган қадимги Туронзамин тарихининг билимдони шарқшунос олим В.Л. Вяткиннинг академик В.В. Бартольдга ёзган бир мактуби кутубхоначилик тарихи учун гоё қимматлидир. Бу мактуб тарихнавис олим Б.В. Луний томонидан эълон қилинган. XIX аср охири — XX аср бошларида Арқдаги сулолавий кутубхонанинг ҳолати ҳақида В.Л. Вяткиннинг хати маълум тасаввур ҳосил қилади. «Мавжудлиги мени қаттиқ қизиқтирган Бухоро амирининг кутубхонасидан бошлайман, — деб ёзади В.Л. Вяткин. — Граф Ростовцев номидан жаноб Игнатъевга мен томонидан ёзилган расмий хатга у киши (Игнатъев) шундай жавоб беради: Амирда кутубхона йўқ ва Бухоро маъмуриятининг баёнотига кўра, бундай кутубхона қачондир бўлганлигини тахмин қилишга ҳам асос йўқ. Аммо Самарқандда бир неча бор тасодифан охири Бухоро амирлари муҳри қўйилган асарларни кўрдим ва амир Музаффар хизматида бўлган кекса маҳаллий халқдан кутубхонанинг мавжудлиги уйдирма эмаслигини эшитдим. Шундан кейин менда Игнатъевнинг жавобига нисбатан шубҳа туилди. Бухорога маълумотлар йиғишга одамлар жўнатдим... Шундай қилиб, йиғилган маълумотлар мени амирда кутубхона борлигига тўлиқ ишонтирди. Бухоро сарой аёнлари менинг эҳтиёткорлик билан суриштиришларимга жавобан амирликнинг кутубхонаси бор деб жавоб бердилар, аммо уни кўрсатиш эса, саройнинг «ичкараси»га кириш қойдалари каби, шахсан амирнинг рухсатисиз мумкин эмаслигини айтдилар. Мен пулдор киши бўлганимда эди, иш амалга ошган бўларди. Кейин ўша пайтда амирнинг саройини таъмир этган бир татар менга айтишича, у ерда китоб, ўрам ва

қоғоз билан лиқ тўла учта хона бор. Муқовасозлардан бири Арқдан келтирилган китобларни ва қўлёзмаларни муқовалар экан. Бухоро мадрасаларида таълим олаётган самарқандлик та — лабалардан мен кўплаб китоблар мадрасалар фойдасига вақф қилинишига қарамай, улардан кутубхоналар тайини эмас, деб сўраганимда, улар бунга жавобан: амирнинг ота — боболари бундай китобларни йиғиб олиб Арқда сақлашни буюришган, дейишди. Мурод шулки, улар йўқолмасин. Бухорода бир неча бор эшитдимки, амир руслардан бирор кишига ўзининг кутуб — хонасини (айни замонда бу жой унинг архиви ҳам бўлган) кўр — сатишни хоҳламас экан. Бинобарин, амир амалдаги ўз сулола — сини тахтада қонуний эмаслигидан андиша қилар эмиш. Шу ту — файли кутубхонада руслар номақбул бирор нарса учратиб қолиши мумкинлигидан тўчирмиш. Умуман, амир ўз сирининг фош бўлмаслигини маъқул кўрармиш... Бу тахминга ишонмас — ликка у қадар асос бўлмаса керак»<sup>1</sup>.

Амирлар ва ўша даврдаги киборлар жамиятининг сарой кутубхонасига совуқ муносабати ҳақида орадан анча вақт ўтгач, XX асрнинг бошларида қадимги китоблар ва қўлёзмалар мухлиси Маҳмад Камол Музаффаров маълумот беради. «Амирлик са — ройларида минглаб қўлёзма ва тошбосма китоблар қаровсиз ётарди», деб ёзади у.<sup>2</sup> Ўша даврда Музаффаров шаҳардаги барча китобларни бир жойга тўплаш ва Бухорода катта кутубхона ташкил этиш ғоясини илгари суради. Муаллиф мазкур кутубхо — нада турк, туркий, форс, рус ва ғарбий Европа тилларидаги китобларни жамлаш зарурлигини қайд этади.

Ўша даврда кутубхоналар қаровсиз ҳолга келганлиги ва умуман маданият таназзулга юз тутганлиги Туронзаминнинг Россия томонидан босиб олинган ва унга қарам қилинган ҳу — дудларида юзага келган сиёсий вазият билан изоҳланади.

Бухоро амиригининг ағдарилиши арафасида (1920 йилда) кутубхона Арқда жойлашган бўлиб, унда ажойиб асарлар, қўлёзмалар тўпламлари, шу жумладан амир Музаффарнинг қўлёзмалари жамланган эди. Бухороликларнинг қайд этишича, амирлар кутубхонасида жами 47,5 минг қўлёзма ва тошбосма китоблар сақланган, улар орасида ноёб қўлёзма асарлар ҳам бўлган.

Шарқшунос олим А.А. Семёнов Бухоро амирилари кутубхо — насига катта эътибор беради. У кутубхона қўлёзма жамғармаларининг аҳволини синчиклаб кузатиб боради ва 1915

<sup>1</sup> Луни Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. Т., Фан, 1965. — С. 178.

<sup>2</sup> Қаранг: Мир ислама. Альманах. 1913. Т. 2. — С. 99.

йилда китоб жамғармасини тартибга келтириш, рўйхатлар тузишга муваффақ бўлади. Олимнинг қайд этишича, амирлар кутубхонаси «миниатюралар билан безатилган қадимги қўлёзмаларга бой эди».

Тарих фанимиз Хива хони Муҳаммад Раҳим II (1865—1910)нинг икки китоб омбори ҳақида кенг маълумотларга эга. Бу ҳақда рус туркийшунос олими А.Н. Самойлович батафсил илмий ахборот қолдирган. У 1908 йили Хоразмда китобат иши ва адабиётни ўрганди. Кутубхоналардан бири Хива Аркида, иккинчиси — Тозабоб деб аталувчи ёзги қароргоҳда жойлашган эди. А.Н. Самойлович Аркдаги Хива кутубхонасини шундай тасвирлайди: «Кўриниш хона»нинг жануби — ғарбий бурчагида ёхуд Хива хони қароргоҳининг қабул қилиш ҳовлисида эшик бўлиб, унинг ортида тор, айлана тош зина бор. Бу зина иккинчи қаватдаги унча катта бўлмаган хоналардан бирига олиб чиқади. Тўрт тарафдан хона жойлашган бино кўринишхона ҳовлисини ўраб туради. Шу бино хон кутубхонаси ҳисобланади. Хонанинг жанубий деворида кириш эшиги, шарқида эса хон тахти айвонига қаратилган икки дераза; ғарбий деворида ёғочдан ясалган ойнаванд эшикли икки жавон, шимолий деворда битта эшиксиз жавон турибди. Китоб жавонларидан бирида сақланувчи мўъжазгина қўлёзма каталогда 500 рақами билан белгиланган турли тошбосма, терма ва қўлёзма китоблар қайд этилган. Шимолий жавон тиббиётта оид босма китоблар билан тўлиқ банд. Орқа томондаги жавонда тарихий, сўфизмга оид ва сиёсий китоблар таҳланган; босма китоблар, тахминан қўлёзма китоблар қанча бўлса шунча, балки кўпроқдир ҳам. Форс тилидаги асарлар кўпроқ миқдорни ташкил қилади; араб тилидагилар нисбатан кам, туркий тилидагилардан катта қисми Ўрта Осиё адабий тили — чигатой тилида ёзилган асарлар ва яна усмоний турк (румо) ва қозон—татар (нўғой) тилидаги китоблардир»<sup>1</sup>.

«Тозабоб кутубхонасида ҳаммаси бўлиб 200 атрофида қўлёзма мавжуд, — деб Хива хонининг иккинчи бир китоб омборининг тасвирига ўтади А.Н. Самойлович. — Босма китобларнинг асосий кўпчилиги ҳинд, форс, усмоний турк, Қозон ва Туркистон нашр асарларидан ташкил топган. Форс тилидаги асарлар ва назмий мазмундаги китоблар ҳам кўп сонни ташкил қилади. Китоблар картонга ёки терига муқоваланган; муқовага оқ қоғоз ёрлиқча ёпиштирилган бўлиб, асарнинг бошланиши, номланиши ёки мазкур жилдга кирган асарлар номи қайд

<sup>1</sup> Самойлович А.Н. Хивинские придворные книгохранилища и книгопечатная. Л. 16-17. В кн. Известия АН Туркменской ССР. Серия общественных наук. 1981, №1, с. 74-79. Публикация А. Язбердиева.

этиланган. Белгилар қўйилиб: «қўлёзма», «босма», «назм» ёки «наср» каби қайдлар мавжуд. Кутубхонанинг каталоги йўқ»<sup>1</sup>.

Хива хони кутубхонасидаги қўлёзма китобларнинг сони тахминан 450 та (250+200) деб кўрсатилган. А.Н. Самойлович маълумотларини тўлдириб шуни қўшимча қилиб айтиш мумкин — кинки, унинг Хивага боришидан 35 йил олдин, 1873 йилда, Хива хонлигини руслар босиб олиб тор — мор этганида мусодара қилинган Хива саройидан 300 жилд шарқ қўлёзмалари йиғилиб Россияга, шарқшунос А.А. Кун томонидан, Петербургдаги Осие музейига жўнатилган эди<sup>2</sup>. А.Н. Самойловичнинг Хивага таш — рифидан 37 йил ўтгач, 1945 йили яна Хивадан Тошкентга Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти томонидан асосан туркий тилдаги, унгача Хоразм ўлкашунослик музейида сақланаётган 1000 га яқин қўлёзма олиб чиқиб кетилди<sup>3</sup>. Шундай қилиб, ху — лоса яшаш мумкинки, рус истилосигача фақатгина қўлёзма китоблар хонлик кутубхонасида бир ярим мингта атрофида бўлган, аммо бизнинг бу ҳисоб — китобларимиз жуда аниқ деб айтол — маймиз. Зеро, кейинги ўн йиллар давомида Хоразм воҳасидан турли қўлёзма хазиналарга юзлаб китоблар келиб тушди.

XVIII асрда ташкил топган энг ёш Қўқон хонлигида ҳам сарой кутубхоналари мавжуд бўлган. Сўнгги хонлар — Умархон, Муродхон ва Худоёрхон давридаги сарой кутубхоналарини энг катта ва қиммат кутубхоналар деб айтиш мумкин. Мазкур кутубхоналарда нафақат маҳаллий муаллифлар, балки ҳинд, афгон муаллифлари ҳамда бошқа Шарқ мамлакатларида яшаган муаллифларнинг тарих ва география, тиббиёт ва тилшунослик, грамматика, қонуншунослик, илоҳиёт ва бошқа фанларга доир қадимги ноёб қўлёзмалари сақланган.

Қўқон хонлигининг айрим ҳукмдорлари қўлёзма китобларга, кутубхоналарга маълум даражада қизиқиш билан қараган, шоирлар ва адабиётчиларга ҳомийлик қилган. Чунончи, Муҳаммад Умархон (1809 — 1822) ўзи ҳам шеърлар ёзган, адабиётнинг катта мухлиси сифатида донг таратган, ўз шеърларини «Амир» тахаллуси билан эълон қилган. Унинг даврида Фарғонада шоирлар давраси ташкил топган бўлиб, улар орасида хоннинг рафиқаси — шоира Нодирабегим ҳам бор эди. Тахминан 1822 йилда шоир Юсуф Тунқатор ва ҳаттот Юсуф Муҳаммад томонидан «18 шоир тўплами» яратилди. Унга ўша даврнинг 18 нафар таниқли шоирларининг асарлари киритилди. Мазкур ўзига хос тазкира

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Қаранг: Луин Б.Б. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. Ташкент, изд-во «Наука», УзССР, 1965, с. 120.

<sup>3</sup> Рукописная библиотека хана Мухаммада Рахима. — Правда Востока. 1945, 16 октября.

(антология) кичик тираж билан тошбосма усулида ҳам чоп этилди.

Қўқоннинг сўнги хони — Худоёрхон даврида сарой кутуб — хонасига хусусий шахслардан сотиб олинган кўплаб қўлёзма китоблар коллекциялари келиб тушди. Улар орасида шахри — сабзлик мулла Муҳаммад Раҳимнинг тарих фанига оид Шарқ қўлёзма китоблари тўпламини қайд этиш мумкин. Мулла Му — ҳаммад Раҳим жуда катта китоб мухлиси бўлиб, йигирма саккиз йил мобайнида ноёб қўлёзмалар илинжида Ҳиндистон, Афғонистон ва бошқа мамлакатлар бўйлаб саёҳат қилган эди.

Сарой кутубхоналаридан асосан сарой аъёнлари ва хизмат — чилари фойдаланарди. Масалан, давлат хизматида бўлган та — рихчи Мирза Азиз хон кутубхонасидаги қўлёзмалардан жуда кўп фойдаланган. Кўп йиллик изланишлари натижасида у «Қўқон хоналиги тарихи» деган анча катта асарни яратган.

Қўқон хонларининг қўлёзма китоблардан иборат китоб ом — борлари ва кутубхоналари ҳақида баъзи бир маълумотларни биз рус қўшинининг 1875 йилги Қўқонга истилочилик юриши иш — тирокчилари хотираларида учратамиз. Мазкур юришда А.Л. Кунга қўлёзмалар ва бошқа маданий бойликларни йиғиш топ — ширилган. А.Л. Куннинг ёзишича, унинг вазифаси «маҳаллий тиллардаги китоблар, қўлёзмалар ва ҳужжатларни мумкин қадар кўпроқ тўплашдан иборат» эди.

Хоннинг китоб омборлари ва кутубхоналаридан араб тилида ёзилган, асосан диний мазмундаги 103 дан ортиқ қўлёзма ки — тоблар (Қуръонлар, авлиёларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид асарлар, ҳадислар тўпламлари ва бошқалар) олиб кетилган. Китоблар орасида фалсафа, мантқ, грамматика, риторика, тиб — биётга оид қўлёзмалар (масалан, Отабиб Хорвийнинг «Баҳру ал — жавоҳир» ёки «Жавоҳирлар денгизи» асари) ҳам бор эди. Форс тилидаги қўлёзмалар 16 дан ортиқ рўйхат рақамларида жам — ланган бўлиб, улар орасида ислом қонуншунослигига оид қўлёзмалар, шунингдек тарихий мазмундаги асарлар, жумладан, «Тухфат ул — хон» (Муҳаммад Раҳимхоннинг ҳукмронлиги тари — хи), «Тарихи Жаҳонгири» — «Жаҳонгирлар тарихи», Шоҳруҳ — хондан Худоёрхонгача бўлган давр ораллигини қамраб олувчи Фарғона ва Қўқон тарихи бор эди.

Қўқон хонларининг китоб омборларида араб ва форс тил — ларида, турк — чигатой лаҳжасида битилган асарлар ҳам бўлган. Қўқон китоби омборларидан топилган Шарқ қўлёзмаларининг катта қисми Петербургдаги император Жамоа кутубхонасига олиб кетилган.

Бухоро амирлигида сарой кутубхоналаридан ташқари, беклар кутубхоналари қошида қўлёзма китоблар маҳзанлари ҳам бўлган.

Масалан, ўша даврда Шаҳрисабз беблигининг пойтахти – Китоб шаҳридаги кутубхона айниқса машҳур бўлган. 1871 йили Ис – кандаркўл экспедицияси даврида чор қўшинлари шаҳарни ишғол этганларида, А.Л. Кун бек саройидан топилган тарих, ҳуқуқ, тиббиётта доир, шунингдек назмда битилган форс, араб ва чигатой тилларидаги 97 та Шарқ қўлёзмасини топган ва уларнинг катта қисмини ўзи билан олиб кетган. Тарихий асарлар орасида «Темур Ҳусайн Мирзо тарихи», Ҳофиз Танишнинг «Шарафномаи Шоҳи» ёки «Абдулланомаси, Абдуллаҳон ва унинг ота – боболари – шайбонийлар тарихи, Восифийнинг «Бадоеъ ул – вақоеъ» («Энг ажойиб воқеалар»), «Муқимхон та – рихи», Хондамирнинг «Хулосат ул – ахбор» асарлари диққатта сазовор.

Топилган қўлёзмалар орасида шеърӣ асарлар: Навоӣ, Бе – дил ҳамда Туронзаминда яшаб ижод қилган бошқа машҳур шо – ирларнинг асарлари, шунингдек араб ва форс тилларидаги ҳар хил асарлар тўпламлари (Жомӣ, Муҳӣй шеърлари) ҳам бўлган.

Юқорида зикр этилган қўлёзма китоблар мажмуи Туркистон ўлкаси генерал – губернатори К.П. Кауфман томонидан Петер – бургдаги император Жамоа кутубхонасига ҳадя қилинган ҳамда шарқшунос олим П.И. Лерх томонидан тавсифланган.

Шарқ қўлёзма асарлари кутубхонаси Андижон беки (Худоёрхоннинг ўғли) Насриддиннинг саройида ҳам бўлган. Шунинг учун ҳам Қўқон юриши иштирокчиси А.Л. Кун 1875 йили мумкин қадар кўп китоб, қўлёзма ва ҳужжатлар йиғиш мақсадида Андижонга келган. Шарқ қўлёзмалари мажмуалари Наманган, Марғилон беклари ҳамда бошқа беклар томонидан ҳам тузилган.

Қўқон сарой кутубхонаси ХХ асрнинг бошида абгор ҳолатта келди, унинг қўлёзмалари талон – торож қилинар, аксарияти бо – зорларда сотилар эди. 1902 йилда қўлёзма асарларни топш ва ўрганиш мақсадида Қўқонга келган рус шарқшунос олими, ака – демик В.В. Бартольд хон сарой кутубхонасини кўздан кечириб, таассуф билан шундай деб ёзган эди: «Айни вақтда бирорта ҳам қўлёзмаларнинг тўпламлари мавжуд эмас, ҳатто 1897 йили К.Г. Залеман кутубхона китобдори Саримсоққожининг уйида кўрган Худоёрхон кутубхонасининг оз сонли қолдиқлари ҳам ғойиб бўлган».

### 3-§. Вақф кутубхоналари

Бутун мусулмон маданий дунёсида бўлгани каби, Х аср бошларида Туронзаминда ҳам кутубхоналарнинг янги бир кў – риниши – вақф кутубхоналари вужудга келди. Бундай кутуб –

хоналарнинг пайдо бўлиши жамиятда мулкнинг махсус шакли – вақфнинг тарқалиши билан боғлиқ. Вақфга аввалида кўчмас мулк, кейинчалик кўчар мулк ҳам, шу жумладан китоблар ва китоб тўпламлари ҳам кира бошлади. Вақф кутубхоналари бой ер эгалари, ҳокимлар, амалдорлар ва бошқа ихлосманд шахслар томонидан ташкил қилинар эди. Вақфи хайрия мулкига кўпинча у жойларда таълим бериш жараёни ташкил этилган ва, демак, шартли равишда маълум миқдорда китоблар тўпламлари мавжуд бўлган масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, мақбаралар, шифо – хоналар айлантириларди. Кўрсатилган муассасаларнинг қошидаги кутубхоналардан ташқари, вақф кутубхоналари шаҳар, қишлоқ ва маҳаллалар жамоаларининг умумистифода кутубхоналари сифатида фаолият кўрсатар эди. Кўп сонли хайриялар натижасида бу китоб мажмуалари тўлиб борар, вақт ўтиши билан жамоатчилик фойдаланадиган зарур китобларни топиш осон, йирик ва бой кутубхоналарга айланарди. Бундай кутубхоналардан фойдаланишга ҳар бир мусулмоннинг ҳуқуқи бор эди. Қоида тариқасида, вақф кутубхоналари қисман кўчмас мулкдан олинган даромадлар ҳисобидан ёки вақф таъсисчисининг бошқа даромадлари ҳисобидан таъминланарди. Йирик вақф муассасалари билан бир қаторда, табиийки, жуда кўп ўрта ва кичик вақф муассасалари ҳам фаолият кўрсатарди. Умуман олганда, Туронзамин ҳудуди, ундаги турли давлатларнинг чегаралари вақти – вақти билан ўзгариб турганлигидан қатъи назар, кутубхона иши тарихининг илк мумтоз, мумтоз ва кечки мумтоз даврларида, XI асрдан бошлаб катта – кичик вақф кутубхоналари тармоғи билан қопланган эди, десак, муболаға бўлмайди. Зеро, ўша даврда Туронзамин шаҳарлари ва қишлоқларида ўнлаб масжидлар, мадрасалар, суфийларнинг хонақолари ва мақбаралари фаолият кўрсатган, уларда юзлаб талабалар таҳсил олган. Аммо, барча мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар ва улар қошидаги кутубхоналар вақф мулкига кирган, деб ўйлаш ҳам тўғри бўлмайди. Туронзамин кутубхона иши тарихида, айниқса, унинг илк мумтоз ва мумтоз даврларида бу ерда кўплаб кичик жамоа кутубхоналари фаолият кўрсатган. Мазкур кутубхоналар давлат ҳисобидан, шунингдек маҳаллий мусулмон жамоалари ҳисобидан таъсис этилган. Айни шу каби, мусулмон жамоалари фойдаланадиган XI аср давлат томонидан тузилган кутубхоналарининг бири ҳақида тарихчи З.М. Буниедов тарихий манбаларга асосланиб шундай ёзади: «Бухородаги Деҳқон мавзеида Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида Камбағаллар уйининг ку –

тубхонаси — «Хизанат ал — кутуб Дар ал — фуқаро» мавжуд бўлиб, унда ноёб қўлёзмалар сақланар эди»<sup>1</sup>.

Ёки бошқа бир мисол:

Маънавиятдаги асосий маъноси маҳаллий халқларнинг исломгача бўлган даврга оид асрий туб маданиятини қайта тиклаш бўлган сомонийлар даврида Бухоро ва амирликнинг бошқа шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатиб турган «Сувон ул — ҳикмат» («Ҳикматлар хазинаси») номи билан юритилган ва давлат томонидан таъсис этилиб, молиявий таъминланган умумистифода кутубхоналар тармоғи муҳим маданий ва тарихий аҳамиятга эга<sup>2</sup>.

Вақф кутубхоналари орасида мадраса ва масжидларнинг кутубхоналари ўз китоб жамғармаларининг бойлиги ва рангбаранглиги, китобхоналарга хизмат кўрсатиш шакллари турли — туманлиги билан ажралиб туради. Масжид илм толиблари томонидан ҳамisha ардоқланиб келинган. Туронзаминнинг иқлим хусусиятларини (дарсларни деярли бутун йил мобайнида очиқ ҳавода ўтказиш мумкин), масжиднинг меъморчиликка оид хусусиятларини (хоналари ҳовли томонга қаратиб қурилган, ҳовлиси тўртбурчак шаклда) эътиборга оладиган бўлсак, масжид ўша даврда намоздан бўш вақтларда турли йиғинлар, машваратлар ўтказиш учун фойдаланиладиган жамоат жойи бўлиб хизмат қилган деб айтиш мумкин. Чунончи, Туронзаминнинг барча жойларидаги масжидларда бошланғич таълим мактаблари ташкил этилган бўлиб, улар ҳам маълум миқдорда китобларга эга эди. Муаллимлар ва кутубхонасидаги китоблар етарли бўлган йирик масжидлар нисбатан катта босқич таълим муассасаси ва — зифасини бажарарди. Ваҳоланки, Туронзамин ҳудудида масжидлар бутун ўрта асрлар мобайнида деярли барча қишлоқларда, шаҳарлардаги ҳар бир маҳаллада фаолият кўрсатар эди.

Муҳим ижтимоий муассасалар — мадрасалар араб тили, ислом ҳуқуқи ва одоб — ахлоқи асослари, баъзи бир дунёвий фанлар ўқитилган (Европа коллежи ёки университети функциялари юкланган) олий ўқув юрти сифатида мусулмон маданий дунёсида илк бор айнан Туронзаминдаги билим ва маданият негизида юзага келди. Бу IX асрнинг охири — X асрнинг бошларида содир бўлди. «Мадраса ўқув юрти сифатида ҳатто мусулмон дунёсининг пойтахти — Бағдодда ҳам фақат XI асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган..., ваҳоланки, Мовароуннаҳ —

<sup>1</sup> Бунятов З.М. Государство Хорезмшахов Ануштегевидов. 1097-1231. М., Наука, 1986. — С. 127.

<sup>2</sup> Қаранг: Негматов Н.Н. Основные исторические процессы эпохи Абу Али Ибн Сино // Абу Али Ибн Сино и его эпоха. Душанбе, Дониш, 1980. — С. 11.

рада мадрасалар бу вақтта келиб кўпдан бери фаолият кўрсатар эди», деб ёзда Туронзамин тарихининг йирик билимдони, ака — демик В.В. Бартольд<sup>1</sup>. Унинг фикрича, буддавийлар вихараси (мазкур динга мансуб зоҳидлар жамоа бўлиб яшаб таҳсил олган жой) Туронзамин мадрасалари учун намуна бўлиб хизмат қилган<sup>2</sup>. Араблар истилосига қадар охириги етти аср мобайнида Туронзаминнинг турли вилоятларида буддавийларнинг ибодат — хоналари ва вихаралари мажмуини ўз ичига олган жамоалари ҳаёт кечирган. Бинобарин, буддавийларнинг таълим ва таҳсил амалиёти ҳам бу ерда яхши маълум бўлган. Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида араб истилочилари Бухорони ишғол қилганларидан кейин вайрон этилган буддавийларнинг меъмор — чилик обидаси ҳақида маълумот беради. Юқорида зикр этилган буддавийлар диний таълим тизмининг асосий ўнсурларини ислом дини ва фани, араб тили ва маданиятини ўрганишга кўчириш ўзининг тадрижий ривожланиши натижасида илм толиблари биргалиқда яшаб таҳсил оладиган жой — мадрасаларнинг вужудга келишига олиб келди.<sup>3</sup>

Тарихий манбаларда мадраса ва унинг кутубхонаси ҳақидаги илк маълумот 937 йилга мансуб. Тарихчи Наршахий берган маълумотта қараганда, айнан шу йили Бухорода ёнгин пайтида Форожик мадрасаси ўзининг ноёб қўлёзмалар кутубхонаси билан бирга ёниб кетган. Исломшунос олим Нажи Маъруф манбалардан мусулмон маданий дунёсига мансуб шаҳарларда, шу жумладан Бухоро, Фазна, Нишопур ва Буханжда X—XI асрларда фаолият кўрсатган энг биринчи ўттиз уч мадраса ҳақида

<sup>1</sup> Бартольд В.В. О погребении Тимура. Соч. Т. II. Ч. 2. — С. 429.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Ученые мусульманского Ренессанса. Соч. Т. VI. — С. 619.

<sup>3</sup> Маърузалар ва мунозаралар, яъни турли — туман, асосан диний масала — ларни эркин муҳокама қилиш шаклидаги таълим усули айнан мадрасада ишлаб чиқилди. Мадраса араб мамлакатларида тарқалгунга қадар олим ва илм толиби устоз билан яқка машгулотларда ўқиб ўрганган қитоблар сони, шунингдек устознинг фан оламидаги (олимлар орасидаги) обрўси олим ва илм толибининг билимийлиги мезони бўлиб хизмат қилиб келди. Ўргани — лувчи асарлар мажмуи турли — туман ўқув муассасаларида ўзига хос дастур вазифини бажарар эди. Маълумот даражаси ва олимнинг илмий даражаси бирон — бир ҳужжат, русум — тамойил билан расмийлаштирилмас ва мус — таҳкамланмас эди. Аммо, шу нарса диққатга сазоворки, билим бериш ҳуқуқини асословчи арабча таъриф (би — ҳаққ ал — ривайа) Европа универ — ситетларида таъсис этилган бакалавр илмий даражаси учун асос бўлиб хизмат қилган. Зотан, мазкур билим юртлари XII асрда — ўз ривожлани — шининг дастабки босқичида Испания орқали араб оламининг маълум таъсирини ўзида мужассамлаштирган. (Қаранг: R.Y. Ebied, M.Z.L. Young. New light on the origin of the term «baccalaureate». — «The Islamic Quarterly. A Review of Islamic Culture». L., vol. XVIII, №1 — 2, January — July 1974. — P. 3 — 7.

маълумот тўплашга муваффақ бўлди<sup>1</sup>. XI асрнинг ўрталаридан бошлаб мадраса ўқув юрталарининг етакчи турига айланди. Айнан шу даврда жамиятда вақф мадрасалари ташкил этиш ғояси туғилди. Мазкур мадрасалар хусусий шахслар хайрия мақсадларига йўналтирган маблағлар ва мол—мулк ҳисобига таъсис этилар ва фаолият кўрсатар эди. Салжуқийлар салтанати давридаги қудратли вазир Низом ул—Мулкнинг шахсий маб—лағларига махсус лойиҳага биноан қурилган ва унинг исми билан ан—Низомийа деб номланган Бағдод мадрасаси кейинги даврда барча мадрасалар тенглашишга интилган ўзига хос намуна бўлиб хизмат қилди. Ан—Низомийа мадрасаси 1064—1066 йилларда қуриб битказилди. Мадрасада «фар ал—кутуб» («китоблар уйи»), яъни кутубхонага махсус бино ажратилди. Низом ул—Мулк кутубхоналарига эга мадрасаларга XI асрнинг 70—90—йилларида Салжуқийлар салтанатининг бошқа кўпгина шаҳарларида (Марв, Ҳирот, Балх, Нишопур, Исфохон, Басра, Амул, Мосул, Жазират Ибн Умарда) ҳам асос солди. Ан—Низомийа типидagi мадра—салар вақт ўтиши билан бутун мусулмон маданий дунёси бўйлаб тарқалди.

XI—XII ва XIII аср бошларида Шарқ қўлёмаларининг бой мажмуалари билан Яқин ва Ўрта Шарқ бўйича Марв шаҳри вақф кутубхоналари жуда машҳур эди. XI аср бошларида Марв салжуқ султонлари учун қароргоҳга айланди. Султон Али Арслон (1063—1072) ва Маликшоҳлар даврида вазир бўлган йирик давлат ар—боби, беқиёс қобилият соҳиби, машҳур «Сиёсатнома» асарининг муаллифи Низом ул—Мулк ат—Тусий (1017—1092) Салжуқ давлатининг турли жойларида ўқув муассасалари — «ан—Низомия»лар билан бирга кутубхоналар ташкил қила бошлади.

Рус шарқшуноси В.А. Жуковский Низом ул—Мулкнинг маърифатчилик фаолиятини тавсиф қилиб қуйидагича ёзади: Низом ул—Мулк «мусулмон шарқининг энг буюк сиймоларидан биридир. Унинг уйи доимо олимлар, фикҳшунослар, ҳомийлар ва хайриячилар билан тўла бўларди. Ҳамиша маърифат қайғуси билан банд бўлган Низом ул—Мулк Исфохон, Нишопур, Ҳирот, Балх, Бағдод каби шаҳарларда мактаб ва семинарийлар ташкил қилди. Унинг шарафига академия (мадраса — Э.О.) «Низомия» деб аталган. Мазкур ўқув ва илм даргоҳларини сақлаб туриш учун Низом ул—Мулк катта маблағ сарфларди, турли соҳаларда илм ва фан маконларини ташкил қилиш ҳаракатида бўларди. У

<sup>1</sup> Нажи Маъруф. Мадарис қабл ан—Низамийа. Бағдод. 1973. — 67—68—бетлар.

ўз фаолияти бошланган жой — Марвда ҳам шундай ўқув муас — сасалари ташкил қилди»<sup>1</sup>.

1055 йилда салжуқийлар томонидан босиб олинган Бағдодда ҳам кутубхонаси билан бирга «ан — Низомия» мадрасаси очилди. Бу кутубхона Бағдодда ўрта асрлар давомида бўлган энг катта кутубхоналарнинг бири эди. Уни тузган кишининг саҳий маблағ таъминоти бўйича эса биринчи ўринда турарди. Бағдод «ан — Низомия»сининг ушбу мавқеи кейинги уч юз эллик йил даво — мида сақланди. Олимлар фикрича, кутубхона XV аср бошларида Темур лашкарлари томонидан етти йиллик Шом мамлакатларига юриш даврида ўз мавқеини йўқотган. Чунки Темурнинг мар — казлашган ҳокимияти илм — фан ва маданият маркази мавқеини Мовароуннаҳр ва Хуросонга кўчириш ғоясига хизмат қилганди.

Низом ул — Мулк ўз фаолиятини Марвда бошлаганидан келиб чиқилса, бу шаҳардаги «ан — Низомия» шу каби маърифат ўчоқларининг дастлабкиларидан бўлган. Унинг кутубхонасида тўпланган китоб хазинаси бойлиги ва бебаҳолиги бўйича Бағдод кутубхонасидан кам бўлмагандир. 1216 — 1219 йилларда Марв кутубхонасида шугулланган, Эрон, Мовароуннаҳр, Бағдод, Халаб ва бошқа жойларни кезиб чиққан, шу туфайли, қиёсий фикри роят қимматли олим, тарихчи Йақут ал — Ҳамавий «Марвда жуда кўп миқдорда мумтоз ҳамда мукаммал ижро этилган китоблар мавжуд», деб ёзган эди. Йақут ал — Ҳамавий 1219 йили Марвдан кетаётганда у ерда 10 та вақф кутубхонаси бўлиб, «жаҳонда уларга тенги йўқ» эди. Шулардан иккитаси ал — Камолия, ал — Азия масжидлари қошида «12 минг жилд ёки шунга яқин» китоби бўлган. Яна бир кутубхона Ғазнавийлар саройида йирик амалдор Бу Мансур Муставфий томонидан тузилган. Икки ку — тубхона марвлик олим, 8 китобдан иборат «Китоб ул — ансоб» («Насаблар китоби») муаллифи Абу Саид ас — Самъаний томо — нидан очилган. Яна иккиси қайд этилган «ан — Низомия» мад — расаси кутубхонаси ва Мажид ул — Мулк кутубхоналари бўлган. Булардан ташқари «Амидия», «Хотуния», «Думария» каби ку — тубхоналар бўлган. Уларнинг на ташкил топган вақти, на ким томонидан таъсис этилгани маълум эмас. Лекин, тахмин қилиш мумкинки, уларнинг ташкил этилишига ҳам йирик хайриячилар, олимлар, амалдорлар, дин пешволари қўл уришган. Мусулмон ўқимишлилиги ва маданияти шаклланиш, ривожланиш даврининг ажойиб анъанаси шу эди.

Йақут ёзишича, китоблар ҳамма учун бемалол, масалан, унинг уйида 200 динор баҳоланиши мумкин бўлган икки юзтача китоб ҳеч қандай гаровсиз шу кутубхоналардан келтирилиб,

<sup>1</sup> Жуковский В.А. Развалины старого Мерва. Санкт-Петербург, 1894. — С. 28.

фойдаланиб, қайтарилиб турилган. «Мен, — дейди Йақут ал-Ҳамавий, — бу китоблар орасида мириқиб яйраб ишладим. Улардан керакли, фойдали жойларини ўзлаштирдим. Уларга муҳаббатим бошқа шаҳарларни ўйлашдан мени холи қилди. Хотин, бола — чақани унуттирди. Менинг китобимга кирган хабарларнинг деярли кўпчилиги ана шу кутубхоналардан олинган»<sup>1</sup>. Йақут ал-Ҳамавийнинг илми адабнинг 1040 билимдони таржи-маи ҳолини тўплаган «Иршод ал-адиб» номли мумтоз илмий асари, «Муъжам ул-булдон» номли алфавитли мамлакатлар жуғрофий лугати Марв кутубхоналаридаги юзлаб китоблар, ўнлаб бизгача етиб келмаган манбалар асосида яратилганидан келиб чиқилса, бу шаҳар китоб хазиналарининг қанчалик бой бўлганини тасаввур этиш қийин эмас.

XIV аср охирида Туркистон суфийларининг кўзга кўринган вакили ва ислоҳотчиси шайх Хожа Муҳаммад Порсо (Муҳаммад бин Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳафиз Бухорий — 1419 йили вафот этган) Бухорода умум фойдаланиши учун кутубхона очган. Кутубхона барча зиёлилар ва билимга ташна омма учун очиқ бўлган. Шайх Хожа Муҳаммад Порсо ўзи китоб ихлосманди бўлиб, кўплаб китоблар муаллифи эди. Масалан, Қуръони каримга у тузган тафсирнинг ўзи 100 жилд китоб бўлган. Бундан ташқари, шайх Хожа Муҳаммад Порсо ўнлаб китоблар ёзган. Умрининг охиригача у ўз кутубхонасини энг бообрў қўлёзмалар хазинасига айлантирди. Хазина турли мазмундаги ноёб ва қадимий қўлёзмалар билан тўлиб борди. Кўплари шайх Хожа Муҳаммад Порсо ҳажга борган вақтида ва бошқа саёхатлар вақтида сотиб олинган эди. Кейинги асрларда ҳам шайх Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонаси китоб ихлосмандлари, руҳонийлар, бойбадавлат кишиларнинг хайр-эҳсонлари ҳисобига ҳамда вақф қилинган китоблар билан тўлиб борди. Бундай китобларнинг ҳошияларига муҳрда «Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонаси вақфига» деган ёзув битилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган шайх Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасидан қолган китоблар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ҳар бир китобда ромб шаклидаги муҳрлар бу улкан хазина тарихидан хабар бериб турибди. Кўпинча китобларнинг биринчи ва охириги саҳифаларида шайх Хожа Муҳаммад Порсонинг ўз қўли билан ёзилган белгилар ҳам учрайди.

Аввал бошида шайх Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонаси XII—XIV асрлар, яъни қарийб уч юз йил давомида тўпланган

<sup>1</sup> Қаранг: Материалы по истории туркмен и Туркмении. — Т.1. VII-XI вв. Арабские и персидские источники. — М.-Л., 1939. — С. 434.

оилавий мерос қўлёзма китоблар мажмуи эди. Бу хазина шайх Хожа Муҳаммад Порсонинг ота – боболари томонидан тўпланган эди<sup>1</sup>. Унинг шайх томонидан вақф кутубхонасига айлантирилиши мазкур мерос кутубхона умрини яна тўрт юз йилга узайтирди. Шундай қилиб, шайх Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонаси XIX асрнинг 40 – йилларигача, ташкил топганидан бошлаб етти юз йилдан кўпроқ яшади. Кейин эса аста – секин тарқалиб, сочилиб кета бошлади. Ўрта асрларда Турон ҳудудидagi жамоатчилик фойдаланадиган кутубхоналарнинг энг йириги бўлган шайх Хожа Муҳаммад Порсонинг вақф кутубхонасидagi барча китоблар XIX асрнинг охирларига қадар ўлка китоб бозорларида сотиб туга – тилган деб ҳисобланади. Аммо, ўзбек вақтли матбуотида 1955 йилда пайдо бўлган хабарларга кўра, «1930 – 40 – йилларда ҳам Бухоро ёйма бозорида шайх Хожа Муҳаммад Порсо кутубхона – сига тегишли ромб шаклдаги муҳр босилган қўлёзмаларнинг айрим нусхалари учраб турарди»<sup>2</sup>. Тақдирнинг турли ўйинла – ридан қатъи назар, мазкур ноёб хазинанинг бир қисми сақланиб қолди ва кўплаб шарқшунослик илмий муассасаларининг қўлёзма жамғармалари таркибига киритилди.

Туронзамин мадрасалари ўрта асрларнинг ҳар бир тарихий босқичида қўлёзма китобларнинг муҳим мажмуаларига эгалик қилишарди. Китобат маданияти манбаларининг билимдонни проф. А.А. Семёнов таъкидлаганидек, «Бухоро, Самарқанд, Қарши, Хива ва бошқа шаҳарлардаги катта мадрасаларнинг ҳаммасида катта – катта кутубхоналар бўлган. Ҳатто нисбатан ёш Қўқон хонлигининг Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган шаҳарла – ридagi мадрасаларда, Бухородаги каби бой бўлмаса ҳам, ҳар қолда кутубхоналари бор эди»<sup>3</sup>.

Мадраса кутубхоналари китоб захираларининг таркиби, аввало, мадрасаларнинг ёши, қадимийлик даражасига қараб турлича эди. Сўнгра, кутубхона вақфига ким асос солгани билан маблағ таъминоти ким томониданлиги, мударрис ва талабалар – нинг ақлий мушоҳада даражаси ва кўплаб илғаб бўлмас омиллар хусусиятини белгилар эди. А.А. Семёнов Бухоро мадрасалари – нинг китоб мажмуалари тақдири ҳақида қизиқ ва ибратли бир воқеани келтиради. Бухоро амири Музаффар (ҳукмронлик йиллари 1860 – 1868) мадраса кутубхоналарининг барчасидан

<sup>1</sup> Қаранг: Семёнов А.А. Государственная публичная библиотека и фонды восточных рукописей Узбекистана // Литературный Ташкент. Альманах. №1. Ташкент. 1945. – С. 115.

<sup>2</sup> Стахов С. Ценнейшие исторические документы // Правда Востока, 1955, №184.

<sup>3</sup> Семёнов А.А. Среднеазиатские рукописные фонды и важность их изучения // Материалы I Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте. Т.: 1958. – С. 913.

қизиқарли китобларни хазинага ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарди. «Мазкур буйруқнинг чиқарилишига нима туртки берганлиги билан қизиқиб кўрган эдим, — деб ёзади А.А. Семёнов. — Воқеадан хабардор бухороликлар менга жавоб беришдики, бу ишда амирнинг у қадар қўли бўлмаган. Воқеа бундай содир бўлган эди: ўша вақтда қозикалон бўлган Садриддин катта олим ҳам эмас эди. Эгаллаган лавозими талаб қилганчалик илмий обрў—эътибори ҳам йўқ эди. Шу туфайли марказ уламолари, аъламлар ва мударрислар билан баҳсларда у кўпинча мағлубиятта учрарди. Шу каби уятга қолишлар, олимларнинг ҳужумлари, қозикалоннинг фикрича, аъламлар, мударрислар ва муфтилар турли китобларни кавлашлари туфайли рўй берарди. Қози мадрасалардаги барча қўлёзма ва тошбосма китобларни қозихонага олиб келиш учун амирнинг рухсатини олишга эришди. Бу ердан китобларнинг бир қисми амир кутубхонасига келиб тушди. Қолган асосий кўпчилиги эса қозихона омборида ҳеч қандай қаровсиз ва ишлатиқсиз ҳолда қолиб кетди»<sup>1</sup>. Аммо қозикалоннинг муқаддас Бухорои шариф кутубхоналаридан китобларни йиғишдаги жонбозлигини, кутубхона ишини бўғишдаги ролини жуда ошириб тушуниш ҳам ярамайди. 1913 йилда Туронзаминнинг айрим шаҳарларига ташриф буюрган ҳиндистонлик шарқшунос олим ва сайёҳ Абд ур—Рауф берган маълумотга қараганда, Бухорода ўша даврда кутубхоналарига эга бўлган 200 га яқин мадраса фаолият кўрсатган.<sup>2</sup>

Турли тарихий манбалар ва тадқиқотларда турли—туман мадрасалар ва уларнинг кутубхоналари, муайян даврда фаолият кўрсатган мадрасалар сони ҳақида жуда кўп қимматли маълумотлар мавжуд бўлиб, улар кутубхоначилик иши тарихи тўғрисида маълум хулосалар чиқариш имконини беради. Қуйида бундай материаллардан хронологик тартибда танлаб олинган маълумотлар келтирилади.

Кутубхоначилик иши тарихчиси А.И. Кормилицин берган маълумотларга қараганда, XI асрда Самарқандда турли диний мазҳабларга тегишли бўлган 17 та хусусий мадраса фаолият кўрсатган. Хусусий мадрасалардан ташқари, ўша даврда ҳукумат томонидан маблағ билан таъминланиб турилган давлат мадрасалари ҳам бўлган. Хуросоннинг дастлабки давлат мадрасаларига Ғазнавийлар сулоласига мансуб ҳукмдорларнинг бевосита фармойишига биноан X асрда асос солинган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Семёнов А.А. Ўша жойда.

<sup>2</sup> Абд-ур-Рауф. Рассказы индийского путешественника (Бухара как она есть). Перевод с персидского А.Н. Кондратьева. Самарканд, 1913. — С. 24

<sup>3</sup> Қаранг: Кормилицин А.И. Судьбы книг. Т.: Фан, 1994. — С. 17.

XI—XIII асрларда Марвда фаолият кўрсатган мадрасаларнинг кутубхоналари ҳақида биз юқорида айтиб ўтдик.

1272 йили Эроннинг мўғул ҳукмдори Хулағухон Турон за — минга бостириб кирди. Кеш ва Нахшабни талон — торож қилиб, 1273 йилнинг январида Бухорони қамал қилди. Шаҳар ишғол қилинган, қирғин ва талончилик бошланиб (22 январда), бунинг оқибатида «Маъсудия» ва «Хания» мадрасалари ва улардаги йирик кутубхоналар ёниб кетди. «Маъсудия» мадрасасининг биноси ва кутубхонанинг китоб захираси Бухоронинг ўша дав — рдаги ҳокими савдогар Маъсудбек томонидан ташкил қилинган эди. У киши воҳанинг фаровонлиги учун кўп ишларни амалга оширганди<sup>1</sup>.

XV асрнинг биринчи чорагида Мирзо Улуғбек Са — марқандаги Регистон майдонида жуда гўзал меъморчилик обидаси — ўз кутубхонасига эга бўлган мадраса биносини барпо этди. Мазкур мадраса кейинги бир аср мобайнида Туронза — миндаги энг йирик мадраса бўлиб қолди. Ўз кутубхонасига эга бўлган мадрасани Улуғбек Бухорода ҳам барпо этди.

XVI асрнинг ўрталарида Самарқанд ва Бухорода бир нечта йирик мадраса ва масжидлар қуриб битказилди ва вақф мулкига берилди. Самарқанддаги тоқига тилла ҳал юргизилган, кўп сонли ҳужралари ва катта кутубхонасига эга бўлган Шайбонийхон мадрасаси, Абдурахим Садр мадрасаси, Мири Араб мадрасаси, Кўкалдош мадрасаси, Бухородаги Абдуллахоннинг иккита катта мадрасаси шулар жумласидан.

XVII асрнинг дастлабки икки ўнйиллигида Самарқандда амир Ялангтўшбий маблағига бирйўла иккита йирик мадраса барпо этилди. Улардан бири — жаҳон меъморчилик санъатининг мумтоз намунаси бўлган Шердор мадрасаси ва иккинчиси — жоме масжиди вазифасини ҳам бажариши лозим бўлган Тил — лақори мадрасаси. Иккала мадрасада ҳам китоб сақлашга мўл — жалланган хоналар ва мутолаа заллари назарда тутилган эди.

Аштархоний Имомқулихоннинг нуфузли аёнларидан бири бўлган Нодир девонбеги томонидан XVII асрнинг 30 — йилларида Бухорода шаҳар масжиди ва мадрасаси барпо этилди. У шу — нингдек Самарқанд яқинида Хўжа Аҳрор Вали мақбараси яқинида қурилган мадрасани ҳам маблағ билан таъминлади. XVII асрнинг иккинчи ярмида аштархоний Абдулазизхон Бухорода Улуғбек мадрасасининг рўпарасида кутубхонаси бўлган жуда гўзал бир мадраса биносини бунёд этди.

<sup>1</sup> Қаранг: История Узбекской ССР. Т. 1. Т.: Фан, 1967. — С. 431; яна қаралсин: Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга 2. Душанбе, Ирфон, 1989. — С. 188-193.

XVII аср охирида аштархонийлар сулоласининг вакили Субҳонқулихон даврида Бухорода яна бир йирик вақф оммавий кутубхонаси очилган. Бу ҳақда проф. А.А. Семёнов хабар бериб, кутубхонанинг умри, уни таъсис этган шахслар ҳақида манба — ларда ҳеч қандай маълумот йўқлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

1616 йили «Шажараи турк ва мўғул» номли машҳур тарихий асар муаллифи Абулғозихоннинг отаси Араб Муҳаммад Хивада унинг исми билан номланган йирик бир мадраса барпо этди. Орадан юз йил ўтгач, Шерғозихон ҳам ўз исми билан номланган катта икки қаватли гиштин мадраса қурдирди. Иккала мадараса ҳам вақф мулкига мансуб бўлиб, хонлик газнасида ажратила — диган маблағлар ҳисобидан таъминланар эди.

Ҳисордаги мадрасалар қошида ҳам анча йирик кутубхоналар фаолият кўрсатарди. Уша давр тарихчилари берган маълумот — ларга қараганда, Бухоро амирининг тоғаси Содиқ тўра энг йирик кутубхоналарнинг жамғармаларини тўлдириш билан шугулланган. Бухоро китоб бозорларидан у кутубхоналар учун бир неча марта жуда кўп ноёб ва қиммат китобларни сотиб олган. Китоб бозорига мана шундай сафарларидан бирида у кутубхоналар жамғармаларини тўлдириш учун харид қилинган китобларга жами 75000 танга пул сарфлаган. Ҳисор мадрасала — ридаги кутубхоналар жамғармаларининг катта қисми ўтган аср — нинг 30—йилларида Бухоро Марказий кутубхонаси (ҳозирги Бухоро вилоят кутубхонаси)нинг жамғармасини тўлдирди.

1902 йилда Туронзаминнинг бир неча шаҳарларига сафар қилган академик В.В. Бартольд Қўқон мадрасаларидаги китоблар ҳақида шундай деб ёзган эди: «Шаҳарда топиш мумкин бўлган озми — кўпми ноёб китоблар ва қўлёзмаларни менга Мадахон мадрасида тўплаб бердилар»<sup>2</sup>. У Санкт — Петербургдаги Осиё музейи учун сотиб олиш мақсадида тақдим этилган қўлёзмалар ва китобларни диққат билан кўриб чиққан, аммо уларнинг нархи жуда баянлиги учун мазкур китобларни харид қила олмаган.

Қўқонда Курхон масжидининг кутубхонасида жуда ноёб қўлёзмалар тўплами сақланган. Мазкур тўплам Жучи улусининг ички тузилиши, унда ва Бухоро хонлигида ўзбек қабиаларининг жойлашиши, Нақшбандия тариқати арбоблари, Хўжа Аҳрор Вали ворисларининг ҳаёти ва фаолиятига доир асарларни ўз ичига олган. Китоблардан бирида XVI асрнинг бошидан XVII асрнинг иккинчи ярмигача бўлган тарихий давр тавсифи келтирилган.

<sup>1</sup> Семёнов А.А. Среднеазиатские рукописные фонды и важность их изучения // Материалы I Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте. Т.: 1958. — С. 913.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Отчёт о командировке в Туркестан // Записки Восточного отделения русского археологического общества (ЗВОРАО). Т. XV. СПб., 1904. — с. 174.

Мазкур китоб «суфизмнинг ушбу даврдаги тарихинигина эмас, балки Мовароуннаҳрнинг Шайбонийлар ҳамда илк Аштархо — нийлар давридаги сиёсий тарихини ҳам ўрганиш учун манба бўлиб хизмат қилиши мумкин»<sup>1</sup>.

Туронзамин ҳудуди чор Россияси мустамлакаси остида бўлган даврда рус олимлари бу ердан жуда кўп китоблар ва қўлёзма асарлар харид қилгани мадрасаларнинг кутубхоналарида ноёб Шарқ қўлёзмалари бисёр бўлганлигидан далолат беради. Масалан, 1915 йилда Туронзаминга келган шарқшунос В.А. Иванов Бухоро мадрасаларининг вақф кутубхоналаридан араб, форс ва туркий тиллардаги жуда кўп Шарқ қўлёзмаларини сотиб олган. Мазкур харидлар 1057 қўлёзмадан иборат «Бухоро кол — лекцияси»ни ташкил этган. Бу XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг бошларида Туронзаминдан Россияга ва бошқа мамла — катларга олиб кетилган кўплаб қўлёзма китобларнинг энг ноёб тўпламларидан бири эди. Мазкур тўпламнинг аксар қисмини араб тилидаги китоблар ташкил этади. Уммавийлар ва Аббо — сийлар сулолаларининг муаллифи номаълум тарихи, араб шоири Зу — р — Руманинг шеърлар девони, Замахшарийнинг Қуръони каримга ёзган тафсири, ал — Ғазалийнинг «Файласуфларни рад этиш» ва «Диний фанларнинг жонланиши» асарлари, ас — Самарқандийнинг мантиқ илмига оид жуда кам учрайдиган асари шулар жумласидан. Бошқа ноёб асарлар орасида шайх Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасидан олинган ибн Мискавайх қаламига мансуб жаҳон тарихи («Тажориб ул — улум»)нинг бе — шинчи жилдини, Ибн ал — Ҳайсамнинг XIV асрга мансуб бўлган «Геометрия китоби» асарининг ноёб қўлёзмасини, Ибн ан — Нафис (вафоти 1288 йил) томонидан бажарилган тиббиёт мав — зусидаги «Мухтасари Қонун» асари — Ибн Синовнинг «Ал — қонун ал — фит — тиб» («Тиб қонунлари») асарининг қисқартмасини, шайх Хожа Муҳаммад Порсонинг қатор асар — ларини қайд этиш мумкин. Юқорида зикр этилган коллекцияда назм ва насрда битилган асарлар ҳам бисёр эди. Мазкур кол — лекциянинг сифат таркибини таҳлидан ўтказар экан, шарқшунос В.И. Беляев шундай деб қайд этади: коллекция ки — товлари «бир неча аср мобайнида бутун Ўрта Осиёнинг маркази бўлиб келган Бухоро маданияти ҳақида ёрқин тасаввур беради. Тўплам фанларнинг анъанавий доираси... ҳамда бир неча асрлар мобайнида яратилган сон — саноксиз илмий ва бадий адабиётлар

<sup>1</sup> Валидов А.З. Восточные рукописи в Ферганской области // ЗВОРАО. Т. XXII. СПб., 1915. — С. 308.

ҳақида ҳукм чиқариш имконини беради»<sup>1</sup>. Аксарият китобларга босилган ромбсимон муҳр — шайх Хожа Муҳаммад Порсо номи кўрсатилган тасарруф белгиси (экслибрис)га қараганда, коллек — циядаги китобларнинг кўпчилиги мана шу зотнинг кутубхона — сидан олинган.

XIX асрнинг ўрталарида Тошкентда яшайдиган 50 минг аҳолига 300 масжид, 50 дан ортиқ мадраса тўғри келган<sup>2</sup>. Тах — минан мана шундай нисбат Самарқандда ҳам кузатилган<sup>3</sup>. Бу — хорода яшайдиган 70 минг аҳолига<sup>4</sup> 200 тага яқин мадраса<sup>5</sup>, 300 дан ортиқ масжид, 38 та карвонсарой, тўққизта тимли бозор, 16 та ҳаммом, шаҳар ичида 45 та ва унинг атрофида 22 та бозор тўғри келган<sup>6</sup>. Қўқонда худди шу даврда 30 минг аҳоли яшаган, 9 карвонсарой, 6 ҳаммом<sup>7</sup>, 36 тадан ортиқ мадраса<sup>8</sup>, юзга яқин масжид фаолият кўрсатган. Хивада XIX асрнинг 40 — йилларида жами 22 та мадраса бўлган, умуман Хоразмда 50 дан ортиқ мадраса<sup>9</sup> ва 100 дан ортиқ масжид фаолият кўрсатган. Андижонда 42 та мадраса бўлган<sup>10</sup>. Юқорида зикр этилган мадраса ва мас — жидларнинг барчаси катта — кичик кутубхоналарга эга бўлган. Мазкур кутубхоналарда қўлёзма китобларнинг катта ё кичик жамғармалари тўпланган. Масжидлар қошидаги мактабларни, мадрасаи олия, ўрта ва қуйи мадрасаларни ҳар йили минглаб талабалар — потенциал китобхоналар ва китобсеварлар тамом — лаган. Бу Туронзамин халқи саводхонлик анъаналари қадимий ва илк ўрта асрлардан давом этиб келажак эди.

#### 4-§. Китоб мухлислари ва шахсий кутубхоналар

Туронзаминдаги мустақил давлатларда IX асрдан бошлаб хунарманчидлик ишлаб чиқариши ва деҳқончиликнинг ривож — ланиши, савдо капиталининг ўсиши, қадимият ва илк ўрта аср — ларда тўпланган ижодий салоҳият ҳамда ўзига хос маданият

<sup>1</sup> Беляев В.И. Арабские рукописи Бухарской коллекции Азиатского музея Института востоковедения АН СССР // Труды ИВ АН СССР. Т. II. Л., 1952. — С. VIII.

<sup>2</sup> История Узбекской ССР. Т. 1. Т.: 1967. — С. 627.

<sup>3</sup> Ўша жойда. — 626 — бет.

<sup>4</sup> Ўша жойда. — 625 — бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Абд-ур-Рауф. Рассказы индийского путешественника (Бухара, как она есть). Перевод с персидского А.Н. Кондратьева. Самарканд. 1913. — С. 27.

<sup>6</sup> История Узбекской ССР. Т. 1. Т.: 1967. — С. 626.

<sup>7</sup> Ўша жойда. — 627 — бет.

<sup>8</sup> Кормилищын А.Н. Рукописные коллекции и библиотеки на территории Узбекистана эпохи средневековья. Т.: 1993. — С. 39.

<sup>9</sup> Ўша жойда. — 38 — бет.

<sup>10</sup> Ўша жойда.

анъаналари адабиёт, фан, санъат, халқларнинг моддий ва маънавий маданиятини тиклаш ва асрлар мобайнида ривожлан — тириш учун зарур шарт — шароит яратди. Шаҳарларнинг ўсиши ва шаҳар ҳаётининг жонланиши, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг маълум табақалари орасида саводхонликнинг тарқалиши юқорида зикр этилган жараёнларга туртки берган муҳим омиллардан бири бўлди. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, Туронзаминда ҳар бир масжидда, ҳар бир маҳаллада домла ёки отиннинг уйида бошланғич мактаб фаолият кўрсатар эди. Махсус таълим муассасаси — мадраса мусулмон маданий дунёсида биринчи бўлиб айнан Туронзамин шаҳарларида вужудга келди ва орадан юз йил ўтгач, бошқа мусулмон мамлакатларига тарқалди. Ҳақиқатдаги урбанизация жараёнларининг суръати қай даражада юқори бўлганлигидан проф. С.П. Толстов томонидан келтирилган қуйидаги маълумотлар далolat беради: агар Х асрнинг бошида Хоразмда 12 та шаҳар маълум бўлса, мазкур аср охирига келиб уларнинг сони 40 га етган<sup>1</sup>. Бухоро, Хива, Самарқанд, Гурганж, Термиз, Марв, Ҳирот, Балх, Кеш, Хўжа, Шош (Тошкент), Хўқанд (Қўқон), Андижон, Марғилон ва бошқа ўнлаб шаҳарлар бир неча асрлар давомида дам равнақ топиб, дам инқирозга учраб, сўнг яна илмий ва бадий тафаккур ҳамда интеллектуал ҳаёт марказлари сифатида ном чиқариб келди. Шаҳарларда ўнлаб мадрасалар ва мактаблар, хонақола ва шифоналар, кутубхоналар, бозорлар, саҳҳофлар (муқовасозлар) ва китобфурушларнинг дўконлари фаолият кўрсатар, улар олимлар ва адабиётчилар, шоирлар ва моҳир ҳаттотлар, табиблар, ҳунармандлар ва оддий халқнинг саводхон ва ўқимяшли вакиллари ўзида жамлаган эди.

Араб, форс ва туркий тилларда ижод қилган юзлаб олимлар, шоирлар, файласуфлар, тилшунослар, тарихчилар, тиббиётчилар, бадий ижод билимдонлари ва мухлислари ҳамда китобсеварларнинг илмий ва бадий даҳоси ва кўникмалари айнан Туронзамин шаҳарларининг юксак тафаккур ва маданий муҳити шароитларида шаклланди. Туронзаминда яшайдиган барча халқлар ва элатларнинг, тарихан шаклланган барча маданий вилоятларнинг вакиллари жаҳон фан ва адабиёти хазинасига ўзининг бетакрор ҳиссасини қўшди. Фан тарихчиси академик П.Г. Булгаковнинг таъбири билан айтганда, «...фаолияти табиатшунослик ва ижтимоий фанларда чуқур из қолдирган Ўрта Осиё олимларининг номлари рўйхати жуда узун... Мазкур олимлар фаолиятининг қамрови Ўрта Осиё доирасидан анча четга чиқади. Фан олдидаги шахсий хизматлари нисбатан катта бўлмаган, аммо

<sup>1</sup> Толстов С.П. Бируни и его время // Бируни. М.-Л., 1950. — С. 10.

биргаликда илм—фанни тараққиёт йўлидан ҳаракатлантирган улкан кучни ҳосил қилувчи Ўрта Осиё олимлари номларининг рўйхати бир неча саҳифани банд этган бўлур эди»<sup>1</sup>.

Ақлий меҳнат аҳлининг ҳар бир вакили ўз шахсий кутубхо — насага, ўзи танлаган илмий, ижодий меҳнат соҳасига оид маълум китоблар жамғармасига эга эди. Олимларнинг шахсий кутубхо — наларида юзлаб китоблар жамланган, уларнинг ўзлари ҳам ўнлаб асарлар муаллифи эди. Кутубхоначилик иши тарихи илк мумтоз даври (IX—XIII асрлар) Муҳаммад Мусо ал—Хоразмий, Абу Аббос Аҳмад ал—Фарғоний, Ҳақим Термизий, Сугоний Устур—лобий, Қамарий, Адиб Аҳмад Югнакий, Абу Наср ибн Аъроқ, ал—Хоразмий ал—Косий, имом ал—Бухорий, Муҳаммад ат—Термизий, Абу Наср Форобий, Рудакий, Дақиқий, Абулқосим Фирдавсий, Ибн Қутайба, Муҳаммад Балхий, Абу Бакр Нарша—хий, Абу Бакр ар—Розий, Каффол Шоший, Абу Мансур ал—Мотурудий, Абу Бакр ал—Хоразмий, Ибн Ироқ, Абул Фазл Байҳақий, ас—Саолибий, Абу Саҳл ал—Масиҳий, Ибн ал—Ҳаммар, Баламий, Мадаийний, Белозурий, Ибн Мискавайх, Абу Абдуллоҳ ал—Хоразмий, Аҳмад Унсурий, Абу Наср Утбий, Абу Саид Гардуний, Муҳаммад Аднан, ал—Қумрий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Носир Ҳусрав, Умар Ҳайём, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошгарий, Жаъфар Марвазий, ал—Бузжоний, ал—Хидр ал—Хўжандий, Илоқий, Абул Ҳасан ал—Байҳақий, ас—Сарахсий, Ҳақим Тер—мизий, Абул Ҳақим ал—Косий, Юсуф Ҳамадоний, Адиб Собир Термизий, Низомий Арузий Самарқандий, имом ибн Умар Розий, Хожа Абдулолиқ Гиждувоний, Хожа Аҳмад Ясавий, Ҳақим Аз—роқий, Ҳасан ал—Марвазий, Исмоил Журжоний, Аҳмад ал—Ҳусайн Журжоний, ас—Самаъний, Муҳаммад Авфий, Низом ул—Мулк, Маҳмуд аз—Замаҳшарий, Юсуф Саккокий, Маҳмуд Чагминий, Ибн Ашраф Самарқандий, Бурҳониддин ал—Маргиноний, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, ал—Жайхуний, Ибн Баҳром Калонасий, Абдулжаббор ал—Отбий, Шамсиддин Самарқандий, Нажибуддин Самарқандий, Алоул Бухорий сингари фан арбоблари, бадий адабиёт ва санъат ус—талари ўзларини қизиқтирган фан соҳаларига оид юзлаб китобларни ўзида жамлаган шахсий кутубхоналарга эга бўлганлари шубҳасиз.

Кутубхоначилик иши тарихининг мумтоз даври (XIV—XVII асрлар)да Соҳибқирон Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Бойсунқур Мирзо, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Баҳовуддин Нақшбанд, Мисайид Шариф, Аваз Кирмоний, Ибн Арабшоҳ, Тафтазоний,

<sup>1</sup> Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. Т.: Фан, 1972. — С. 10, 12.

Шариф Журжоний, Қозизода Румий, Гиёсиддин ал-Қоший, Али Қушчи, шайх Хожа Муҳаммад Порсо, Ҳофизи Абруй, Яъқуб Чархий, Саккокий, Лутфий, Хожа Ахрори Вали, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Қосими Анвар, Давлатшоҳ Самарқандий, Камол Хўжандий, Султон Али Машҳадий, Камолиддин Беҳзод, Жалолиддин Давоний, Ҳусайн Хоразмий, Ҳусайн Воиз Копшифий, Фасих Ҳавофий, Жаъфар ибн Ҳусайн Термизий, Низомиддин Шомий, Фаҳриддин Хўжандий, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Заҳириддин Муҳаммад Бобир, Султонали табиб Хуросоний, Муҳаммад ибн Юсуф табиб, Убайдулло ибн Муҳаммад Юсуф Қаҳҳор, Муҳаммад Исфизарий, Зайниддин Восифий, Маҳмуд ибн Вали, Камолиддин Биноий, Бадриддин Ҳилолий, Шайбонийхон, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлой, Муҳаммад Солиҳ, Саййид Подшоҳўжа, Абдурахмон Мушфикий, Рўзбехон Исфаконий, Ҳофиз Таниш Бухорий ҳам ўз шахсий кутубхонасига эга бўлган.

Кутубхоначилик иши тарихининг кечки мумтоз даврида, яъни XVII аср — XIX асрнинг биринчи ярмида, шунингдек Туркистон мустамлака остида бўлган даврда, Туркистон Автоном Республикаси даврида ҳамда собиқ Иттифоқ таркибидаги Ўзбекистон Республикасининг дастлабки йилларида Юсуф Қорабоғий, Муҳаммад Шариф Бухорий, Субҳонқулихон, Муҳаммад Юсуф Мунший, Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёр, Охунд Муҳаммад Шариф, шайх Ҳабибулло, Махтумқули, Андалиб, Молла Непес, Фитрат Зардуз Самарқандий, Саййид Насифий, Муҳаммад Амин Ярақчи, Муҳаммад Бади Самарқандий, Муҳаммад Амин Бухорий, Увайсий, Нодира, Маҳмур, Гулханий, Мирзо Абдуқодир Бедил, Абдурахмон Тали, Муҳаммад Вафойий, Карминегӣ, Мирзо Содик мунший, Исломшоҳ Ҳозик, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Комил Хоразмий, Аҳмад Дониш, Ажиниёз, Бердақ, Муҳаммад Раҳим II — Феруз, Муқимий, Фурқат сингари фан ва маданият арбобларининг ҳам Шарқ қўлёзма китобларини ўзида жамлаган шахсий кутубхоналари бор эди.

Туронзамин жамиятида янги араб тили, форсийгўй ва туркийгўй китоблардан иборат шахсий кутубхоналар тўплашга бўлган қизиқиш, китобсеварлик майллари VIII асрнинг охири — IX асрнинг бошларидан аҳолининг маълум қатламлари орасида саводхонлик кенг ёйилиши, қўлёзма китоблар ишлаб чиқариш, халқаро китоб алмашувининг кенгайиши муносабати билан юзага кела бошлади. Шаҳар маданиятининг ўсиши, уларда дунёвий ва илоҳий олимларининг, шоирлар, адиблар, китоб ус-талари, зиёли ҳунар аҳлининг тўпланиши китобга ва уни ишлаб чиқаришга бўлган доимий ва собит талабни шакллантирди. Агар

шаҳарлик ҳар бир саводли ҳунарманд, бирор бир диний таъли — мот мухлиси, шеърят ихлосманди, илм толиби, илоҳиётчи, масжид имом хагиби, табиб ёки доришунос, олим ёки мударрис ва ҳоказолар қўлида вақт ўтиши билан кўп бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда муайян китоблар жамланиб қоларди, десак, муболага бўл — майди. Бу каби фикрни мўғул истилосидан олдинги маданий юксалиш даврига, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари даврларига бирдек таалуқли деб айтишимиз мумкин. Туронзамин маданияти, фани ва ада — биётининг юзлаб намояндаларининг шахсий қўлёзма мажмуа — лари тарихи эса ҳали жиддий ўрганилган эмас.

Жамиятнинг турли қатламларидан чиққан одамларнинг китобга қизиқиши авваламбор уларнинг дидлари, ҳавас — интилишлари, дунёқарашлари, олган тарбиялари билан боғлиқ бўлган. Шу маънода Ибн Синонинг ўрта асрларда Турон шаҳар ўртаҳол қатлами вакилларида айримларининг китобга муноса — батини кўрсатувчи қуйидаги гувоҳлиги жуда ибратлидир: «Абул Ҳусайн Арузий деган бир киши мен билан қўшни эди, — деб ёзади Ибн Сино. — У мендан умумий масалаларга оид бир китоб ёзиб беришимни илтимос қилди. Мен унинг илтимосини бажа — риб, «Ал — мажму» — «Тўплам» номи китоб ёзиб, унда математикадан ташқари барча фанлар ҳақида маълумот бердим. Менинг бошқа бир қўшним хоразмликлардан эди. Тафсир, узлат (таркидунёчилик), ақлий мушоҳада билан боғлиқ илмларга мойил киши эди. У мендан фалсафа муаммоларига доир шарҳлар китобини ёзиб беришимни сўради. Унинг учун «Ал — ҳосил вал — маҳсул» номи йигирма жиқдди китоб ёзиб бердим. Яна шу Абу Бакр Барракий учун ахлоқ бўйича «Ал — Бирр вал — Исм» — «Хайрли иш ва гуноҳ» номи китоб ёздим. Бу китоблар шу кишининг ўзидан бошқа ҳеч кимда йўқ. Уларни бирор кимсага бериб ҳам турмадики, нусхалари кўчириб олинса»<sup>1</sup>.

Туронзамин китобат маданияти тарихига оид Ибн Синонинг бу каби ҳикматли маълумотлари вақт эътибори билан X асрга оид. Лекин манбаларда жамиятнинг турли — туман қатламлари вакиллари китоб йиғиш, китоб ихлосмандлиги, китобга қизиқиш, китобий билимларга интилишнинг тарихий ворисий —

<sup>1</sup> Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1976. — С. 279. Ибн Синонинг у ҳали Бухорода яшаган даврида ёзилган «Ал — мажму» китобининг тақдири ажойиб. Ун аср даво — мида манбалар у ҳақда сукут сақлади. 1960 йиллардагина бу китоб Миср китоб хазиналаридан бирида эканлиги маълум бўлди. 1969 йили араб олими Муҳаммад Салим бу асарни «Китоб ал — мажму авал ҳикмат ал — Арудия фи маани китоб аш — шеър» («Арузийнинг поэтика мазмунига доир ҳикматлар йиғиндиси китоби») номи остида нашр этди.

лиги тўғрисида кейинги минг йил юзасидан тасдиқловчи маълумотлар узлуксиз учраб туради. Тарихий воқеанавислик (хроника) асарлари, хотираномалар (мемуарлар), тарихнавислик, табиий — илмий асарларнинг манбашунослик бўлимлари, ижтимоий (гуманитар) асарлар туркумлари, қомуслар, библиографик асарлар, қўлёзмаларда учрайдиган ҳошиялардаги ёзув ва белгилар, тасарруф (эгаллик) белгилари, экслибрислар ва, албатта, зикр этилаётган кишиларнинг шахсий кутубхоналари ҳақида бевосита хабарлар берувчи тазкиралар китоб ўқувчилари, китобат иши ва адабий ижод ҳомийлари, ҳаттотлар, саҳҳофлар, мунаввирлар, оддий ҳунармандлар, олимлар ва шоирлар — китобтўшамлари эгалари — ҳақида жуда бой ва ранг — баранг маълумотлар беради.

Туронзаминда шахсий кутубхоналар ҳақида манбалар тасдиқлаган баъзи маълумотларга ўтамиз. Йирик арбоб Шаҳобиддин Хивакӣй (1220 йилда вафот этган) Урганчининг шафеъийлар масжиди учун кутубхона тузиб берган. «Унга тенги на аввал ва на кейин бўлган эмас»<sup>1</sup>.

XIII асрнинг сўнгги чорагида Марвада яшаган табиб Фазлуллоҳ Рашидиддин (1247—1318) ихтиёрида йирик шахсий кутубхона тўшланди. Хулагулар сулоласи (Чингизхон авлодларидан) вазири мавқеини эгаллаган Рашидиддин кўплаб қимматбаҳо тарихий, тарихий — жуғрофий, табиий — илмий, тиббий асарларни тўшлашга эришолди. Бу адабиёт халқларимиз тарихининг ажойиб ёдномаси «Жомеъ ат — таворих» — «Йилномалар мажмуи» номли асарни ёзиш имконини берди. Рашидиддин кутубхонаси қошида китоб устахонаси ишлаб турган. Унда ҳаттотлар, лаввоҳлар, муқовасозлар меҳнат қилиб, кўп китоблар, жумладан, Рашидиддиннинг асарларини ҳам нусхалаб кўпайтиришган. Олим вафотидан кейин кутубхона пароканда бўлиб кетган.

Улуғбекнинг замондоши Қозизода Румий, юқоридан номли зикр этилган шайх Хожа Муҳаммад Порсо, шайхулислом Исо — миддин бинни Абдулмалик кабиларнинг шахсий кутубхоналари бўлган<sup>2</sup>. Китобий билимлардан ҳафсаласи пир бўлган Абу Саид Убеҳий ўз китобларини мадраса талабаларига эҳсон қилган<sup>3</sup>. Умри давомида Алишер Навоий қимматбаҳо қўлёзмаларга бой йирик кутубхона ташкил қилган<sup>4</sup>. Абдурахмон Жомий шахсий кутубхонаси Ҳиротда машҳур бўлган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. — Соч. Т.2. Ч. 1. — С. 233.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Улугбек и его время. — Соч. Т. 2. Ч. 2. — С. 122.

<sup>3</sup> Кўрсатилган асар, 126 — 127 — бетлар.

<sup>4</sup> Қаранг: Якубовский А.Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои. — Алишер Навои. Сборник статей. М.-Л., изд-во АН СССР. 1946. — С. 28-29.

<sup>5</sup> Уша жойда.

Алишер Навоий кутубхонасида маълум вақт машҳур мусав – вир Хўжа Муҳаммад ишлаган. У кашф этган соат кутубхонанинг мутлаа залида ўрнатилган. Кутубхонадан кенг китобхонлар оммаси фойдаланиш имкониятига эга бўлган. Машҳур олим Мирхонд (вафоти 1498 йил), унинг набираси Хондамир (вафоти 1535 йил), бошқа кўпгина тарихчи ва адабиётчилар ўз тарихий асарларини яратишда мазкур кутубхонада жамланган тарихий манбалар ва ўтмиш муаррихларининг асарларидан фойдаланганлар.

XIX аср шахсий кутубхоналари ҳақида А.А. Семёнов ёзади: «Қўлёзмаларни йиғувчилар ва харид қилувчилар энг аввало маҳаллий ихлосмаңдлар – руҳонийлар, маъмурият ходимлари, савдогарлар, баъзан сайёҳ шарқшунос олимлар, у ёки бу чет эл китоб коллекциячисининг гумашта – агенти кабилар бўлишарди... Шахсий кутубхоналарнинг тақдири умуман ачинарли. Китоб ихлосмаңди ўлса, унинг мулки шариатта мувофиқ унинг во – рислари ўртасида тақсимланарди. Бу ҳолда кўп жиддик китоб – нинг бутунлиги ҳеч кимни қайғуртирмасди. Бир китобнинг жиддлари ҳар хил кишиларга тегиши мумкин эди. Мероснинг қисмлари сотиш учун бозорга чиқариларди. Китоб савдогарлари уларни сотишар, бозор касод бўлса арзимас нархларда муқовасозларга муқова қилиш учун пулалашарди. Шундай бир мисол бор. Ўрта асрларнинг Ибн Мискавайх қаламига мансуб XII асрда бир ҳаттот қўли билан, бир хил ўлчамда кесилган қоғозга кўчирилган кўп томлик жаҳон тарихига оид асар – «Тажориб ул – Уммом» («Халқларнинг – омманинг – синовлари») китоби шу даражада пароканда бўлганки, унинг III ва VI жиддлари бу – гунги кунда Тошкентда, V жидди эса Қозон шаҳрида сақланмоқда. Қолган I – II жиддлари ҳануз топилган эмас»<sup>1</sup>.

Ибн Мискавайхнинг топилган китобларининг ҳар бирига шайх Хожа Муҳаммад Порсонинг номи зикр этилган ромбсимон муҳр – тасарруф белгиси (экслибрис) қўйилган. Қозон кутуб – хонасидаги нусхасида эса тарихчи Йақутнинг шахсий қайди мавжуд.

1913 – 1914 йилларда «маҳаллий қўлёзма мажмуалари ҳақида маълумотлар» йиғиш мақсади билан икки марта Туркистонда бўлган профессор А.З. Валидов XX асрнинг бошларида Жанубий Ўзбекистон (ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари), Фарғона водийси, Тошкент, Бухоро кабиларда хусусий кутубхо –

<sup>1</sup> Семёнов А.А. Среднеазиатские рукописные фонды и важность их изучения // Материалы I Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте. Т.: 1958. – С. 914.

налар бўлганлиги ҳақида хабар беради<sup>1</sup>. У ўзининг Фарғона воқидисига биринчи саёҳати ҳақида ёзган ҳисоботида қўқонлик Юнусжон Дадамұхамедов, Андижонда Отабек, Ўшда Қудратулла Тоирбоев ва Фозилбекнинг, Наманган, Марғилонда яна бир неча кишининг хусусий китоб мажмуалари бўлганлиги ҳақида маълумот беради. А.З. Валидов Наманганда Хожа Эшон Лолареш кутубхонасида туркий адабиётнинг буюк ёдгорлиги Юсуф Боласоғунийнинг «Қутадғу билиг» асарининг ноёб нусхасини топган<sup>2</sup> (бу асар 1069 йили ёзиб тугатилган). А.З. Валидов ўзининг иккинчи саёҳатида Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор, Бойсун, Девон, Сарисийё, Қоратоғ каби жойларда бўлиб, бу ҳақда ҳисобот ёзган. Унда мулла Хизир Тўқсоба, Ғузордаги Бек мадрасаси қошида, мулла Нажмиддин ва Каримбой (Қаршида), Бухорода қозикалонга тегишли ва бошқа ўн тўрт кутубхона ҳақида хабар беради<sup>3</sup>.

Ўша даврда қозикалон Бурҳониддиннинг отаси қозикалон Садриддиндан қолган китоблар тўплами Бухорода машҳур бўлган. Унда асосан тарихий адабиётлар: Чингизхон ва унинг авлодлари тарихи, Шайбонийлар, Аштархонийлар, Манғитлар тарихига оид асарлар жамланган. Бухорода таниқли китоб муҳлиси Муҳаммад Вафо ва машҳур китобфуруш Мирсолиҳ Миркабоев ҳам ноёб қўлёзма асарлардан иборат тўпламларга эга бўлганлар.

Туркистон ўлкасининг юзлаб номаълум қолган кутубхоналари орасида бир хусусий кутубхона ҳақида юқорида қайд этганимиз В.Л. Вяткиннинг В.В. Бартольдга ёзган хатидан бизга маълум. «Мен тасодифан билиб қолдимки, — деб ёзади В.Л. Вяткин, — икки йилча бурун Мирзо Солиҳ кўлаб китоб, шу жумладан Абу Алининг «Қонун»ини ҳам Жўйбор эшонларидан сотиб олган. Ҳақиқатан ҳам Жўйбор шайхлари ҳаёти ҳақидаги менга қарашли қўлёзма — маноқиблардан бирида турли бойликлар қаторида бой кутубхонаси бор шайх ҳақида маълумот учратдим. Агар пул бўлиб қолса, баҳорда Бухорога отланмоқчиман ва Жўйборларни қидириб топмоқчиман. Жўйборларнинг китобхоналиги ҳақида жуда кўп эшитганман»<sup>4</sup>. Вяткиннинг

<sup>1</sup> Валидов А.З. О собраниях рукописей в Бухарском ханстве (Отчет о командировке) // Записки Восточного отделения Русского Археологического общества. Т. XXIII. Петроград, 1916. — С. 245.

<sup>2</sup> Валидов А.З. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного отделения Русского Археологического общества. Т. XXII. Петроград, 1915. — С. 303-320.

<sup>3</sup> Валидов А.З. О собраниях рукописей в Бухарском ханстве (Отчет о командировке) // Записки Восточного отделения Русского Археологического общества. Т. XXIII. Петроград, 1916. — С. 245-262.

<sup>4</sup> Қаранг: Луин Б.В. Средняя Азия в русском и советском востоковедении. Т.: Фан, 1965. — С. 179.

бу мактубида, афтидан, яна бир оилавий мерос кутубхона ҳақида гап боради. Бу кутубхона ҳам, албатта, ўнлаб, балки юзлаб йиллар давомида ривожланиб, бойиб келган.

XX аср бошида генерал – майор Жўрабек ўзининг қимматбаҳо китоблари билан маълум эди. 1902 йили В.В. Бар – тольд унинг кутубхонаси билан танишган. Жўрабекнинг китоб мажмуаси таркибига ўша вақтда олтмиш китоб кирарди. 1906 йилда Жўрабек ўлдирилгач, кутубхонасининг ярми ўғирланган. 1918 йили қолган китоблари Туркистон Шарқ институти ихтиё – рига, кейинроқ эса Тошкент Давлат университетининг асосий кутубхонасига келиб тушди. Бу мажмуанинг 23 китоби ҳақида А.А. Семёновнинг тавсифидан бизга маълум<sup>1</sup>. Жўрабекнинг китобларидан бизгача етиб келганлари орасида «Ахлоқи муҳси – ний», «Калила ва Димна»нинг форсча талқини (Воиз Кошифий XV асрда ёзган), Жомийнинг «Хафт авранг» («Етти юдуз») дostonлари, Навоийнинг «Хамса»си, Наршахийнинг «Тарихи Бухоро»си, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш – шуаро»си, Шоҳрудийнинг «Ўтмиш файласуфлар тарихи», Ша – рафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний»и ва бошқа қимматбаҳо китоблар бор эди.

Шаҳрисабзда Малики Ажар мадрасасининг мударриси мулла Муҳаммад Ражабнинг, шунингдек Аброр Ҳожи Хатабий ва Ка – молбей Безознинг кутубхоналари машҳур бўлган. Катта китоб мухлиси, турли – туман ноёб қўлёзмалар тўпламларининг эгаси Қушбеги Остонақулнинг ҳам Ҳисор шаҳрида йирик кутубхонаси бор эди. Унинг кутубхонасидан ҳаттоки қадимги дунё тарихига оид юнон тилида битилган ўрам шаклидаги китоблар ҳам то – пилди. Остонақулнинг вафотидан сўнг мазкур ноёб китоблар тўплами Бухоро амирининг сарой кутубхонасидан ўрин олди<sup>2</sup>.

Қаршилик мулла Нажмиддин ҳам ноёб китобларга бой ку – тубхонага эга эди. Кутубхона жамғармасида Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг замондоши – ҳиротлик Воиз Кошифий асарларининг деярли тўлиқ тўплами, Лутфий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий сингари буюк шоирларнинг шеърӣ тўп – ламлари, илми нужум, фикҳ, илоҳиёт фанларига оид араб ва форс тилларидаги XII – XV аср қўлёзмалари сақланарди.

1898 йили рус маъмурияти томонидан Андижон қўзғолонининг ташкилотчиси «Дукчи Эшон» номи билан машҳур

<sup>1</sup> Семёнов А.А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей фундаментальной библиотеки Среднеазиатского государственного университета. Труды САГУ. Серия II. Вып. 4. Ташкент, 1935. – С. 88.

<sup>2</sup> Валидов А.З. О собраниях рукописей в Бухарском ханстве. – С. 262.

Муҳаммад Али Собировнинг хусусий кутубхонаси «Туркистон археология ишқибозлари тўғараги» фондининг фойдасига му – судара қилинди. Кутубхона таркибига, Н.С. Лыкошиннинг ёзи – шича, 194 қўлёзма кирган. Улар дунёвий ва диний мазмунлардаги арабча, форсча, туркий тили китоблар эди<sup>1</sup>. Бир йил ўтгач, эшон кутубхонаси китоблари Туркистон халқ кутубхонасига топширилди. Яна уч йилдан кейин бу китобларнинг асосан ило – ҳиятга оидларидан 20 таси Россия археология жамияти ихтиё – рига Петербурга жўнатиля<sup>2</sup>. 1924 йили В.В. Бартольд Мадали эшон (Дукчи эшон) Собировнинг кутубхонаси қўлёзмаларини ўрганиб чиқиб, жами 213 қўлёзма ҳақида тавсифий маълумотлар беради<sup>3</sup>. Демак, мусодара қилинган вақтда Муҳаммад Али (Дукчи эшон) кутубхонасида 230 дан зиёд қўлёзма бўлган экан.

Марғилонда Иброҳимхўжа Муҳаммадхўжаевнинг кутубхо – наси машқур эди. Унда Хондамирнинг қўлёзма китоблари, Султон Ҳусайн Бойқаро, XV–XVI асрлар бошқа шоирларининг шеърий тўпламлари жамланганди. Мустамлакачилар маъмурияти Фарғона вилоят бошқармасининг тилмочи Ю.К. Казбеков қадимги қўлёзмалар ва ҳужжатларнинг диққатта сазовор кол – лекциясини тўплашга муваффақ бўлди. Академик В.В. Бар – тольдининг қайд этишича, кутубхонада «анча кўп қўлёзмалар жамланган», улар орасида Қўқон хонлиги тарихига оид энг янги (ўша давр учун) тарихий асарлар (1866 йилда ёзилган), Хўжа Аҳрорнинг Абдурахмон Жомий ва Абу Саид рубоийларига ёзган шарҳлари, Жамол Қарши асарлари, Худоёрхон даврига мансуб вақф ҳужжатлари ва бошқа расмий ҳужжатлар жамланган эди<sup>4</sup>.

Матбуотда эълон қилинган материаллардан бизга Тошкен – тадаги бир нечта шахсий кутубхоналар ҳақида маълумотлар етиб келган. XIX аср охирида Туронзамин китоблари ва маданий обидаларининг катта муҳлиси ва йиғувчиси Қадриан қўлёзма китобларнинг ноёб тўпламига эга бўлган. Мусулмон маданий дунёсида маълум барча фанлар ҳақида қисқача маълумотлар жамланган форс тилидаги кўп жилдли қомус – «Матлаъ ул – улум» – «Фанлар манбаи» (XVI аср)ни у мазкур тўпламдаги энг ноёб асар деб ҳисоблаган. Туркистонда эллик йилдан ортиқ яшаган шарқшунос олим Нил Лыкошин Қадрианни юксак ба – ҳолаган ва унга бағишлаб мақола ёзган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Лыкошин Н.С. Библиотека Миань-тюбинского ишана // Русский Туркестан, 1899.

<sup>2</sup> Қаранг: Записки Восточного отделения Русского археологического общества. Т. XV. Петербург, 1903. – С. 22.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. Туркестанская государственная библиотека и местная мусульманская печать // Записки коллегии востоковедов. Т. 1. Ленинград, 1925. – С. 97-99.

<sup>4</sup> Қараят: Бартольд В.В. Отчёт о командировке в Туркестан. – С. 277-278.

<sup>5</sup> Қаранг: Лыкошин Н.С. Энциклопедист // Туркестанские ведомости. 1898. - №96.

Тошкентлик бой Муҳитдин Хўжа ҳам анча катта кутубхонага эга бўлган. У рус тилини яхши билган, кўпгина рус олимлари билан яхши муносабатларда бўлган, бир қатор илмий жамиятлар аъзоси бўлган. Унинг кутубхонасида Шарафиддин Али Яздий — нинг ажойиб миниатюралар билан безатилган «Зафарнома»си, ат—Табарийнинг жаҳон тарихига оид асари, Саъдий Шерозий — нинг назм девони сингари ноёб қўлёзмалар бор эди<sup>1</sup>.

Тошкентлик Боқижонбойнинг шахсий кутубхонасида ҳам муҳим тарихий ва жуғрофий асарлар, бир қатор туркийгўй ва форсийгўй шоирларнинг шеърий тўпламлари бўлган<sup>2</sup>.

### 5-§. Кутубхоналарнинг тузилиши ва уларнинг ишини ташкил этиш

Кутубхоначилик тарихи бўйича бор материаллар, маълумот ва манбалар жамулжами (йигиндиси)га қараб фикр юритила — диган бўлса, умуман мусулмон маданий дунёсидагина эмас, балки унинг ажралмас қисми Туронзамин ўлкасида ҳам кутубхона ишининг ташкилий ва таркибий қонун—қоидалари ҳақида, принцип ва ўзига хосликлари ҳақида хулосалар қилишга тўла асос бор эканлиги шубҳа туғдирмайди. Бир қадар йирик кутуб — хоналар (сарой, мадраса ва масжидлар қошида) китоб сақлаш учун хоналардан ташқари ўртаси гумбазли, нақшин безаклар билан оро берилган бинога ҳам эга бўлган.

Туронзамин меъморчилик ёдгорликларининг тадқиқотчилари академик Г.А. Пугаченкова ва Л.Я. Елькович шундай деб қайд этадилар: «Ноҳарбий меъморчилик обидалари орасида кутубхо — наларнинг бинолари ҳам бўлиб, улар орасида Марв ва Урганч кутубхоналари айниқса машҳур эди. Мазкур кутубхоналар ба — ланд шифтли мутолаа залларидан, китоблар тахлаб қўйиладиган жуда кўп токчалардан ташкил топганди»<sup>3</sup>.

Бундай ўқув залларига гиламлар тўшалган, кўрпача, ёстиқ — болишлар солинган, хонтахта, китоб лавҳлари қўйилган. Уларда эшик (дарча) ва деразалар пардаланган. Кўпинча бу каби зал — ларда турли мажлислар, илмий мусохабалар, мушоиралар, тари — хий — илмий, адабий мунозаралар бўлиб турган. Сон — саноқсиз шахсий китоб мажмуалари, таълим муассасалари, масжидлар, касалхоналар, мақбаралар, хонақолар, обсерваториялар, су —

<sup>1</sup> Қаранг: Туркестанские ведомости. 1902. - №43.

<sup>2</sup> Қаранг: Бартольд В.В. Отчёт о командировке в Туркестанский край летом 1916 г. // Известия Академии наук. Петроград. 1916. — С. 1239-1242.

<sup>3</sup> Пугаченкова Г.А., Елькович Л.Я. Очерки по истории искусства Туркменистана. Аш — хабад, 1965. — С. 49.

фиълар маконлари, ҳатто ҳокимларнинг саройлари қошидаги кутубхоналар оддийгина тоқчаларга, сандиқ ва жавонларга, тахталардан ясалган стеллажларга жойлаштирилган, баъзан биргина ёки бир нечта кичик хоналарни банд этган.

Кутубхоналарда бўйра, гилам, кўрпачаларда чордана қуриб ўтириб шуғулланилар эди. Китоб ўқиш, китобдан фойдаланиш маданияти ҳақида ёзилган кўплаб қўлланма — рисолаларда китобни асло гилам (бўйра) юзига қўйиш мумкин эмас, деб ўқтирилган. Китоб ўқиш учун махсус лавҳдан фойдаланиш буюрилади. Китоб сатрлари устидан сиёҳ юритиш, китоб устида бошқа қоғозга хат ёзиш ман қилинади.

Кутубхона ишининг вақти — соати, куни қисқаси, бирор жадвали ҳақида маълумотлар ранг — баранглиги туфайли бир фикрга келиш қийин. Баъзан кутубхоналар ҳафтада икки кун, баъзан тўрт кун, ҳатто ҳар куни ишлаган. Сарой кутубхоналари кирди қатъий чекланган. Вақф кутубхоналарига кирди эса ҳамма учун баробар, эркин бўлган. Ўқувчилар махсус рўйхат қилинмаса ҳам, ҳар ҳолда, китобни маълум муддатта бериш одати бўлган.

Китобни қайтариб бериш эса китобнинг муқаддаслиги, у учун Худо олдида жавобгарлик, виждон амри, бурч туйғулари асосида амал қилган. Китобни йўқотганлик, уни йиртганлик, ўзлаштириб юборганлик каби масалаларга махсус чора белги — ланганлиги ҳақида бирор маълумот йўқ.

Сарой ва йирик вақф кутубхоналарига замонасининг кенг билимли кишилари — адиблар, тарихнавислар, ҳаттотлар ёки илоҳийётчи олимлар, суфий шайхлар, муҳаддислар китобдор этиб тайинланардилар. Қайд этиб ўтганимиздек, 1011 — 1017 йилларда хоразмшоҳлар кутубхонасига (Маълум ибн Маълум хоразмшоҳ даврида) машҳур олим Ас — Саолибий (салкам 100 илмий асар — нинг муаллифи) бошлиқ бўлиб ишлаган.

Узоқ йиллар давомида ҳаттот Хўжа Носир Ҳусайн Бойқаронинг ўгли Фаридунга тегишли кутубхонада китобдорлик қилган<sup>1</sup>. Шайбонийхон авлоди Абдулазиз (1540 — 1549) кутубхонасининг китобдори машҳур ҳаттот Мираки Мунший эди<sup>2</sup>.

Мадраса кутубхоналарида китобдорлик ишини асосан му — даррис — домлаалар бажарарди. Вақф кутубхонасига бошчилик қилишни одатда вақф мулкани асослаган шахс ўз қўлида тутиши,

<sup>1</sup> Қаранг: Болдырев А.Н. Очерки из жизни гератского общества на рубеже XV-XVII вв. — Труды отделения Востока Государственного Эрмитажа. Т. IV. Л., 1947. С. 324.

<sup>2</sup> Қаранг: Болдырев А.Н. Тезкирэ Хасана Нисари как новый источник для изучения культурной жизни Средней Азии. — Труды отделения Востока Государственного Эрмитажа. Т. III. Л., 1940. С. 298.

авлодларига қолдириши ҳам мумкин бўлган. Шу йўл билан омма учун очиқ мерослик, оилавий (авлодга тегишли), вақф кутубхо — налари шаклланар эди.

Кутубхоналарда гоҳ бир одам, гоҳ икки ва ундан ортиқ одам хизмат кўрсатар эди. Китобдорлик мансаби билан бир қаторда баъзи кутубхоналарда китоб кўчирувчи (котиб) лавозими ҳам кўзда тутилари. Бундан ташқари фаррош лавозимида ҳам одам ишлар, у ҳам китобхон хизматига қарашар эди. Китобдор одатда китоб олди — бердисидан ташқари китобларнинг тартибли сақланиши, кутубхонада жорий тасниф асосида жойлаштириш масалалари бўйича жавобгар бўлган. Муқовалаш, таъмирлаш, китобларни тиклаш, улардан нусхалар кўчириш каби ишларга ҳам китобдорлар қараб турган.

Ҳар бир кутубхона эгасининг номи акс этган ёки вақф аж — раттан шахс номи битилган муҳрга эга бўлишга интилан. Шундай муҳрлар китобнинг биринчи ва сўнги варағига бо — силган. Муҳр билан китоб эгалини таъкидлаш одати Туронза — мин қўлёзма китоблари тарихининг ўрта аср илк мумтоз дав — ридаёқ юзага келган эди.

#### **6-§. Кутубхоналар китоб фонднинг ядроси**

Китоб ва китобат иши ҳақидаги ҳозирги замон фани — китобшуносликда «китоб репертуари» ёки «китоблар репертуа — ри» тушунчаси айни давлат ёки мамлакатлар гуруҳи ҳудудида маълум тарихий даврда яратилган (нашр этилган) ёки муомалада бўлган, яъни мавжуд китоб савдоси ассортименти ва кутубхона жамғармасини ташкил этган китоб нашрлари (ёки қўлёзма ки — тоблар) мажмуини ифодалайди. IX асрдаёқ мусулмон фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссаси билан қудратли интеллектуал салоҳиятга эга бўлган маданий майдон — мусулмон маданий дунёсининг муҳим таркибий қисмига айланган Туронзамин ва унинг халқлари, бошқа халқлар билан бир қаторда, маданият субъектлари ҳамда маънавий қадриятларни яратиш ва улардан фойдаланиш жараёнларининг фаол иштирокчилари сифатида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида муомалада бўлган араб, форс ва туркий тиллардаги китоблар ва асарлар мажмуининг эгалари ва ворисларига айландилар. Ислон цивилизацияси мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган халқаро китоб савдоси Туронзамин китоб репертуарига араб, Сурия, Шимолий Африка, Испания, Эрон, Шимолий Кавказ, ҳинд муаллифларининг араб, форс ва туркий тилларда ёзилган жуда кўп китобларнинг кириб келишига сабаб бўлди.

Туронзаминда турли тарихий даврларда муомалада бўлган қўлёзма китобларнинг мавзу тузилиши, бир томондан, турли ижтимоий гуруҳлар ва табақаларнинг мутолаа билан боғлиқ қизиқишлари ва эҳтиёжларини акс этгирса, иккинчи томондан — илмий билим ва адабий—бадий ижод соҳаларининг ривожланишидаги муҳим тенденцияларни намоён этар эди. Ўрта асрларда Туронзаминдаги ҳар бир алоҳида давлат тузилмаси китоб репертуарининг ядросини ўша даврда маълум барча билим соҳаларига оид, тузилиши, мавзуси, турлари ва шаклларига кўра ўхшаш китоблар мажмуи ташкил этарди. Шу нарса диққатга сазоворки, мазкур китоблар ва асарлар мусулмон дунёсининг ис-талган нуқтасида яратилган ёки қайта кўчирилган бўлиши мумкин эди. Туронзамин кутубхона жамғармаси ва китоб assortи-ментининг асосий фарқи шунда эдики, бу ерда, бутун Ўрта Шарқда бўлгани сингари, асосан форс—дорий, янги эрон, тожик ва эски туркий тилларидаги китоблар (мазкур тиллар Марказий Осиё минтақаси, Эрон, Озарбайжон, Афғонистон, Ҳиндистон—нинг айрим ҳудудлари ва унга ёндош вилоятларда кенг тарқалганлиги сабабли) муомалада эди. Ваҳоланки, Туронзамин ҳамда бошқа мамлакатлардан чиққан муаллифларнинг маънавий, ижтимоий ва табиий илмий фан соҳаларида араб тилида яратилган асарлари халқаро китоб савдоси ва *lingua franca*, яъни халқаро алоқа тили мақомига эга бўлган араб тили ёрдамида бутун мусулмон маданий дунёсида муомалада эди. Айнан мана шу нуқтаи назардан биз Туронзамин китоб репертуари ва ислом цивилизацияси бошқа минтақаларининг китоб репертуаридаги ўхшашликлар ва фарқлар ҳақида сўз юритишимиз мумкин.

IX—XIII асрларни ўз ичига олган тарихий давр, яъни кутуб—хоначилик иши тарихининг илк мумтоз даври мобайнида кўпайтириб тарқатилиши даражасига ва муомалада бўлган китобларнинг умумий сонидagi салмоғига кўра биринчи ўринни мусулмонларнинг муқаддас китоби — Қуръони карим ҳамда илоҳиёт фанларининг бутун мажмуига доир китоблар эгаллаб келди. Иккинчи ўринни табиий илмий ва ижтимоий китоблар, учинчи ўринни эса адабий—бадий китоблар эгаллади. Иккинчи гуруҳга мансуб китоблар орасида ўша даврда Туронзаминнинг араб тилида ижод қилувчи олимларининг асарлари етакчилик қилар эди. Давлат тузилиши ва маънавий ҳаётда мўғуллар ҳукмронлигига барҳам берилганидан кейинги тарихий даврда (XIV асрдан бошлаб), Туронзаминда лисоний ва этник вазият ўзгарганидан сўнг, яъни кутубхоначилик иши тарихининг мумтоз даврида илмий фаолият, адабий—бадий ижод ва қўлёзма китоблар ишлаб чиқариш соҳаларидаги устуворликлар ва энг муҳим йўналишлар таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлди.

Китоб репертуарида Туронзамин халқларининг миллий тила – ридаги китоблар етакчилик қила бошлади. Араб тилидаги Қуръони карим ва илоҳиётга доир китоблардан кейин иккинчи ўринга форс тили ва туркий тиллардаги адабий – бадиий китоблар кўтарилади, учинчи ва тўртинчи ўринларни эса, тегишли равишда, форс тили ва туркий тиллардаги ижтимоий ва табиий илмий китоблар эгаллади. Илоҳиётга доир асарлар, илмий тадқиқотлар, диний асарларга тавсиф ва шарҳлар ҳам кўпроқ форс тилида ва туркий тилларда ёзила бошланди. Мазкур нисбат Туронзамин китоб репертуарида XX асрнинг бошигача, яъни китоб ва китобат иши тарихининг кечки мумтоз даврида ҳам сақланиб қолди.

Юқорида зикр этилган барча тарихий босқичларнинг китоб репертуари, авваламбор, ижтимоий онгнинг дин, фан, адабиёт сингари шаклларининг тадрижий ривожланишига мувофиқ, турли билим соҳалари ва фан бўлимларининг ривожланишига, муайян асарларнинг яратилиши ва қайта кўчирилиб, китоб мақомига эга бўлишига қараб шаклланди. Шу билан бирга, китоб репертуарининг шаклланиш жараёнига ўрта асрлар Туронзамин жамияти китобхонларининг маълум табақалари ва тоифалари қизиқишлари ва эҳтиёжлари ҳам катта таъсир кўрсатди. Ҳар бир янги тарихий босқич, ҳар бир ижтимоий табақа фақат ўзигагина хос бўлган асарларга баҳо бериш мезонлари, диди, маданий эҳтиёжлари даражасига эга эди. Уларнинг адабий – бадиий китоб жанрларига муносабати, муайян мавзуга ва адабиёт турига мансуб китобларга бўлган талаби жуда кўп объектив ва субъектив сабабларга боғлиқ бўлиб, шу билан бир вақтда муаллифларни, қўлёзма китоблар тури ва типини танлаш, нусха кўчириш ва тарқатиш учун турли мавзу йўналишларидаги китобларни танлаб олишга катта таъсир кўрсатар эди.

Адабиёт ва адабий – бадиий жанрлар, илмий ва маънавий билимнинг барча соҳаларига онд илмий ва илмий – оммабоп асарлар, қўлёзма китобларнинг барча турлари ва типларининг бутун бойлиги ва ранг – баранглигини ўзида мужассамлаштирган китоблар ўрта асрлар Туронзамини китоб репертуарининг негизини ташкил этди.

Ўрта асрлар фанининг йирик намояндalари, Туронзаминдан чиққан ва араб тилида ижод қилган алломалар: ал – Ҳоразмий, ал – Фарғоний, ал – Форобий, Беруний ва Ибн Сино асарлари Туронзамин китоб репертуарида, кенг маънода эса – араб – мусулмон китобат маданиятида алоҳида ўрин тутади. Мазкур алломаларнинг бундан олдинги даврдаги илмий тафаккурнинг барча ютуқларини ўзида мужассамлаштирган асарлари жаҳон фани ва маданиятининг ривожланишида ташланган катта қадам

бўлди. Номлари юқорида зикр этилган алломалар ўша даврда маълум барча фан соҳаларидаги билим даражаси, илмий ақл — заковатига кўра том маънода қомусчи — олим сифатида эътироф этилдилар. Уларнинг кўп сонли асарлари ва китоблари ўтган асрлар мобайнида қайта — қайта кўчирилиб, ҳар сафар Ўрта Осиё китоб репертуарини бойитишда давом этди, Туронзамин китобат маданияти тарихининг энг муҳим ва ёрқин саҳифаларидан би — рини ташкил қилди.

Шу билан бирга, ўрта асрлар кутубхоналарининг китоб жамғармасида бошқа Туронзамин муаллифларининг китоблари ҳам бисёр эди. Уларнинг айримларининг исмини биз ушбу китобнинг 75 — саҳифасида қайд этиб ўтдик.

Мусулмонларнинг муқаддас китоби — Қуръони каримнинг ўн минглаб рўйхатлари (нусхалари)дан, Қуръони карим матнига ёзилган тафсиллардан, уни мутолаа қилишнинг ҳар хил усуллари — қироатга, Қуръони карим орфографияси ва матни масалалари — тажвидга бағишланган асарлардан, ҳадис тўпламлари ҳамда ҳадисшунослик асослари ёки усуллари, мумтоз ҳадис тўпламларини қайта ишлаш ва янгиларини тузишга бағишланган асарлардан, мақомат (авлиёлар ҳаёти)га оид адабиётлардан, суфизм, ислом қонуншунослиги — фикрда оид асарлардан иборат диний адабиётлар мажмуи ўрта асрлар китоб репертуарининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади.

Фалсафий адабиётлар ҳам юқорида зикр этилган даврдаги китоб репертуарининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Юнон фалсафиси ислом диний қонун — қоидалари билан мувофиқлаштирилиши натижасида X — XI асрларда фанларни фалсафий таснифлашнинг бир нечта йўналиши вужудга келди. Улар юнон фалсафаларининг фалсафий таснифларидан тубдан фарқ қилар эди. Мазкур йўналишларда яратилган асарлар орасида ал — Фиробийнинг «Ихсо ал — улум» — «Фанлар таснифи», Абу Абдуллоҳ ал — Хоразмийнинг «Мафотих ал — улум» — «Фанлар калити», Абу Али ибн Синонинг «Ақсам ал — улум ал — ақлийа» — «Фанларнинг тафаккурга асосланган бўлимлари», Ибн Фаригуннинг «Жаволи ал — улум ал — ақлийа» — «Фанлар мажмуи» асарлари ўзининг теранлиги ва серқамровлиги билан ажралиб туради. Абу Али ибн Синонинг қомусий хусусиятга эга бўлган фалсафий тадқиқоти — «Китоб аш — шифо» — «Шифо китоби» XI асрнинг биринчи чорагида араб тилидаги фалсафа фани ривожланишининг маълум босқичига яқун ясади. Кейин — чалик Туронзаминда, номлари юқорида зикр этилган алломаларнинг асарлари билан бир қаторда, фалсафа, геометрия, оптика, астрономия, метеорология, тиббиёт, мусиқа соҳаларида 150 тага яқин асар яратган Абу Юсуф ал — Киндий (820 — 879),

фалсафа, тиббиёт, кимё ва бошқа фан соҳаларида 320 дан ортиқ асар яратган Абу Бакр Закарийа ар-Розий (865–925)<sup>1</sup>, Абу Сулаймон ал-Мантиқийа (вафоти 1001 й.), Ибн Мискавайх (вафоти 1030 й.) ал-Харирий (вафоти 1120 й.), ал-Ғаззолий, Ибн Оқила, Фаҳриддин ар-Розий, Жоҳид, Мутанаббий, Испания фалсафа мактаби файласуфлари Ибн Хазм, Ибн Бадж (XI аср охири – 1138 йил), Ибн Туфайл (1110–1185), Ибн Рушд (Европада Аверроэс номи билан машҳур, 1126–1198)нинг фалсафий асарлари кенг тарқалди.

Ўша даврдаги фалсафа китоб репертуари илмий монографияларни, рисолаларни, фалсафий таълимотларнинг оммабоп талқинларини, қадимги юнон файласуфларининг араб тилига таржима қилинган асарларини ҳамда мазкур асарларга ёзилган шарҳларни ўз ичига олади. Ўша даврда мантиқ фанига оид асарлар (Порфирийнинг «Исагога»си, ал-Абхорийнинг «Аш-Шамсия»си, ал-Форобий асарлари), диалектика (ёки мунозара ҳақида таълимот), этика ва теология (қалам)га оид асарлар, билимнинг фойдаси ва билиш босқичлари ҳақидаги асарлар, турли қомусий асарлар, фанни таснифлаш ва тизимга солишга оид асарлар айниқса кенг тарқалган эди.

Араб тилидаги китоб репертуарининг олтин жамғармасини ташкил этган буюк қомусчи-олимлар ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, Беруний ва Ибн Сино асарлари билан бир қаторда, юқорида зикр этилган жамғарманинг бойлиги Туронзамин олимлари ва адабиётчиларининг бир неча авлодлари томонидан яратилган ўша даврда маълум барча табиий-илмий ва ижтимоий билим соҳаларига оид илмий ва бадиий асарларнинг бутун ранг-баранглиги билан белгиланар эди. Туронзамин китоб репертуарига мансуб асарларнинг нусхаларини кўп қарра қайта кўчириш орқали яратилган китоблар орасида Ҳаким Термизийнинг (вафоти 868 й.) фалсафий ва тарихий асарларини, Яқин ва Ўрта Шарқдаги илк қомуслардан бири – X асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган олим Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг (вафоти 997 й.) «Мафотиҳ ал-улум» – «Фанлар калити» асарини, Абул Ҳаким ал-Косийнинг (XI аср) кимё фанига оид асарларини, хоразмлик Абулқосим ибн Умар аз-Замахшарий (1075–1144)нинг араб тили грамматикаси, тилшунослик, адабиётшунослик ва географияга оид ўттиздан ортиқ асарларини, Абул Ҳасан ал-Байҳақий (1100–1170)нинг араб ва

<sup>1</sup> Абу Барк ар-Розийнинг ўзи «Фалсафий турмуш тарзи» номли автобиография асарида ёзишча, «камина ушбу китоб қозоғга туширилаётган пайтгача турли фалсафий фанларга бағишланган 200 га яқин китоб, мақола ва асарлар яратдим». Иқтибос қуйидаги китобдан олинди: Абу Бакр ар-Розий. Духовная медицина. Душанбе, Ирфон, 1990. – 5 – бет.

форс тилидаги тарихшунослик ва адабиётта оид 80 га яқин китобини, Абу Саъд Абдулкарим ас-Самаъний (1113–1167)нинг тарих, география ва китобшуносликка оид эликдан ортиқ асарини, X асрда яшаган хоразмлик табиб Абу Бакр ал-Хоразмийнинг тиббиётга оид китобларини, марвлик Ҳаким Аз-Рақий (вафоти 1190 й.) ва Абдурахмон Ҳасан ал-Марвазий (XII аср)нинг тиббиёт ва астрономияга оид асарларини, туронзаминлик ҳассос шоир, файласуф, астроном ва математик Умар Ҳайём (1048–1131)нинг фалсафий рисоаларини, Юсуф Саккокий (1160–1229)нинг фалсафий асарларини, Шамсиддин Муҳаммад ибн Ашраф Самарқандий (вафоти 1204 й.)нинг фалсафа, мантиқ ва геометрияга оид асарларини қайд этиш мумкин.

Умумий таълимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган, мактаб ва мадрасаларда асосий фанлардан бири сифатида ўқитилган араб тилига оид китоблар ижтимоий фанлар мажмуида алоҳида ўрин тутаяди. Араб, кейинчалик форс ва турк филологияси Туронзаминнинг ўрта асрлар китоб репертуаридан грамматика, лексикология, лексикография, просодия, метрика, поэтика, стилистика сингари фан соҳаларига оид илмий монографиялар, рисоалар, уларнинг оммабоп талқинлари ва ўқув қўлланмалари шаклида ўрин олган эди. Лексикография ишловлари (этимологик, грамматик ва реал шарҳли вожабула) принциплари ва усулларини ижодий ўзлаштириш ва амалда қўллаш бир қатор билим соҳаларида араб, форс тиллари ва туркий тилларда биографик, жуғрофий, тиббий, фармакологик, ўсимликшунослик ва минерологияга оид лўғатлар ва маълумотномалар яратиш анъанасини юзага келтирди. Хоразмлик аз-Замахшарий тилшунослик соҳасида бир нечта ажойиб асарлар яратди. Араб тилининг морфологияси ва синтаксиси (сарфу навҳ) муаммоларини илмий ўрганишга бағишланган «Ал-Муфассал», араб, форс, турк ва мўғул тилларининг қиёсий лексикологиясига оид «Муқаддимат ул-адаб», араб тили синтаксисининг асосий муаммоларига ҳамда морфология ва лексикографиянинг айрим масалаларига бағишланган «Ал-муҳожот фил-аҳожий» — «Грамматика жумбоқлари» асарлари, просодия ва метрикага оид «Ал-кустос фил-аруз» рисоласи, «Ал-Муъжам ул арабий-форсий» арабча-форсча лўғати, «Ал-мустақсо фи амсол ул-араб» — араб мақоллари ва масалларининг изоҳли лўғати шулар жумласидан<sup>1</sup>.

Бошқа бир мисол тариқасида туркий тиллар филологиясидаги беқиёс асар — Маҳмуд Қошғарийнинг 1073 йилда яратилган

<sup>1</sup> Қаранг: Оқилов М. Замахшарий асарларининг қўлёзма ва босма нусхалари // Адабий мерос. — 1982. — №4 (24). — 56–60-бетлар.

«Девону луғатит турк» – «Туркий сўзлар девони» асарини кел – тириш мумкин.

XIII асрда яшаган туронзаминлик тилшунос ас – Саккокийнинг «Мифтаҳ ал – улум» асари ҳам ўз даврида катта довруқ қозонган эди. Мазкур асарда олим поэтика ва стилистика назариясини бир тизимга солган. Мазкур асар асрлар мобайнида мусулмон дунёсининг турли мамлакатларида бир неча марта қайта ишланди ва изоҳланди. Масалан, дамашқлик олим ал – Қазвиний (вафоти 1338 й.) мазкур асарнинг риторикага бағишланган учинчи қисмининг қисқача тавсифини яратгани маълум.

Араб, форс тиллари ва туркий тиллардаги жуғрофий ада – биётлар, мазкур фандаги икки йўналиш – математик ва тавси – фий йўналишларга мувофиқ, Туронзамин китоб репертуарида адабий – бадий жанрлар ва китоб жанрларининг бир неча турлари яратилган: «Йўллар ва мамлакатлар (давлатлар)нинг» изчи тавсифи, мамлакатлар ва аҳоли яшайдиган жойларнинг координаталари жадваллари (зижлар), уларнинг назарий тавсифи ва шарҳлари; муайян саёҳатлар, почта ва савдо йўллари мар – шрутларининг тавсифлари; узунлик ва кенглик ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган назарий қисмдан ҳамда ер юза – сининг аҳоли яшайдиган жойларининг тавсифи, бутун олам ту – зилишининг тавсифи (космография), алоҳида минтақаларнинг тарихий – жуғрофий тавсифи шаклидаги тавсифий қисмдан иборат аралаш хусусиятта эга асарлар.

Туронзаминлик олимлар Жаъфар ал – Марвазий (вафоти тахминан 887 й.) ва Аҳмад ас – Сарахсий (вафоти тахминан 899 й.) араб тилидаги жуғрофий адабиётларда маршрутларни бел – гилаш йўналишига асос қолган биринчи муаллифлар ҳисоблана – ди<sup>1</sup>. Аммо уларнинг китоблари бутунги кунгача етиб келмаган. Ал – Хоразмийнинг «Китоб сурат ал – ард» («Ёр суврати китоби») билан бир қаторда, Абу Зайд ал – Балхий (850 – 934)нинг<sup>2</sup> «Сувар ал – ақалим» – «Иқлимлар харитаси», бухоролик Абу Абдуллоҳ ал – Жайхонийнинг (вафоти 942 й.) «Китоб ал – масалик ва – л – мамалик» – «Йўллар ва давлатлар китоби» асарлари, Абулқосим ибн Умар Замахшарийнинг «Тоғлар ва водийлар номлари»

<sup>1</sup> Қаранг: Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. Избр. соч., т. IV, М.-Л., изд-во АН СССР, 1957. С. 127-128.

<sup>2</sup> Ҳ. Ҳасанов берган маълумотларга қараганда, ал – Балхий 60 га яқин турли асарлар яратиб қолдирган. Улардан бизгача «Осмон ва олам китоби», «Курраи замин тасвири» ва айрим бошқа асарлари етиб келган. (Қаранг: Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёлик географлар ва сайёҳатчилар. Тошкент, «Ўзбекистан», 1964. 34 – бет).

жуғрофий кўрсаттичи, Абу Саъд Самаънийнинг «Китоб ал-ансаб» — «Шажаралар китоби» асари ҳам шуҳрат қозонган.

Ўрта асрлар Туронзамин китоб репертуарининг катта қисмини ранг-баранг турлар ва шакллардаги тарихий адабиётлар ташкил этади. Муҳаммад пайғамбар ва бошқа авлиёларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид асарлар, алоҳида йирик тарихий ҳодисалар ва ҳарбий юришлар ҳақидаги рисоалар, сулоаларнинг солномалари, маҳаллий ва умумий тарихга оид асарлар шулар жумласидан.

Бухоролик Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (тахминан 899—959 йиллар) томонидан 943—944 йилларда ёзилган «Таҳқиқи вилоят» — «(Бухоро) мамлакат (и) ҳақида аниқ тадқиқот» асари Туронзаминнинг исломдан олдинги ва араблар истилоси давридаги тарихига оид араб тилидаги илк асарлардан бири ҳисобланади. Мазкур асар «Тарихи Наршахий» номи билан ҳам машҳур. Унда Бухоро шаҳрига қандай асос солинганлиги, шаҳар меъморчилиги ва топографияси, Бухоро атрофида жойлашган қишлоқлар, ўша даврда яшаган одамлар, олимлар, шоирлар, ҳукмдорлар ҳақида ҳикоя қилинади. «Бухоро тарихи» Наршахий томонидан яратилган кўринишда айнан сақланиб қолмаган. Мазкур китобнинг бизгача етиб келган матни асарнинг фарғоналик Абу Наср Кубавий томонидан 1128 йилда амалга оширилган араб тилидан форс-дорий тилига мухтасар таржимасидир. Арабча матни ўтириш пайтида Кубавий уни қисқартирибгина қолмасдан, балки араб тарихчиси Табарийнинг «Тарихи Табарий» китобидан ва бошқа муаллифларнинг китобларидан, шу жумладан Абу Ҳасан Нишопурийнинг бизгача етиб келмаган «Ҳазоин ал-улум» ва Иброҳимнинг «Акбари Муқанна» асарларидан олинган бошқа маълумотлар билан ҳам тўлдирди. Кубавий қўлёзмага ўз шахсий кузатишларини ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг шоҳидларидан сўраб олган маълумотларни киритиб, Бухоро тарихини ўз давригача етказди. 1179 йили Кубавийнинг таржимаси бухоролик Муҳаммад ибн Зуфар томонидан қайта ишланди ва қисқартирилди, XV асрда эса аноним муаллиф қўлёзмани 1220 йилгача бўлган даврни қамраб олган маълумотлар билан тўлдирди. Китоб мана шу охириги таҳририда бизнинг давригача етиб келди.

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдулжаббор ал-Отбий қаламига мансуб «Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳаёти ва фаолияти тавсифи» асари тахминан «Бухоро тарихи» яратилган даврга мансуб. Мазкур асарда 976—1021 йилларда содир бўлган воқеа-ҳодисаларнинг тўлиқ шарҳи берилган. Хронологик нуқтаи назардан олиб қараганда, бу асар Абул Фазл Бай-

ҳақийнинг «Маъсуд тарихи» ва Мулла Ҳожининг «Бўғраҳоннинг ҳаёти ва фаолияти тавсифи» асарларини давом эттиради.

Мўғуллар истилосидан олдинги даврда Туронзамин шаҳар — ларида араб тилида шеърӣ асарлар яратилган. Беруний ва Ибн Синонинг замондоши, туронзаминлик йирик тарихшунос олим Абу Мансур Абдулмалик ас — Саолибий (961 — 1038) ўзининг «Йатимат ад — даҳр» — «Ноёб жавоҳир» номли антологиясида Бухоро, Хоразм ва Хуросонда яшаб, араб тилида ижод қилган 124 шоирнинг ижодидан намуналар ва улар ҳақида батафсил маълумотлар келтирган<sup>1</sup>.

Буюк қомусчи — олим Абу Али ибн Сино томонидан тўла ва мукамал ишлаб чиқилган ўрта асрлар илм — фанининг фалса — фий таснифи Туронзамин китоб репертуаридаги табиӣ — илмий китобларнинг мавзу тузилишини жуда яхши акс эттиради. Унинг концепциясига мувофиқ, мантиқ барча фанларнинг ибтидоси ва таянч нуқтасидир. Ибн Сино мантиқни «инсон қўлидаги қурол» деб атайди. Унинг таснифига кўра, барча фанлар уч назарий тармоқ: физика, математика ва метафизикага бўлинади; уларнинг ҳар бири амалӣ жиҳатларга эга. «Соф физика... барча мавжуд нарсалар ва ҳодисалар, материя, шакл, ҳаракат ва бош ҳара — катлантирувчи, самовотдаги ва само остидаги оддий жинслар ва уларга хос бўлган ҳаракат шакллари, вужудга келиш ва йўқ бў — лиш, ердаги ҳаётта само жинслари ва ҳодисаларининг таъсири, маъданлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, ўсимлик, ҳайвонлар ва инсон руҳи ҳақидаги масалаларни ўрганувчи фанларни қамраб олади. Амалӣ физикага тиббиёт, астрология, физиогномика, тушлар таъбири, туморлар ҳақидаги фан, сеҳргарлик тўғрисидаги фан ва алкимё киради. Соф математика эса арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқа назариясини ўз ичига олади. Соф ариф — метикага амалӣ фанлар тариқасида ҳинд ўн хонали саноғи ва алгебра, геометрияга — майдонларни аниқлаш тўғрисидаги фан, механика, тарози ва тошлар, даража ўлчайдиган асбоблар, оптик асбоблар ва кўзгулар яшаш билан боғлиқ санъатлар, шунингдек гидравлика, астрономияга — астрономик ва жуғрофий хариталар тузиш фани, мусиқа назариясига — мусиқа асбоблари яшаш санъати келиб туташади»<sup>2</sup>.

Ўрта асрларда илм — фан ривожига айниқса катта ҳисса қўшган туронзаминлик математик ва астрономларнинг китоб — лари китоб репертуарида анча салмоқли ўрин эгаллайди. Ал — Хоразмий, ал — Фарғоний ва Беруний сингари буюк алломалар

<sup>1</sup> Қаранг: Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X — начала XI в. Ташкент, «Фан», 1984. С. 57.

<sup>2</sup> Қаранг: Сагадеев А.В. Ибн Сина (Авиценна). М., 1980. — С. 73-74.

мазкур соҳаларда яратган асарлардан ташқари, Ҳабаш ал-Ҳасиб номи билан машҳур бўлган Аҳмад ибн Абдулло ал-Марвазийнинг (вафоти тахминан 864–867 й.) астрономик ва тригонометрик жадвалларини қайд этиш мумкин. Мазкур олим тригонометрияга тангенс ва котангенс тушунчаларини киритди ҳамда мазкур функцияларнинг фан тарихидаги энг биринчи жадвалларини тузди. Бундан ташқари, «астрономия, геометрия, алгебра ва айниқса тригонометрияни ривожлантирган» Абул Вафо Бузжоний (940–998) асарларини<sup>1</sup>, Беруний замондошларидан ал-Хўжаңдийнинг (вафоти тахминан 1000 й.) асарларини, хоразмликлар Абу Наср ибн Аърақ ва астрономия, математикага доир йигирмадан ортиқ асарлар муаллифи Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ (вафоти 1034 й.) асарларини, Умар Хайёмнинг «Арифметика мушкулотлари», «Алгебра ва алмуқобала исботлари тўғрисида», «Евклид китобига киришдаги мушкулотларга шарҳлар», «Маликшоҳ зижи» асарларини, XII–XIII асрлар оралиғида яшаган хоразмлик олим Маҳмуд Чағминийнинг (вафоти 1221 й.) астрономияга оид «Сайланма»сини, тиббиётга оид «Кичик қонуни»ни, арифметикага оид «Тўққизлик арифметикаси» рисоласини, «Меросни тақсимлаш масалаларидаги арифметик усулларга шарҳлар»ни, тригонометрияга оид «Сайланма»сини қайд этиш мумкин.

Мусулмон дунёсида тиббиётга оид асарлар айниқса кенг муомалада бўлган. Мазкур соҳага оид асарларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: алоҳида касалликлар, уларнинг аломатлари ва уларни даволаш тўғрисидаги асарлар; инсон организмнинг умумий хоссалари тўғрисидаги асарлар; врачлар учун амалий қўлланмалар; ар-Розийнинг «Ал-Хавий» ва Ибн Синонинг «Тиб қонунари»га ўхшаш қомуслар; дори-дармонлар, малҳамлар, доривор гиёҳларнинг алифбелли рўйхатлари, фармакогнозияга оид асарлар, масалан, Берунийнинг «Китоб ас-Сайдана»си.

Мазкур соҳага оид китоблар орасида Гиппократ, Гален, Абу Бакр ар-Розий, бошқа Эрон, араб, Сурия тиббиётчи олимларининг асарлари билан бир қаторда X асрда яшаб ижод қилган туронзаминлик олимлар – Ибн Синонинг илк устозлари бухороликлар Абу Мансур ибн Нуҳ ал-Қумрий ва Аҳмад ал-Ахавайний асарларини, Ибн Синонинг замондошлари Абу Саҳл ал-Масиҳий, Абулхайр ал-Ҳаммор асарларини, XI–XII асрларда яшаб ижод қилган тиббиётчи олимлар Шарафиддин ал-Илоқий (вафоти 1068 й.), Зайниддин ал-Ҳусайний Журжоний

<sup>1</sup> Матвневская Г.П. К истории математики в Средней Азии IX-XV вв. Ташкент, изд-во АН УзССР, 1962. – С. 50.

(вафоти 1137 й.), Бадриддин ибн Баҳром Калонасий (вафоти 1194 й.) асарларини, 1222 йили Ҳиротда мўғул босқинчилари билан жангда ҳалок бўлган Нажибиддин Абу Ҳамид ибн Умар Са — марқандийнинг тиббиёт ва фармакологияга оид ўнга яқин асарларини қайд этиш мумкин. Мазкур олимларнинг асарлари ўрта асрлар тиббиёт фанининг ривожланиш даражасини муайян тарзда ўзида мужассамлаштирган. Масалан, ал — Қумрийнинг «Орзу қилинган ва мукаммал китоб», «Тиббиёт атамалари китоби», ал — Аҳвайнининг «Тиббиёт толиблари учун қўлланма» асарларида ўша давр тиббиётининг деярли барча соҳалари — умумназарий масалалар, касалликлар тавсифи ва уларни даволаш усуллари, доришunosликка оид материал, шунингдек ўз табиблик амалиётининг натижалари ёритилган.

Ўша даврдаги тиббиёт ва фармакологияга оид китобларнинг аксарияти бутунги кунгача етиб келган. Ал — Қумрийнинг «Орзу қилинган ва мукаммал китоб» — «Китоб ал — гина ва — л — муна» асари (у «Куннаш» ва «Шамсийа ал — Мансурийа» номи билан ҳам машҳур) бизгача кўп сонли рўйхатларда етиб келган. Собиқ Совет Иттифоқининг шаҳарларида мазкур китобнинг икки рўйхати сақланади: бири — Санкт — Петербургда, иккинчиси — Тошкентда, Ўзбекистон ФА Шарқшunosлик институтида (рўйхат рақами 5708). «Бу анча катта асар (Тошкент қўлёзмасида ҳар бири 27 сатрдан 155 варақ, бичими 18x26 см) инсон организмидаги барча аъзоларнинг тавсифи ва касалликларини даволашга бағишланади, — деб қайд этади Ўзбекистон ФА академиги У.И. Каримов. — Сўзбошида Қумрий табиий фанлар, айниқса, тиббиётга қаттиқ меҳр қўйганлиги, унда инсонни касалликлар ва азоб — уқубатлардан фориғ қилиш воситасини кўрганлигини ёзади. Тиббиётга оид турли — туман китобларни мутолаа қилиш жараёнида у касалликларни даволаш усулларида қисқача кўчирмалар олар ва уларга ўз амалиёти натижасида аниқлаган ҳолатларни қўшимча қилар эди. ... Қумрий ўзи келтирган қойдалар қайси манбалардан олинганлигини қайд этиб ўтадики, бу Ибн Сино давридаги тиббиётга оид адабиётлар ҳақида ёрқин тасаввур берибгина қолмасдан, касалликларни аниқлаш ва даволашга доир муайян фикрлар қайси муаллифга тегишлилигини аниқлаш имконини ҳам беради. Ҳаммаси бўлиб у Гиппократ (милоддан аввалги 459 — 355 йиллар)дан тортиб Абу Бакр ар — Розий (865 — 925)гача бўлган 30 дан ортиқ муаллифдан иқтибос келтиради»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов У.И. Об учителях Ибн Сины. (К характеристике научных связей Ибн Сины с современными ему медиками Средней Азии). — «Общественные науки в Узбекистане», 1980, №8-9. — С. 45-46.

Кутубхоналар китоб жамғармаси ядросининг катта қисмини бадиий адабиётлар ташкил этган. Биз бу ерда машҳур шоирлар ва насрий асарлар муаллифларнинг номларини такрорлаб ўтир-маймиз. Ҳар бир тарихий даврга адабий — бадиий кўлэзма китобларнинг ўз репертуари хос бўлганини қайд этиш билангина кифояланамиз.

## 7-§. Кутубхонада адабиётларни таснифлаш ва жойлаштириш

Дунё китобат маданияти тарихида ёзма ҳужжат жамғармалари доимо у ёки бу тарзда тартибга солиш, систе-малаштириш заруриятига дуч келган. Милоддан аввалги III—II мингйилликларда лойдан ясалган қадимги Шумер, Оссурия, Бобил китоблари мазмунига кўра тасниф қилинган. Миср иероглифи китоблар ҳам мазмун жиҳатидан шундай қилинган. Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Юнонистон, Рим, Парфия, Суғдиёна, Хоразм, Бохтар ўлкаларида милоддан аввалги I мингйиллик — милодий I мингйиллик ичида чарм, ёғоч, сопол ва бошқалар сиртидаги ёзувлар ҳам мазмунига кўра тасниф қилинган.

Моҳият эътибори билан, у ёки бу давр маданий тараққиёт босқичида китоб таснифи бевосита ўша даврда фан ва илмий билимларнинг табақаланиши билан боғлиқ.

Умуман олганда, қачонлардир инсониятнинг ўзи ҳақидаги ва атрофидаги дунё ҳақидаги илмий билимлари ягона тизимни ҳосил қилган. Кейинчалик бу билим махсус ва турли — туман билимлар тизимига, фан ва фан бўлимларига ажрала бошлаган. Яъни фан соҳаларига тақсимланган. Мазкур жараён биринчи галда китобда ўз аксини топган. Айни китоб фаннинг турли тармоқларида эришилган илмий ютуқларни ўзида мужассамлаштириб, илмий табақаланишни ўзининг таснифига олиб киради ҳам моддий асосга айланган. Шундай қилиб, фан соҳаларининг хулосалари маълум тартиб билан кўчирилиб китоб мат-нига айланиб борган.

Фанларнинг тарихида биринчи илмий таснифини Арасту (384—322 йиллар) яратган эди. Мазкур тасниф унинг «Метафизика» асари орқали етиб келган. Туронзамин ўлкасида Арасту қарашларининг Форобий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино каби мухлислари бор эди. Улар ўз асарларида Арасту таснифини давом эттирибгина қолмасдан уни ўз замоналарининг илмий соҳалари билан тўлдирдилар.

Форобийнинг фанларнинг келиб чиқиши ва тизимга солиш ҳақидаги гоёлари унинг бизгача фақат лотин тилига қилинган таржимаси орқали етиб келган «Фанларнинг келиб чиқиши» номли китобидан маълум. Форобий бу масалага яни бир китоб —

«Ихсо ул — улум» («Фанларни таснифлаш») номли китобни бағишлаган. Мазкур китобда Форобий барча фанларни беш йи — рик гуруҳга ажратади: 1. Тил ҳақидаги илм. Бу илм етти бў — лимдан иборат. 2. Мантиқ илми. 3. Математика. Бу илм етти бў — лимдан иборат: арифметика, геометрия, оптика, юлдузлар ҳақидаги илм, мусиқа илми, вазн ҳақидаги илм, механика. 4. Табиий ва илоҳий билимлар (ёки метафизика). 5. Шаҳарни бошқариш ҳақидаги илм, ҳуқуқшунослик ва калом<sup>1</sup>.

Шарқда қадимданоқ машҳур бўлган Абу Абдуллоҳ Хораз — мийнинг «Мафотиҳ ул — улум» («Фанларнинг калити») номли асарда фанлар дастлаб иккига бўлинади: 1. Шариат илмлари (улум аш — шарифа) ҳамда ислом динини бошқаришга хизмат қилувчи ёндош илмлар. 2. Арабларда эмас, бошқа халқларда (юнонлар ва бошқаларда) шакланган илмлар<sup>2</sup>.

Биринчи гуруҳга Хоразмий қуйидаги фанларни киритади: 1. Фикҳ, мусулмон қонуншунослиги. 2. Калом, яъни ислом ило — ҳиётчилик илми. 3. Сарфу наҳв — грамматика. 4. Маҳкамада иш юритиш илми. 5. Шеърят ва мезон илми (метрика). 6. Тарих, яъни хронология илми.

Иккинчи гуруҳга қуйидаги фанлар киради: 1. Назарий фалсафа: а) табиий фан — физика (тиббиёт, об — ҳавошунослик, жавоҳиршунослик — минерология, алхимё, механика) — қуйи даража илмлар; б) математика (арифметика, геометрия, астро — номия, мусиқа илми) — оралиқ илмлар; в) илоҳиёт, яъни мета — физика — олий илм; г) мантиқ. 2. Амалий фалсафа: а) ахлоқ (инсонни бошқариш); б) уй бошқарув илми; в) сиёсат илми (шаҳар бошқаруви, давлат бошқаруви илми).

«Мафотиҳ ул — улум»даги фанлар таснифи ҳар бир фаннинг таърифи, мазмунининг баёни ва асосий тушунчаларининг сиққи ва лўнда изоҳи тарзида берилган<sup>3</sup>.

Абу Али ибн Сино фанлар таснифига «Ақсом ул — улум ал — ақлиййа» («Ақлга таянувчи илмларнинг қисмланиши») <sup>4</sup> номли

<sup>1</sup> Қаранг: Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. Ташкент: Фан, 1977. С. 68.

<sup>2</sup> Машҳур тарихчи Ибн Халдун (1332 — 1405) ўзининг тарихга моддийлик қарашларини ифодалаган етти жиддий дунё тарихига оид китобидаги «Муқаддима» қисмида биринчи гуруҳ фанларни нақл (ҳикоя) фанлари (ал — улум ан — нақлиййа), иккинчи гуруҳни эса ақлий илмлар (ал — улум ал — ақлиййа) деб атаган. Қаранг: Каримов У.И. Классификация наук по Ибн Сине. // Материалы Первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте 4-11 июня 1957 г. Ташкент, 1958. С. 987.

<sup>3</sup> Қаранг: Бахадиров Р.М., Хайруллаев М. Абу Абдаллах ал-Хорезми. X век. М., Наука, 1988. С. 76-77.

<sup>4</sup> Қаранг: Каримов У.И. Кўрсатилган асар. 986 — бет.

рисола бағишлаган. Асар номидан кўриниб турибдики, Ибн Сино фан таснифини фақат ҳикмат (фалсафа илми) соҳаси билан чеклаб, бошқа фан соҳаларига ўтмаган. Барча фалсафий фанларни Ибн Сино икки қисмга бўлади: назарий ва амалий фалсафа фанлари. Булардан биринчиси (назарий фалсафа) уч қисмга бўлинади:

1. Қуйи (босқич) фан табиёт деб ҳам аталади (ёки физика — ал илм ат — табиъи дейиш мумкин).

2. Оралиқ фан, математика илми (ал илм ал — рийазий).

3. Олий фан, илоҳийёт (ал илм ул илоҳий) деб аталади.

Фалсафий фанларнинг амалий қисми ўз навбатида уч қисмга бўлинади:

1. Биринчи қисм илм шахс ва унга тегишли масалалар билан шуғулланади. Одамнинг феъл — ҳўйи, ҳатти — ҳаракати, унинг бу дунёю у дунёда бахтли бўлмоғи учун қандай бўлмоғи керак.

2. Иккинчи қисм одамларнинг ўзаро мулоқоти, оила доира — сидаги муомаласи масалалари билан шуғулланади.

3. Учинчи қисм илм одамларнинг шаҳар (ёки мамлакат) миқёсидаги жамоаси доирасидаги муносабатлар билан шуғулланади. Бу қисм сиёсатнинг турли кўринишлари, ижтимоий гуруҳларнинг намунавий (идеал) ва салбий (ёмон) шаҳар шароитида бошқарилиши масалалари ҳақида илмий фикр юритади. Идеал ва ёмон шаҳар шароитларининг сабабларини, уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини, ўзгаришларини текширади. Умуман давлатни бошқариш билан боғлиқ муаммоларни ўрганади.

Фалсафанинг назарий қисмига тегишли бу уч фан қисми ўз навбатида асл ва шохоб қисмларга бўлинади.

Табиат илмининг асосий (асл) қисмлари саккизта. Шундан биринчиси табиат учун умумий масалаларни текширади. Ма — салан, материя, шакл, ҳаракат, табиат (нарсанинг хоссаси маъносиди), ҳаракатнинг уни юзага келтирувчи, ҳаракатланти — рувчига муносабати, борингки, илк тебратувчи — илоҳий ибти — догача.

Иккинчи қисм таннинг ҳолатини, яъни дунёнинг асосини текширади. Бу само ва ундаги барча мавжудот, тўрт унсур, уларнинг хоссалари ҳаракати ва ўрни масалаларидир.

Учинчи қисм вужудга келиш ва йитиш (йўқ бўлиш), пайдо бўлиш ва ўсиш, ўлим (мавт) ва бошқа тусга кириш каби тафси — лотга ҳожат бўлмаган масалаларни тадқиқ қилади.

Фаннинг тўртинчи қисми тўрт унсурда уларнинг қўшилиши ва турлича ҳаракатлари туфайли пайдо бўладиган ҳолатларини тадқиқ қилади. Бу қисм шу билан бирга метеорлар, булутлар,

ёмғир, момақалди роқ, чақмоқ, жала, камалак, яшин, зилзила, денгиз ва тоғларнинг хусусиятларини текширади.

Фаннинг бешинчи қисми ноорганик дунё муаммоларини ўрганади. Олтинчи қисм эса ўсимлик дунёси билан шуғулланади. Еттинчи қисм ҳайвонот дунёси масалаларини ўрганади. Сакки — зинчи қисм ҳайвонот ва шу жумладан инсоннинг жонини ўрга — ниш ва идрок этиш кучларини ўрганишга бағишланади. Бунда таъкидланадики, инсоннинг танаси ўлиши билан уни жони ўл — майди. Жон рухий, илоҳий хилқат (субстанция)га айланади.

Ибн Синонинг фикрича, табиатшуносликнинг тармоқлари ва шохобчаларига қуйидагилар киради:

1. Тиббиёт — унинг мақсади инсоннинг танасини соғлом ва касал ҳолатларида билишдир. У касалликнинг сабабларини ва белгиларини аниқлаш, бу орқали тани касаллик сабаб ва оқибатларидан тозалаш, соғлиқни сақлаш билан шуғулланади.

2. Астрология (аҳком ан — нужум — юлдузларнинг ҳукмлари), бу тармоқни Ибн Сино тахмин илми деб ҳисоблаган. Бу илм юлдузларнинг туриш ҳолати, уларнинг буржлар билан муноса — бати ҳамда Ерга юзланиб туриш ҳолати бўйича дунё ҳақида, ҳо — кимлар, мамлакат, шаҳар ҳақида, туғилиш вақти ва унинг хо — сияти ҳақида, сафарга отланиш, бирор жиддий иш бошлаш ва ҳоказолар ҳақида хулосалар чиқаради.

3. Физиогномика (илм ул — фароса), илмнинг бу тармоғи одамнинг ташқи қиёфасига қараб унинг феъл — атвори ҳақида хулосалар чиқаради.

4. Туш таъбири илми (илм ат — таъбир).

5. Тилсимот илми (илм ат — тилимат).

6. Илми найранг (найранжан).

7. Илм ал — кимиё. Бу илм жавоҳир (минерал) моддалардан уларнинг хоссасини йўқотиш ҳисобига бошқа моддалар, хусусан, олтин ёки кумуш олиш йўллариини излайди.

Ибн Сино таснифи бўйича математика фанининг асосий қисмлари тўртта:

1. Сонлар ҳақидаги илм — илм ул — адад.

2. Геометрия — илм ул — хандаса.

3. Астрономия — илм ул — хайъа.

4. Илм ул — мусиқа.

Математика фанлари қуйидаги шохобчаларга бўлинади. Шу жумладан сонлар ҳақидаги илм:

а) кўшиш ва айириш санъати;

б) алгебра (илм ул — жабр ва — л — муқабала) каби шохобча — ларга бўлинади.

Геометрия фани таркибига:

а) ер ўлчаш ёки топография (илм — ул — мисаха);

б) ҳаракатлантирувчи куч ҳақидаги илм (илм ал—ҳийал ал—мутахаррик);

в) механика (илм жарр ал—аскал);

г) вазн ва тарозу тортиш илми (илм ал—авзан ва—л—мавазин);

д) аниқ ускуналар ҳақидаги илм (илм ал—алат ал—жузъийа);

е) оптика (илм ул—манозир ва—л—марайа);

ж) сувнинг ҳаракати ҳақидаги илм (илм нақл ал—мийах).

Астрономия илмининг тармоқларига астрономия жадваллари ва тақвимлар ҳақидаги соҳалар киради (илм ул—зажат ва—т—тақавим).

Муסיқа илмининг тармоқларига ажиб асбоблар яшаш кў—никмалари ҳақидаги билимлар (масалан, аргал) киради.

Ибн Сино мантиқ илмини фанлар таснифидан ташқарида, ўз таснифининг сўнигида жойлаштиради. Бу илми одам қўлида уни хатолардан асровчи қурол, восита сифатида таърифлайди. Назарий ва амалий фалсафа билимларини тўплашда мантиқ илми қўл келади, деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Х асрадаёқ Форобий, Абу Абдуллоҳ ал—Хоразмий, Абу Али ибн Сино каби алломаларнинг асарларида ўрта асрлар илмий тараққиёти даражасига мувофиқ келувчи фанлар таснифи яратилганига қарамасдан, китобларнинг билим тармоқларига мос равишда тақсимланишида, ўзаро фарқлашда бу билимлар ўз аксини топмаган эди. Фанларнинг илмий таснифи назарий жиҳатдан ҳал этилганига қарамай китобларнинг аниқ ва ягона таснифи йўқ эди. Лекин бу ўлкамиз китобдорлари Шарқ қўлёзмаларини тасниф қилиш ва жойлаштиришнинг лоақал умумий принципларини ҳам ишлаб чиқишмаган, деган маънони бермайди. Китоб таснифининг энг муҳим принципларидан бири мусулмон диний мафкураси талабларига жавоб берип эди. Шунга кўра муқаддас Қуръон, тафсирлар, ҳадис тўпламлари, мусулмон қонуншунослик илми — фикҳ, мусулмон илоҳиёт илми — калом кабилар бўйича китоблар биринчи ўринга қўйилган. Улардан кейин табиат илми ва гуманитар (инсоншунослик) илмлари бўйича китоблар жойлаштирилган. Лекин ҳар бир илм бўйича унинг ички тармоқлари тартибига доимо амал қилинавермаган. Илмий адабиётдан кейин адабий—бадий ва библиографик адабиётлар жойлаштирилган.

Мусулмон маданий дунёси кутубхоналарида адабиётларни тизимга солиш ва жойлаштиришда, уларнинг каталогларини тузишда, библиографик асарлар яратишда асосан тарихий—иерархик ажратиш принципитга амал қилинган. Бунинг маъноси

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов У.И. Кўрсатилган асар, 987, 988, 989—бетлар.

шу эдики, китоблар улар бағишланган фанларнинг тарихан соҳаларга ажралиш тартибига ҳамда ўрта аср жамиятидаги обрў-эътиборига қараб тасниф қилинган. Масалан, Сабур бинни Ардшернинг бизгача етиб келмаган каталогда мавзу тақсимоти қуйидагича бўлган: Қуръон кўчирмалари (нусхалари), Қуръони карим тафсирлари ва тажвидга оид китоблар (Қуръони каримни турли услубларда ўқиш қоидалари), фикҳ, намозликлар, мерос тақсимоти, диний мазҳабларнинг илоҳиётга оид китоблари, умумий илоҳиётга оид асарлар, диний – назарий масалалар юза – сидан баҳслар, Муҳаммад пайғамбар авлодлари ёзган китоблар, шажаралар (насабномалар), филологияга оид китоблар, мақол тўпламлари, грамматика (сарфу наҳв), этимология, қофия тўпламлари, шеърий мажмуалар, латифалар, нақллар (тарихлар), муншаот, тиббиёт, астрономия, фалсафа, геометрия (илми хан – даса)<sup>1</sup>.

Йирик кутубхоналарда адабиётни таснифлаш, жавонларга жойлаштириш, янги келтирилган китобларни рўйхатга олиш, китобларнинг мавжудлигини кўрсатувчи рўйхатлар (каталог) тузиш каби мутахассислик вазифалари китобдорлар ва уларнинг ёрдамчилари зиммасига тушар эди.

Кутубхоналарда китоблар адабиёт таснифи принципларига мос тартибда жойлаштирилар эди. Бунда албатта амалий қўлланишда қулайлик, кутубхонанинг катта – кичиклиги қабила ҳисобга олинган. Кўп ҳолларда китоблар вақф мулкига ўткази – лишида тузилган рўйхатлар (ёки фикхистлар)да қандай ёзилган бўлса, шундай тартибда жойлаштирилган. Жавон ва тоқчаларга китоблар ётқизиш устма – уст тахлаб қўйилган. Китобларнинг жавондаги, сандиқ, шкафдаги ўрнини кўрсатувчи шифр ёки бирор белги учрамайди. Китобларни уларнинг муқовасига ёзилган номи ёки муаллифларнинг исм – шарифи бўйича қидириб топилган ва жойига қайтариб қўйилган. Китобни жойлаштиришда уларнинг ҳажми (бўйи, эни, қалинлиги) катта роль ўйнаган.

## Хулоса

Туронзамин халқларининг қадимиятдан ўрта асрларга, зардуштийликдан мусулмончиликка ўтиш жараёнида, араб ёзувидан фойдаланган мамлакатларнинг сиёсий, маданий, илмий, адабий – бадий ворисийлиги жараёнларига Туронзамин халқларининг қўшилиши, зардуштийлик, монийчилик ва буддавийлик мазмунидаги эски китобдан мусулмончилик мазмунидаги янги китобга

<sup>1</sup> Қаранг: Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. М.: Наука, 1985. С. 251.

ўтилиши билан зардуштийлик маданий дунёси мусулмон маданий дунёсининг таркибий қисмига айланиб борди. Туронзамин халқлари милодий IX асрдан XIX асргача ўтган минг йиллик давр мобайнида юнон – рим «антик дунёси», ўрта асрлардаги роман – герман (юнонлар, руслар ва ирландларсиз) «христиан дунёси», кўплаб халқлар ва элатларни ўз ичига олган «рус дунёси» билан бир қаторда, фанда «мусулмон дунёси» деб аталувчи тизимнинг, улкан араб – эрон – турк суперэтносининг таркибий қисми бўлиб келди. Тарихий нуқтаи назардан олиб қараганда, ўрта асрлар Туронзамин учун жамиятда мусулмонлик мафкураси, умумий мусулмонлик этик, эстетик, ахлоқий – маънавий меъёр ва қонун – қоидалар, қадриятлар тизими, омманинг ўхшаш турмуш тарзи, диний ва мифологияк онги, кундалик маданий анъана ва халқ удулари, авлодлари ворисийлиги, ижтимоий табақаланиш ва у билан боғлиқ ҳар хил мафкуравий ва маданий оқимлар ўртасидаги кураш ҳукмронлик қилган ягона ижтимоий – маданий даври бўлди.

Туронзаминда VI – VIII асрларда юзага келган янги ишлаб чиқариш усули ва ишлаб чиқариш муносабатлари, улар билан боғлиқ ижтимоий онг шакллари ва устқурма институтлар IX – XVII асрлардаги ривожланиш ва баркамолликдан XVIII – XIX асрлардаги турғунлик ва таназзулгача бўлган барча эволюция босқичларини босиб ўтди. Қуддорлик тузумидагига нисбатан янги прогрессив феодал ишлаб чиқариш муносабатлари ва мулкчилик шаклларига ўтилиши, ривожланиб бораётган зиро – атчилик, хунармандчилик, халқаро алоқалар ва савдо – сотиқнинг амалий эҳтиёжлари, шаҳарларнинг ривожланиши ва шаҳар аҳолиси саводхонлигининг ортиши инсоннинг турли билим соҳаларини ривожлантиришни шарт қилиб қўйди. Жамиятда ҳукм сурган моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва тақсимлаш усули ҳамда маданият типи қўлёзма китобларни ишлаб чиқариш, кў – пайтириш, тарқатиш ва кутубхоналарда сақлаш шакллариининг хусусиятини, китоблар ва кутубхоналарнинг турларини белгилаб берди.

Араб тили, шунингдек араб, форс ва туркий тиллардаги қўлёзма китоблар воситасида мусулмон маданий дунёсининг таркибий қисмига ва айни вақтда кенг халқаро маданий алоқалар субъектига айланган Туронзамин халқлари ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда кечган кенг қамровли маданий синтез жараёнига қўшилибгина қолмасдан, балки мусулмон маданиятини, шу жумладан китобат маданиятини ривожлантиришда ҳам бевосита иштирок этди. Ўрта асрлар Туронзамин жамиятининг маданий – тарихий ривожланиш жараёнларида унинг мусулмон дунёсига қўшилиши натижасида рўй берган туб ўзгаришлар, табиий –

илмий, ижтимоий ва диний тафаккурнинг эволюцияси, жамиятда илмий билимлар ва бадий адабиётга қизиқишнинг кучайиши ўша даврнинг универсал ва ўзига хос ёзма ахборот тарқатувчиси саналган қўлёзма китобларга бўлган эҳтиёж ва талабни кучайтирди. Туронзамин халқларининг ижтимоий ҳаётида илк ўрта асрлардаги алоҳида феодал мулкларнинг яккаланганлиги, ўзаро ва ташқи дунё билан муносабатларининг чегараланганлигидан кенг халқаро алоқалар ва фаол муносабатларга, шаҳар ҳаётининг жонланишига тарихий ўтишнинг амалга ошишига қараб, китобат иши ва бутун китобат маданияти жараёнларида ҳам муҳим бурилиш — китобнинг подшолар хазинаси ва масжид меҳробларидан шаҳар ва халқаро китоб бозорларига чиқиши содир бўлди. Инсон билими турли соҳаларининг жадал ривожланиши, энг аввало китобда ўз аксини топган фанларнинг табақалашуви шаҳар китобларида китобдан муқаддаслик, дахслизлик ёрлиги олиб ташланди, китобнинг билим манбаи сифатидаги асосий функцияси тўлиқ даражада ривожлана бошланди. Китобнинг жамият ижтимоий — маданий ва интеллектуал ривожланишида тутган ўрни ҳам ўзгариб борди. Асосан диний ибодат мақсадларига хизмат қилган қадимги ва илк ўрта асрлар китоби (фақат ибодатхоналардагина сақланган ва тор доирада фойдаланилган Авесто, буддавийларнинг адабий мажмуалари, монийчиларнинг етти муқаддас китоби)дан фарқли ўлароқ, бу даврда китобнинг ижтимоий мулоқот усули ва оммавий алоқа воситаси сифатидаги аҳамияти ортиб борди.

Кутубхоначилик иши ривожланишининг муайян тарихий жараёнларини ҳамда кутубхоналар тарихидаги муайян фактларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ўрта асрларда Туронзаминда давлат ҳукмдорлари томонидан таъсис этилган давлат сулолавий кутубхоналари (биз уларни миллий кутубхоналар деб номладик) билан бир қаторда, махсус кутубхоналар тизимлари, чунончи: мадрасалар ва масжидларнинг кутубхоналари, мақбаралар қошидаги кутубхоналар, суфийларнинг ҳужралари қошидаги кутубхоналар, шифохоналар ва хонақолар қошидаги кутубхоналар фаолият кўрсатган ва ривожланган, шунингдек шахсий (хусусий) кутубхоналар тизими ҳам мавжуд бўлган.

Милодий IX — X асрлардаёқ сулолавий хазиналарнинг давлат архивлари ҳамда давлат, миллий кутубхоналарига айлантирилиши, сўнгги зикр этилган муассасаларнинг давлат муассасалари тизимидаги алоҳида бирликларга ажратилиши, мазкур кутубхоналарга мустақил ижтимоий — маданий институт мақомининг берилиши, шунингдек жуда кўп махсус кутубхоналарнинг пайдо бўлиши улар жамиятнинг маданий ривожланишида муҳим ўрин тутганлиги, билим, китоблар, фан ва маорифга ўша даврда жуда

катга аҳамият берилганлигини кўрсатади. Туронзамин шаҳар — ларида милодий X асрдан эътиборан миллий (сулолавий, давлат, сарой) кутубхоналарининг ҳамда жоме масжидлари ва йирик масжидлар кутубхоналарининг бинолари, қоида тариқасида, махсус лойиҳаларга биноан қурила бошлангани бежиз эмас.

Ўрта асрлар Туронзамин жамиятида кутубхоналарнинг ак — сарияти оммавий қўлетарлик принципига асосланган умуми — стифода кутубхоналар вазифасини бажарганлиги ҳам диққатга сазовордир. Ўрта ва кичик мадраса ва масжидларнинг кутубхо — налари, шаҳар ва қишлоқлардаги мусулмонлар жамоаларининг кутубхоналари эшиги мусулмонларга ҳам, бошқа динларнинг вакилларига ҳам очиқ эди. Айрим йирик масжид ва мадраса — ларнинг кутубхоналари хизматидан фақат маориф ва илмий фаолият билан бевосита шуғуланувчи одамларгина фойдала — нишлари мумкин эди.

X асрадаёқ Форобий, Абу Абдуллоҳ ал — Хоразмий, Абу Али ибн Сино каби алломаларнинг асарларида ўрта асрлар илмий тараққиёти даражасига мувофиқ келувчи фанлар таснифи яра — тилганига қарамасдан, китобларнинг билим тармоқларига мос равишда тақсимланишида, ўзаро фарқлашда бу билимлар ўз ак — сини топмаган эди. Фанларнинг илмий таснифи назарий жи — ҳатдан ҳал этилганига қарамай китобларнинг аниқ ва ягона тас — нифи йўқ эди. Лекин бу Туронзамин китобдорлари Шарқ қўлёзмаларини тасниф қилиш ва жойлаштиришнинг лоақал умумий принципларини ҳам ишлаб чиқишмаган, деган маънони бермайди. Китоб таснифининг энг муҳим принципларидан бири мусулмон диний мафкураси талабларига жавоб бериш эди. Шунга кўра муқаддас Куръон, тафсирлар, ҳадис тўпламлари, мусулмон қонуншунослик илми — фикҳ, мусулмон илоҳиёт ил — ми — калом кабилар бўйича китоблар биринчи ўринга қўйилган. Улардан кейин табиат илми ва гуманитар илмлар бўйича ки — тоблар жойлаштирилган. Лекин ҳар бир илм бўйича унинг ички тармоқлари тартибига доимо амал қилинавермаган. Илмий ада — биётдан кейин адабий — бадий ва библиографик адабиётлар жойлаштирилган.

Мусулмон маданий дунёси кутубхоналарида адабиётларни тизимга солиш ва жойлаштиришда, уларнинг каталогларини ту — зишда, библиографик асарлар яратишда тарихий — иерархик ажратиш принципига ҳам амал қилинган. Унинг ортодоксал принципдан фарқи шундаки, китоблар улар бағишланган фан — ларнинг тарихан соҳаларга ажралиш тартибига ҳамда ўрта аср жамиятидаги обрў — эътиборига қараб таснифланган.

Китобат маданиятида туркий, форс ва араб тилларида яра — тилган қўлёзма китобларнинг биргаликда мавжуд бўлиши ва

мувозий ривожланиши ўрта асрлар Туронзамини китоб ва китобат иши тарихининг ўзига хос хусусияти ва муҳим тенденцияларидан биридир. Мусулмон фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссаси билан қудратли интеллектуал салоҳиятга эга бўлган маданий майдон — мусулмон маданий дунёсининг муҳим таркибий қисмига айланган Туронзамин ва унинг халқлари, бошқа халқлар билан бир қаторда, маданият субъектлари ҳамда маънавий қадриятларни яратиш ва улардан фойдаланиш жараёнларининг фаол иштирокчилари сифатида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида муомалада бўлган араб, форс ва туркий тиллардаги китоблар ва асарлар мажмуининг эгалари ва ворисларига айландилар. Ислом цивилизацияси мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган халқаро китоб савдоси Туронзамин китоб репертуарига араб, Сурия, Шимолий Африка, Испания, Эрон, Шимолий Кавказ, ҳинд муаллифларининг араб, форс ва туркий тилларда ёзилган жуда кўп китобларининг кириб келишига сабаб бўлди.

Туронзамин кутубхона жамғармаси ва китоб ассортиментининг асосий фарқи шундан иборатки, бу ерда, бутун Ўрта Шарқда бўлгани сингари, асосан форс — дорий, янги эрон, тожик ва эски туркий тилларидаги китоблар (мазкур тиллар Марказий Осиё минтақаси, Эрон, Озарбайжон, Афғонистон, Ҳиндистоннинг айрим ҳудудлари ва унга ёндош вилоятларда кенг тарқалганлиги сабабли) муомалада бўлган. Ваҳоланки, Туронзамин ҳамда бошқа мамлакатлардан чиққан муаллифларнинг маънавий, ижтимоий ва табиий илмий фан соҳаларида араб тилида яратилган асарлари халқаро китоб савдоси ҳамда халқаро алоқа тили мақомига эга бўлган араб тили ёрдамида бутун мусулмон маданий дунёсида муомалада эди. Айнан мана шу нуқтаи назардан биз Туронзамин китоб репертуари ва ислом цивилизацияси бошқа минтақаларининг китоб репертуаридаги ўхшашликлар ва фарқлар тўғрисида сўз юритишимиз мумкин.

Ўрта асрларда Туронзаминдаги ҳар бир алоҳида давлат тузилмаси китоб репертуарининг ядросини ўша даврда маълум барча билим соҳаларига оид, тузилиши, мавзуси, турлари ва шаклларига кўра ўхшаш китоблар мажмуи ташкил этган. Унда адабиёт ва адабий — бадиий жанрлар, илмий ва маънавий билимнинг барча соҳаларига оид илмий ва илмий — оммабоп асарлар, кўлёзма китобларнинг барча турлари ва тишларининг бутун бойлиги ва ранг — баранглиги ўз аксини топган.

IX — XII асрлари (мўғуллар истилосигача бўлган даврни) ўз ичига олган тарихий босқич, яъни кутубхоначилик иши тарихининг илк мумтоз даври мобайнида кўпайтириб тарқатилиши даражасига ва муомалада бўлган китобларнинг умумий сониди

салмоғига кўра биринчи ўринни мусулмонларнинг муқаддас китоби — Қуръони карим ҳамда илоҳиёт фанларининг бутун мажмуига доир китоблар эгаллаб келди. Иккинчи ўринни табиий илмий ва ижтимоий китоблар, учинчи ўринни эса адабий — бадиий китоблар эгаллади. Иккинчи гуруҳга мансуб китоблар орасида ўша даврда Туронзаминнинг араб тилида ижод қилувчи олимларининг асарлари етакчилик қилди.

Давлат тузилиши ва маънавий ҳаётда мўғуллар ҳукмрон — лигига барҳам берилганидан кейинги тарихий даврда (XIV асрдан бошлаб то XVII асргача), Туронзаминда лисоний ва этник вазият ўзгарганидан сўнг, яъни кутубхоначилик иши тарихининг мумтоз даврида илмий фаолият, адабий — бадиий ижод ва қўлёзма китоблар ишлаб чиқариш соҳаларидаги устуворликлар ва энг муҳим йўналишлар таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Китоб репертуарида Туронзамин халқларининг миллий тилларидаги китоблар етакчилик қила бошлади. Араб тилидаги Қуръони карим ва илоҳиётга доир китоблардан кейин иккинчи ўринга форс тили ва туркий тиллардаги адабий — бадиий китоблар кўтарилди, учинчи ва тўртинчи ўринларни эса, тегишли равишда, форс тили ва туркий тиллардаги ижтимоий ва табиий илмий китоблар эгаллади. Илоҳиётга доир асарлар, илмий тадқиқотлар, диний асарларга тавсиф ва шарҳлар ҳам кўпроқ форс тилида ва туркий тилларда ёзила бошланди. Мазкур нисбат Туронзамин китоб репертуарида XIX асрнинг ўрталаригача, яъни китоб ва китобат иши тарихининг кечки мумтоз даврида ҳам сақланиб қолди.

Эркин Охунжонов

**ВАТАН КУТУБХОНАЧИЛИГИ ТАРИХИ**

Тошкент, 2004

Теришга берилди 06.09.2004. Босишга рухсат этилди 09.09.2004.  
Шартли босма табағи 7,0. Бичими 60x84 1/32. Адади 200 нусха.  
Баҳоси шартнома асосида.

«BOSPOLIGRAF» босмахонасида босилди.  
Тошкент, С.Азимов кўч., 32а.

